

R 566


Экз 1
№ 1

ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ-ФАЛСАФИЙ,
МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ
ЖУРНАЛ

ТАФАККУР 4/2020



Асқад Мухтор
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

Men bilishim kerak...

Хужайрамнинг ҳар бир бўлагида
Аждодлардан мерос қоним бор.
Саҳродаги карвон йўлларида
Ёзилмаган эзгу қонун бор:
Олислардан келган ташна мусофир
Ногоҳ бир манзилда қудуқ топади.
Тўйиб ичгандан сўнг геолог, шофёр
Иргай, ёвшан билан устин ёпади.
Токи қум босмасин қуюнлар келса,
То ямлаб кетмасин қуёш ёлқини.
Ундан кейин келган нотаниш кимса
Топсин қатраларнинг жонбахш салқинин.
Мен билишим керак, билишим керак,
Бир савол қалбимга ларза солади:
Аждодлардан мерос қонимдан бўлак
Мендан издошларга нима қолади?..

Эта
№ 1



ТАФАККУР



Тафаккур

ИЖТИМОЙИ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ЖУРНАЛ

Журнал 1994 йилдан чиқа бошлаган. Бир йилда тўрт марта нашр этилади.

Бош мухаррир
Эркин АЪЗАМ

Тахририят

Собиржон ЁКУБОВ
(бош мухаррир ўринбосари)

Султонмурод ОЛИМ
(бўлим мудир)

Номира ОФОК
(бўлим мудир)

Ольга ЖОЛДАСОВА
(бўлим мудир)

Насрулло ЭРГАШ
(мухбир-мухаррир)

Наргиза УСМОНОВА
(техник мухаррир)

Жамоат кенгаши

Ўрозбой АБДУРАХМОНОВ

Абдулла АЪЗАМ

Хуршид ДАВРОН

Минхожиддин МИРЗО

Шухрат РИЗО

Сирожидин САЙИД

Хайридин СУЛТОН

Абдурахим ЭРКАЕВ

Муртазо ҚАРШИБӨЙ

Дилмурод ҚУРОНОВ

Муассис – Республика Маънавият ва маърифат кенгаши.

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0219-рақам билан рўйхатга олинган. Матиларда фойдаланилган мисол, кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун муаллифлар жавобгардир.

Журналдан кўчириб босилганда манба кайд этилиши шарт.

Манзилимиз: Ташкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 36-бино.

@ tafakkurtahririyati@mail.ru

Журнал андазаси тахририятнинг компьютер бўлимида тавёрланди.

"Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. 100000, Ташкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-бино.

2020 йил 17 декабрь кунин босмахонага топширилди. Қоғоз бичими 70x100 мм, 6 босма табак, 1192-бўжуртма. Нашр қилади 930 нусха.

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?


Абадият деворидаги битик. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, шоир Мирзо КЕНЖАБЕК билан суҳбат.....4

ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ. Буюк шахмат тахтасидаги Ўзбекистон.....16

АҚЛ МУНОЗАРАСИ

Жуманазар БЕКНАЗАР. Қаён кетмоқдасан, эй одамизод?...22



МАЪНО ВА МОҲИЯТ

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ. Навойнинг идеали.....30

БУЮКЛИК ТИМСОЛЛАРИ

Хайридин СУЛТОН. Сўзи ўлмаганнинг ўзи ҳам ўлмас....36

SAHIFALARIDA

саҳифаларида

СУРАТ ВА СИЙРАТ

Иқбол МИРЗО. Яшил шажар.....48



Шавкат РАХМОНОВ

ИНСОН ЁЗИНГ, ИНСОН ЁЗИНГ

Абдуқаюм ЙЎЛДОШ. Ҳомий.....55

БОҶИЙ САРЧАШМАЛАР

Нусратулло ЖУМАХЎЖА. Асрлар ғамини сўйлар "Муножот".....64

МОҶИЯТ ЖИЛОЛАРИ

Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ. Ҳаёт мисоли маъжун.....70

ЖАВОНДАГИ ЖАВОҶИР

Олим ТОШБОЕВ. "Шаҳеким, адолатдур онинг иши.....".....76



Абдуқаюм ЙЎЛДОШ

ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

- Шомат САМАДОВ. Буюк инсоншунос.....84
- Бекзодбек МУХТОРОВ. Носируддин Самарқандий хатарни олдиндан сезганми?..85
- Музаффар МИРЗО. Шатранж – маънавий ганж.....86
- Шерхон ҚОРАЕВ. Нафси – тупроқ, химмати – осмон.....87
- Содиржон ЁҚУБОВ. "Синчалак"нинг Олмонияга сафари.....88
- Саодат КОМИЛОВА. Бахт сари талпинган одам.....89
- Насрулло ЭРГАШ. Фольклор нима учун керак?.....90
- Машрабжон ЭРМАТОВ. Бастакорлик надир.....91
- Муродилла ҲАЙДАРОВ. Туркистон тонг отгунча.....92
- Зухра ҚРИПОВА. Мисрда ҳукм сурган хоразмлик султон.....93
- Журналнинг инглизча мухтасар мазмуни.....95

НИМА ДЕЙСИЗ, ЗАМОНДОШ?



АВАДИЯТ ДЕВОРИДАГИ БИТІК

*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий,
шоир Мирзо КЕНЖАБЕК билан суҳбат*

– Ҳақиқат яшашнинг бир усули бўлгани каби, истаймизми-йўқми, ёлғон ҳам бир усулдир. Ёлғоннинг яшовчанлиги сабаби ҳам аслида шу. Ёлғоннинг хатарли бир тури бор: келажакка дахлдор ёлғонлар. Хатари шундаки, унинг оғриқлари йиллар ўтиб билинади. Вақтида муолажа этилмаган дард, табиийки, сурункали хасталикка айланиб кетади. Ёлғон, таъбир жоиз бўлса, мутацияга учрайди ва янада мудҳиш оқибатларни бошлаб келади. Пировардида эса ёлғон ўзига кўниктиради. Инсон қалби, виждонида унга нисбатан мойиллик ҳосил бўлади. Алдов энди сизни қийнамайди, изтиробга солмайди. Чунки у сизнинг ҳаётингизнинг бир бўлаги-

га айланиб улгурган. Шу тариқа ҳазрати Одамнинг кизбдан ҳазар қилмайдиган бир қавми пайдо бўлади.

Ёлғонлардан беҳад кўп азият чеккан элатмиз. Азбаройи ишонувчанлик, соддалик ва истиҳола хислатлари халқимизга жуда қимматга тушди. Бунинг англаш учун узоққа бориш шарт эмас, сўнгги юзйилликка назар ташласак кифоя...

– Дарҳақиқат, энг мудҳиши – халқнинг, миллатнинг тақдири, бугуни ва келажагига доир ёлғонлардир.

Бир маҳаллар “Санъат” журналида таниқли ижодкорлар билан суҳбатлар ташкил этилар, анкета сўровида “Ёлғон гапирган-мисиз?” деган савол ҳам бўлар эди. Шўро мустамлакаси шундай бир даврки, озодлик ёлғон, мафкура ёлғон, тенглик-дўстлик деган қадриятлар ёлғон, қонун устуворлиги ёлғон, инсон ҳуқуқлари ёлғон, ҳатто бош қонун – Конституция ёлғон, алҳосил, жамият алдовдан бино этилган эди. Шоирлардан бири бу саволга “Дунёда катта-катта ёлғонлар бор, уларнинг олдида бизникини ёлғон дейишга ҳам уялади одам”, деб жавоб берган эди.

Ёлғон – ўз номи билан ёлғондир. Унинг катта-кичиги бўлмайди. Киши ёлғон гапирса, фаришта унинг ёнидан бир чақирим нарига қочади. Фақат ҳарб ва фитналарда жонни қутқариш, низолашган кишилар ёхуд эр-хотиннинг орасини ислоҳ қилиш, уларни яраштириш, яхшиликка бошлаш учунгина сулҳангиз ёлғонга руҳсат этилган.

Узоққа бормайлик, биз мустамлака давридан кейин, истиқлолга эришганимиздан сўнг ҳам, кўп йиллар ёлғонлар даврини бошдан кечирдик. Фитналар, тухматлар, тазйиқлар, ноҳақ қамоқлар, диндорларга нисбатан бўҳтонлар, қора рўйхатлар... Гўё Ўзбекистонни шу юрт ва халққа нодўст яширин кучлар бошқараётгандек туюларди. Халқимизни ана шундай фитналар замонидан сабр неъматини саломат олиб чиқди.

Зотан, ростлик юртга ҳам, хоҳадонга ҳам баракот ёғдиради. Соҳибқирон Амир Темурнинг шиори “Рости – русти”, яъни “Тўғрилиқ – роҳат-фароғат, неъмат ва омонликдир” деган сўз бўлгани бежиз эмас.

– Инсон барпо қилган ҳар нарса нуқсонлидир. Мукамаллик ҳамиша орзу! Муҳими – мукамалликка ишонмоқ ва интиломқ. Ёлғонга кўникиш айнан ишонч бой берилган жойдан бошланади. Ишонч йўқолса, умид сўнади. Умидсизлик эса хатар



нокдир. Дарҳақиқат, сиз айтганингиздек, халқимиз ёлғону ҳақсизликларни бемисл сабри билан енгиб ўтди. Аммо шоир айтганидек, “Яшаб бўлмайди-ку, ахир, энгашиб”... Демак, энди тик юриш, рост гапириш, тўғри яшашни ўрганмоғимиз даркор. Зеро, дунё айвонида ўз сўзи ва маслагига эга миллат ўлароқ ҳали қиладиган ишларимиз бисёр. Бунинг учун эса, аввало, ўзимизни топишимиз – миллий зехниятимизни тирилтиришимиз лозим бўлади.

Ўтган асрнинг бошларида миллий давлатчилигимиздан ажралдик. Моддий ва маънавий бойликларимиз талон-тороғ этилди. Ҳазрат Алихонтўра Соғуний юрт ойдинларига бу паришон ҳолатдан чиқишининг йўлини айтди: “Миллий ҳокимиятимиздан ҳозирча ажраб турган бўлсак ҳам, миллий ҳиссиётимиздан ажрамай, уни сақлай олсак, келажакда душманларга ютилишдан ўзимизни қутқара оламиз. Энди бу мақсадга етиш учун қўйилган масалаларнинг энг биринчи шартини – тил масаласидир”. Демак, миллий тил барҳаёт экан, миллат яшайверади.


Кейинги вақтларда давлат тили билан боғлиқ масалалар долзарб аҳамият касб этди. Бу жуда қувонарли ҳол, албатта. Аммо... Истиқлолга эришдик деганимизга ҳам салкам ўттиз йил бўлди, ахир! Биз ҳали ҳам миллий тил мустақиллиги ҳақида гапириб юришимиз, бу масала ҳамон долзарблигини йўқотмагани... чандон ҳайратланарли эмасми?

– Камина “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида чоп этилган “Парчаланмас бир диёр – ўзбек тили” деган мақоламда давлат тили муаммоларига доир зарур деб билган гапларимни айтганман. Лекин, афсуски, бу масалалар ҳали ечилганича йўқ. Давлат тили ҳақидаги қонун – халқ ноибларининг қўлида ўйинчоққа айланиб қолгандек: хоҳлаганча ўзгартиради, хоҳлаганча таҳрир қилади.

Маълумки, биз ҳозир амал қиляётган давлат тили ҳақидаги қонун 1989 йилдаги эмас, балки 1995 йил 21 декабрда шоша-пиша қабул қилинган янги таҳрирдагисидир. Мазкур қонунда ўзбек тилини ўрганиш заруратини белгилайдиган ёки унга рағбатни оширадиган бирорта банд мавжуд эмас эди. Қонунга кўра, фуқаролар миллатлараро муомала тилини ўз хоҳишига кўра танлайди...

Боз устига, қонунда Ўзбекистон фуқарола-рининг давлат тилини билиши мажбурийлиги қайд этилмаган, бирон расмий идорага ишга кириш ёки тайинловларда давлат тилини би-лиш шарти белгиланмаган эди. Бу эса ўзбек тилининг жамиятда жилла кераги йўқ, деган хулосага олиб келиши мумкин эди.

1989 йилда қабул қилинган давлат тили тўғрисидаги қонундан нега халқимиз, милла-тимиз ҳаёти учун сув билан ҳаводек зарур бўл-ган моддалар чиқариб ташланган? Не зарурат-га кўра айрим ҳаётий моддалар қисқартирилган? Нима учун гўё мустақиллик замонидан яна қайта мустамлака замонига қараб қадам босилган?



Баъзи мисол ва далилларга ўтайлик. 1989 йилги қонуннинг 16-моддасида араб алифбосига асосланган қадимий ўзбек ёзуви-ни ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида ўргатиш, уни ўқув фанларидан бири сифатида ўқитиш таъминланади, деб белгиланган ва бу-нинг учун илмий-педагогик кадрлар тайёрланиши, мазкур им-лода ўқув қўлланмалари, китоблар, газета ва журналлар нашр этилиши қайд этилган эди. 1995 йилги қонунда эса ушбу модда чиқариб ташланди. Халқни аслиятидан узоқлаштириш, ўз қадимий манбаидан маҳрум этишга уриниш эмасми бу? Назаримда, янги таҳрирдаги қонун муаллифлари ва ташаббускорларининг бундай йўл тутиши халқимиз ва келажак авлод олдидаги масъу-лиятни ҳис этмасликларидандир.

– Чиндан ҳам, бугун тил ва имло ҳақида жуда кўп гапи-рилмоқда, яқинда ҳатто ҳукумат ҳузурида Давлат тили-ни ривожлантириш департаменти ташкил этилди. Аммо айни масалада эътирофга арзийдиган ўзгаришлар яққол кўринмаётир. Эҳтимол, ўнлаб анжуманлар, йиғилишлар ўтказилгандир. Бироқ мажлис ўтказиш билан ўзбек тили-нинг мавқеини кўтариб бўлмайди-да. Ана, Давлат тилини ривожлантириш департаменти “Ўзбекистоннинг ҳар бир кўчасидаги реклама, шиорлару чақириқлар соф ўзбек тили-да тақдим этилсин!” деган талаб билан чиқсин ва ижроси-ни таъминласин. Натижа ҳам кўринсин, ахир! Бир томонда департамент тузилиб, бир томонда зўр қонунлар қабул қи-линса-ю, ҳужжатлар ижро этилмаса, бундан не наф? Дей-

лик, қонунлар ҳамон рус тилида ёзилиб, сўнгра ўзбекчага ўгирилиши буткул ёлғонми? Бу – “тепа қаватда”гиларнинг ўз она тилини етарлича билмаслиги, менсимаслиги, яхши кўрмаслигидан дарак бермайдими?

Эски замонда қозининг амрига кўра бир гуноҳкор бигизлаб ўлдиришга ҳукм қилинибди. Маҳкумни қопга солиб, майдоннинг ўртасига осиб қўйибдилар. Шўрпешона маҳкумга ўтган-кетган бигиз тиқиб олармиш. Йўл четида косиблик қилиб ўтирадиган камбағал ҳам қўлидаги бигизини санчиб ўтибди. Шунда бир киши:

– Косибжон, унинг гуноҳи нима эканки, бунча хўрлаш-япти? – деб сўрабди.

– Ким билсин, оға, – дебди косиб бошини қашлаб.

– Билмасангиз, нега унга бигиз тиқдингиз?!

– Ҳамма тиқаётган экан, мен ҳам шундай қилдим-да... – дебди косиб жавдираб.

Таассуфки, бизнинг зиёлиларимиз ҳам гоҳо ўша косибга ўхшайди. Бирор сабаб-баҳона билан тил масаласи ўртага чиқса, қўй оғзидан чўп олмайдиган замондошлар ҳам шерга айланади-қолади. Бу йил тил байрами арафасида ҳам эрта-лабки ошга келган қудалардек турнақатор бўлиб минбарга чиқдилар-да, “Ўзбекистонда ўзбек тили биринчи рақамли тил бўлиши керак!” деб, тилимизни камситмоқчи бўлган кўринмас кучларга қилич сермадилар. “Кўринмас кучлар”га қарши уруш қилишдан осони йўқ-да! Бежавотир, жавобгарлиги ҳам йўқ. Минбарга чиқдингми – чиқдинг. Ватан ҳақида гапирдингми – гапирдинг. Ҳарқалай, буям бир “очко”-да!

Лекин... жонажон пойтахтимиз кўчалари ажнабий ёзувларга тўлиб кетаётгани, шаҳар мактаблари ими-жимиди руслаштирилаётгани, қонунларимиз ҳали ҳам бошқа тилда ижод қилинаётгани борасидаги “майда” масалаларга аралашмайдилар. Чунки бу муаммолар ҳали “қопга солиб майдонга осилгани” йўқ. Ҳозирча жим турилгани маъқул!

Ана энди қаранг, чорак асрдан бери мустақилликни даъво қилаётган миллатнинг тили, имлоси ҳамон ора йўлда. Ортимизда минг йиллик араб имлосидаги қадим тарихимиз, кирилл алифбосидаги салкам юз йиллик яқин тарихимиз, қарийб ўттиз йиллик янги тарихимиз турибди. Хўш, энди уларнинг қай бирига “юкунамиз”? Биз учун қайси бирига юз бурмоқ хайрли ва фойдалироқ?

– Имло бамисоли халқнинг жон томири. Бу томиримизнинг лат емаган, зада бўлмаган бирор толаси қолдимикан? Жаҳон тарихида ёзув борасида биздек мусибатга учраган миллат кам бўлса керак. Бу халқ 64 йил ичида нақд тўрт марта имло инқилобини бошидан кечирди-я!

Араб хати VIII асрдан 1929 йилгача қўлланган, эски туркий (ўзбек) ёзуви сифатида эса XI асрдан 1929 йилгача ишлатилган. Араб ёзуви ўлароқ ўн икки аср, эски туркий ёзув ўлароқ ўн аср ҳаётга татбиқ этилган. Халқимизнинг жаҳон тарихидаги шарафли, буюк ва ўлмас илмий-ижодий асарлари ана шу хатда битилган.

1929 йилдан лотин ёзувига ўтилди. Аҳли сиёсатнинг тазйиқи остида 1940 йилдан Ўзбекистонда ҳам кирилл ёзуви асосидаги алифбо жорий этилди.

1993 йилнинг 2 сентябрида Олий Кенгаш “Лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилди. Ҳолбуки, бундай ўзгаришга халқимизнинг эҳтиёжи йўқ эди. 2004 йил 30 апрелда Олий Мажлис мазкур қонун ва уни амалга киритиш тартиби ҳақидаги қарорга ўзгартиришлар киритди...

Лотин имлоси ҳозирги аҳволда халқимиз талабига тўлиқ жавоб бермаслиги ва миллий сўз хазиналаримизни мукамал ифода эта олмаслиги маълум ва равшан. Уни шошма-шошарлик билан такомиллаштириб бўлмайди, айтиш чокда вақтни бой бериш ҳам оқилнинг иши эмас.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида “Давлат тили ҳақида”ги қонунни бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан такомиллаштириш ва унинг янги таҳрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш белгиланган.

Бизнингча, янги таҳрирдаги қонунда ўзбек халқининг ўн икки асрлик маънавий-маърифий, илмий-маданий ва бадиий хазиналарини ўзида жамлаган араб алифбоси асосидаги қадимий ўзбек ёзувини ўрганиш масаласи ҳам тикланиши зарур.

– Яқин тарихдан яхши биламиз, 1945 йилда АҚШ японларнинг бошига шундай бир балони ёғдирадиди, башарият Одам Ато замонидан бери бундай фожияни кўрмаган экан. Кўз очиб юмгунча 200 мингдан зиёд одам ҳалок бўлади, ядро синови мамлакат ҳаётида битмас-туганмас асорат қол

диради. Лекин японлар шу билан йўқолиб кетмади, билъ-акс миллат иродаси атом бомбасидан ҳам кучли эканини кўрсата билди. Бор-йўғи 30 йилнинг нари-берисиди “япон мўъжизаси” деган атама пайдо бўлди. Кунчиқар ўлка аҳли кўрсатган мўъжиза – таълим тизимининг тўғри йўлга қўйилиши бўлди...

Бизнинг қадим ватанимиз ҳам кўп асрлар аввал илм-фан ва маънавият ўчоғи саналган. Бошқа минтақалар илм-фандан бебаҳра бўлган даврларда Шарқда маънавият бешиклари вужудга келган. Аммо буларнинг ҳаммаси қадим ўтмишга доир гаплар. Бугун эса болаларимиз суронли бир даврда яшаётир. Беҳуда баҳс-мунозара авж олган, шов-шув урчиган, вақтни ўлдирувчи ўйинлар болалаган замонда... Бундай вазиятда фарзандларимиз онги ва қалбини асраб қолишининг ўзи ҳам буюк жасорат! Асраб қолишининг ягона ва синалган йўли эса маърифатдир. Маърифатсиз фозил жамият, инсоний ҳаётга эришиб бўлмайди. Лекин ҳозирги талотўп бир замонда бу ҳақиқатни ҳар кимнинг ҳам қулоғига қуя олмайсиз. Ҳазрат Замахшарий айтмоқчи, “Тумов киши гулнинг ҳидини сезмаганидек, аҳмоқ киши ҳикмат лаззатини билмайди”.

– Ҳикматни нақл қилиб кўнгилдаги гапни айтдингиз. Дар-ҳақиқат, ҳикмат – инсоннинг қалби ва шуурини ёритувчи кучдир. Китобларда мазкур лафзнинг кўплаб маъно, шарҳ ва тавсифлари келган. Шулардан энг муҳимларини эслаб ўтсак. Саҳобалардан Мужоҳид розияллоҳу анҳу “Ҳикмат – сўзда ва феълда ҳақ ҳукми сақламоқ”, деганлар. Аллома Иброҳим Нахойй эса “Ҳикмат – мавжудотнинг моҳиятидаги маъноларни англамоқ”, дейди. Саййид Шариф Журжоний “Ал-Таърифот” асарида “Ҳикмат сабаб ва важҳларга асосланган ва улар билан алоқадордир, сабабларнинг ҳақиқати ҳам яратмоқ ва ижод этмоқдир, шу сабабларга кўра, асл ҳикмат ижод демакдир”, деб ёзади. Абу Бакр Варроқ Термизий “Ҳикмат – барча (диний ва дунёвий) ишларнинг энг тўғри ҳукмларидир. Ҳикматнинг биринчи белгиси сукутдир ва эҳтиёжга яраша сўз айтмоқдир”, дейди. Атоқли нақшбандий шайх, марҳум профессор Маҳмуд Асъад Жўшон ҳазратлари таъбири билан айтганда, исломда ҳикмат – Оллоҳнинг ҳукмига, ақлга, мантиққа мувофиқ, ўйлаб-фикрлаб хулоса чиқармоқ ва ҳукм айтмоқ, деган маънода келади.

Қаранг, бу сўз маъноларининг ўзи одамга қанча фараҳ ва ҳузур бахш этади!

Энди мушоҳада қилиб кўрайлик, бадий ижод вакиллари, барча ёзувчиларнинг асарида ҳам асл маънодаги ҳикмат борми? Юксак санъат, маҳорат, бадийят мужассам бўлиши мумкин, лекин ҳикмат-чи?

Баъзи машҳур ёзувчилар ҳам борки, асарларида босқинчиликни, бошқа халқларга қарши урушни ёқлаган. Бир мисол келтирай. Атоқли адиб Шукур Холмирзаев “Танҳолик” деган беназир ҳикоясини улуғ рус адиби Лев Толстой ҳаёти ва ғояларига бағишлаган. Биламизки, Толстой босқинчилик, зўравонлик ва номуссизликнинг ҳар қандай кўринишини қоралаган. Ўзи – тарихий шахс, сўзи – тарихий ҳақиқат! Шукур Холмирзаев ҳикояда айрим мумтоз ёзувчилар зеҳниятидаги қусурларни ҳам қаламга олади. Хусусан, оқподшога “Нима қилиб бўлса ҳам, Ўрта Осиё билан Туркияни босиб олмоқ керак” дея маслаҳат берган Достоевскийни, “Яшасин Русь қироли! Туркларнинг яна бир тепалиги бизники бўлди!” деб хитоб қилган Пушкинни, “Кавказ бизники бўлади” деб қувонган ёш Лермонтовни эслайди...

Адабиёт орқали босқинчиликни ёқлаш ёки қўллаб-қувватлаш инсониятга хиёнатдир. Ёзувчининг босқинчилик уруши, зулм сиёсатини қахрамонлик ўлароқ кўрсатишга асло ҳаққи йўқ. Толстой айтганидек, “Санъатнинг энг улуғ вазифаси инсонларни бирлаштириш, бир-бирига биродар қилишдан иборат”.

Яна бир ўта муҳим масала – эътиқод мавзусидир. Бу борада машҳур италян шоири Алигъери Дантенинг “Илоҳий комедия” асари хусусидаги мулоҳазаларимни баён этсам. Мазкур асар юзасидан танқидий ёндашувлар, таъбир жоиз бўлса, ҳақиқатлар жаҳон халқларига маълум эди, лекин ўзбек китобхонига энди ошкор бўла бошлади.

Ўзбек тилида комедиянинг фақат “Дўзах” қисми нашр этилди. Бир гал ўзаро суҳбатимизда Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнберг “Абдулла Ориповни “Илоҳий комедия”нинг қолган бўлагини, хусусан, “Аросат” қисмини таржима қилишдан мен тўхтатиб қолганман”, деган эди. Шоир “Илоҳий комедия”ни ўлимга етакловчи асар деб ҳисоблар, хусусан, қайси таржимон “Аросат” бобига етса, албатта қазо қилади дер ва фикри исботи сифатида вафот топган таржимонларни санар эди.

“Илоҳий комедия” санъат асари деб тан олинади. Ўлимдан кейинги ҳаёт талқин этилгани сабабли у черков тарафидан ҳам маъқулланган. Асарнинг асл номи “Комедия” бўлиб, кейинчалик – 1360 йилда машҳур адиб Жованни Боккаччо “Илоҳий” деган сўзни илова этиб, унга насронийлик руҳини берган.

Данте асарда барча набийлар имоми, Оллоҳнинг ҳабиби, бутун оламларга раҳмат қилиб юборилган ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламни қоралайди ва ўзича дўзахга ҳукм қилади. Ҳолбуки, бу – ҳаёт ҳақиқатига ҳам, башарият одобу маданиятига ҳам тўғри келмаслиги кундек равшан. Асарда улуг саҳоба, чаҳори ёрнинг тўртинчиси – ҳазрати Али розияллоҳу анҳу ҳам номақбул бир алфозда тасвирланган. “Илоҳий комедия”да Ҳомер, Ҳорацио, Овидий, Суқрот, Афлотун, Диоген, Демокрит каби файласуфу адиблар ҳам “дўзахга ҳукм қилинган”...

Тарихга назар ташласак, ушбу асар сабабли давлатлараро уруш, хунрезлик бошланишига ҳам бир баҳя қолганига амин бўламиз. XX асрнинг бошларида Францияда “Комедия”нинг 28-қўшиғи сахналаштирилган ва сайёр томоша тарзида бутун Европа бўйлаб намойиш этилиши эълон қилинган. Шунда Усманийлар давлати султони Абдулҳамидхон II Истанбулдаги Франция элчихонасига мурожаат қилиб, агар шундай томоша кўрсатилса, Фарангистонга қарши уруш очажагини билдирган. Ҳолбуки, у маҳалда Франция дунёдаги қудратли давлатлардан бири эди...

“Илоҳий комедия”нинг “Дўзах” қисми ўзбекчага таржима қилиниб, нашр этилганидан бир неча йил ўтиб, мустақиллик даврида Бухоро уламолари томонидан Биринчи президентга норозилик хати ҳам йўллангани маълум...

Хулоса шуки, инсоният эътиқодини таҳқирловчи, халқлар, мамлакатлар, динлар ўртасида жанжал ва фитна кўзғовчи битик, ҳар қанча маҳорат ила ёзилган бўлмасин, у чинакам санъат асари ҳисобланмайди. Зотан, адабиётнинг вазифаси меҳр-муҳаббат, дўстлик каби умуминсоний ва соғлом миллий ғояларни тараннум этмоқдир.

– Инсон эътиқодига тажовуз этувчи ғоялар ялтироқ қоғозга ўраб узатилиши рост. Биз айни масалада кўпроқ ғарбни қоралаймиз. Ҳолбуки, ўзимизда ҳам исломий, инсоний ақидага тўғри келмайдиган адабий “маҳсулотлар” йўқ эмас. Боз устига, адабиётимизда тарихий ҳақиқатларни бузиб кўрсатиш ҳолатлари кўпайгандек.

– Тарих – абадият деворига ёзилган ҳақиқатдир. Уни даврлар манфаати ва мафқурасига қараб ўзгартиришга ёки бузиб талқин қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Шу ўринда қомусий аллома Абу Райҳон Беруний “Осор ул-боқия” асарида кўтарган бир масалани ёдга олмоқчиман. Мутафаккир бобомиз ўтмиш давр шахсиятларидан бўлган Муқаннинг ахлоқи ва мафқурасига доир қуйидаги ҳайратомуз мулоҳазаларни баён этади: “Муқанна уларга (яъни ўз тасарруфидаги инсонларга) бошқаларнинг моллари ва хотинларини ҳалол қилди, қаршилиқ кўрсатганларни ўлдирди ва (олдинги сохта пайғамбар бўлмиш) Маздакнинг барча (йўл-йўриғини) қонун қилиб берди”. Маздак эса, “Одамлар барча мол-мулк ва хотинлар масаласида бир-бировларига шерикдир”, дея фосид тузум барпо этган эди (“Осор ул-боқия”, 243-бет).

Муаррих Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобида ҳам Муқаннинг кўзбўямачилик, сеҳр илмини ўзлаштириб, пайғамбарлик, ҳатто худолик даъво қилгани баён этилади.

Беруний ва Наршахий тадқиқларидан чиқадиган хулоса шуки, ўтмишдаги ботил эътиқодли шахслар миллий қаҳрамон бўла олмайди. Тўғри, ўтган мустамлака замонларида сиёсий ва мафқуравий тазйиқ билан баъзи асарлар ёзилган. Лекин бугун уларнинг муаллифларини қоралайвермайлик, бағрикенг ва кечиримли бўлайлик. Айни чоқда, ўзгалар ҳам тарихий ҳақиқатларни кенгфёъллик ила қабул қилишни ўрганмоғи лозим.

– Демократик жамият, одил ҳокимиятга эришишда мухолифат муҳим ўрин тутажаги аён. Бу хусусдаги фикрларингизни ҳам эшитсак.

– Соҳибқирон Амир Темур ҳамда Саййид Амир Кулол (қуддиси сирруҳу) даври, Ҳусайн Бойқаро ва Жомий–Навоий даври, Ҳиндистонда Бобур ва авлодлари даври, Хоразмда Маҳмуд Ғазнавий ва Беруний даври, Муҳаммад Раҳимхон Феруз ва Огаҳий даври, Қўқонда Амир Умархон ва Нодирабегим даври каби юксак илмий-маънавий тараққиёт босқичлари фақатгина мухолифат ва рақобат туфайли вужудга келган деб айта олмаймиз. Назаримда, бошқарувчи чинакам заковатли ва адолатли бўлса, мухолифатга ҳожат қолмайди.

Лекин Маҳмуд Ғазнавий, Амир Темур, Ҳусайн Бойқаро, Бобур Мирзо – деярли барча буюк ҳукмдорлар “Агар душманларимиз

бўлмаса, биз адолат ва ҳақиқат йўлидан чалғиган бўлур эдик”, деб ҳисоблагани ҳам маълум.

Улуғ олмон шоири Гёте “Фауст” асарида ёмонликлар тимсоли бўлмиш Мефистофель тилидан бундай ёзади:

*Мен бўлмасам, эй яхши одам,
Дод деб қочар эдинг дунёдан!..*

Демак, ҳозирги замонда мухолифатсиз ва рақобатсиз жамият охир-оқибат зўравонлик, ҳаддан ошиш, яккахукмронлик, зулм ва истибдодга юз тутиши тайин. Шу билан бирга, мухолифат деган куч ҳам бирёқлама рақобат эмас, жамиятни ислоҳ этадиган соғлом фикр, таклиф ва ғоялар йўлини тутмоғи лозим.

Назаримда, уч улуғ неъмат бор: дунё ва юрт тинчлиги; халқ саломатлиги; давлат бирлиги ва яхлитлиги. Шу неъматлар бардавом бўлса, бора-бора адолат истаганлар – адолатга, ҳақиқат истаганлар – ҳақиқатга, хуррият истаганлар – асл хурриятга қовушади.

Ҳар бир оқил инсон дунё қаёққа қараб кетаётгани, жаҳоннинг бошқарув жиловни кимларнинг қўлида экани, ҳаётнинг кўринмас арқону занжирлари борлигини билиб-англаб турибди. Алҳосил, ҳаёт жиловни мудом ўз қўлимизда бўлиши керак. Қолгани асл инсонпарвар, ватанпарвар ва миллатпарвар шахсларга боғлиқ.

Шайх Маҳмуд Асъад Жўшон айтадилар: “Маркс, Энгельс, Ленин каби шахслар ҳам инсонларни бахтсиз қиламан деган эмас, аксинча, инсонлар бахтли яшайдиган жамият қурамиз деб ҳаракат қилган. Лекин уларнинг ишида ҳикмат йўқ эди. Чунки улар Оллоҳдан кўрқмас эди”. Дарҳақиқат, Холиқи Оламдан кўрқмаган бандасининг ишида ҳикмат бўлмайди, ҳикматсиз эса адолатли ва саодатли жамият барпо этиш душвор.

Ўтмишда ҳар бир ҳукмдорнинг ёнида халққа, давлатга ва ҳукмдорга қувват бўладиган маънавий раҳнамолар – шайх, валий, муршиди комиллар бўлган.

Соҳибқирон Амир Темур даврида шайх Шамсуддин Кулол, Саййид Барака ҳамиша маънавий раҳнамолик қилган. Амир Темур ёшлик, йигитлик маҳалидан Амир Кулол ҳазратларининг дуоларини олган ва озодлик юришларини у зотнинг тавсияси билан бошлаган. “Мақомоти Саййид Амир Кулол” китобида баён этилган бир қавл машҳурдир. Шайх ҳазратлари у кишига вакил

юбориб, “Амир Темур ўтирган бўлса – турсин, турган бўлса – юрсин!” деганлар. Кўҳна Туркистонда – Мовароуннахрда озодлик ва истиқлол ҳаракатлари ана шундай ибтидо олган.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор (қуддиса сирруҳу) ҳазратлари қайси подшоҳга мактуб ёзсалар, “Мен сизнинг хизматингиздаман” деб хокисорлик ва тавозе кўрсатганлар. У зотнинг ҳиммати, заковати ва каромати боис оз сонли одил қўшин йирик лашкари бўлган золимлар устидан ғалаба қозонган. Алишер Навоий салтанат ишларидан кўнгли совиб юрганида айнан Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор у кишини саройда қолмоққа ундаб мактуб битган. Ҳазрат Навоий бундан қувват олиб, умрининг сўнгигача салтанат ва элу юрт хизматида камарбаста бўлган.

Бас, кези келганда жамиятга тезоб муҳолиф кучлардан кўра маънавий дарғалар зарурроқдир. Ва яна таъкидлаш жоизки, биз ўз имонимиз ва маърифатимиз билан адолатли ва саодатли жамиятга ҳақдор миллатмиз.

– Мирзо ака, сўнги бир неча йилда “Янги Ўзбекистон” атамаси пайдо бўлди. Бу жуда катта мақсад-мўлжалларни ўз ичига олади, албатта. Сизнингча, бу атама қай даражада ўз номини оқламоқда? Шу миллатнинг бир зиёлиси сифатида янги Ўзбекистонни қандай тасаввур этасиз?

– Янги Ўзбекистон – гўзал ибора. Бу истилоҳ йиллар ва даврлар давомида вужудга келадиган натижаларга кўра ҳаққоний маъно ва баҳосига эга бўлади. Чунки “Янги Ўзбекистон” жумласи сиёсий, ижтимоий жиҳатлардан, давлат дахлсизлиги, халқ эрку ҳукуқи, илм-фан, миллий маданият, диний ҳуррият каби масалаларда ҳақиқий исботини талаб қилади. Ушбу иборани айтишга журъат, жасорат, ҳиммат пайдо бўлган эканми, демак, сўз эгаларида шунга яраша эзгу ният ва олий режалар бор! Шунинг учун яхши гумонда бўлмоғимиз ва “Илоҳо, Ўзбекистон асл маънодаги янги Ўзбекистон бўлсин!” деб дуо қилмоғимиз ва шунга яраша ўзимиз ҳам саъйу ҳаракат, шижоат ҳамда ҳиммат кўрсатмоғимиз аини муддаодир.

Алишер НАЗАР
суҳбатлашди.

Муқимжон ҚИРФИЗБОЕВ



BUYUK SHAXMAT TAXTASIDAGI O'ZBEKISTON

Мустақиллик даврида Ўзбекистоннинг мутараққий давлатларга нисбатан муносабати миллий манфаатлар ва давлат раҳбарияти сиёсий иродасига кўра ўзгариб турди. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг асосий мақсади ўлароқ мустақиллик ва давлат суверенитетини асраш, халқаро майдонда мамлакатнинг ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, хавфсизлик ва барқарорлик муҳитини яратиш, ташқи иқтисодий манфаатларни илгари суриш кабилар белгиланди. Шунингдек, ҳар қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, мамлакат ҳудудига хорижий ҳарбий базалар жойлаштирилишига йўл қўймаслик, зиддият ва можароларни тинч музокаралар йўли билан ҳал этиш ҳам ташқи сиёсат тамойилларидан бири ўлароқ эълон қилинди.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида эса мамлакатнинг ён-атрофида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик муҳитини шакллантириш вазифаси ҳам алоҳида қайд этилган. Демак, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасига ташқи сиёсатнинг асосий устувор йўналиши сифатида ёндаша бошлади. Агар Ўзбекистон билан минтақа давлатлари ўзаро алоқаларининг 2016 йилгача бўлган ҳолатига эътибор берсак, сув ресурслари ва транспорт коммуникациясидан умумий тарзда фойдаланиш, фуқароларнинг борди-келдиси, давлатлараро чегараларни делимитация қилишда ўзаро ихтилофлар мавжуд бўлганини кўрамиз. Икки йил олдин Тошкент вилояти фаоллари

билан учрашувда Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўтган 25 йил ичида тўпланиб қолган жуда катта муз мавжуд” дегани ҳам бежиз эмас.

2016 йилдан Ўзбекистоннинг минтақа давлатлари билан ўзаро муносабатлари ижобий томонга ўзгарди, чорак аср мобайнида тўпланиб қолган муаммолар барҳам топа борди. 2016 йилгача Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан йиллик товар айланмаси ўртача 100-150 млн долларни ташкил этган бўлса, 2019 йилда мазкур кўрсаткич 50 фоизга ўсди ва 5,2 млрд долларга етди. Минтақа давлатлари чегара пунктларидаги чекловлар олиб ташланди. Агар беш йил илгари ўзбек – қирғиз давлат чегарасидан кунига 200-300 киши ўтган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 30 мингдан ошди. Хусусан, илгари ёпиб қўйилган Тожикистон билан 17 та чегара пункти очилди. Қозоғистон ва Туркманистон билан чегараларда ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин (*Неъматов И. Центральная Азия – приоритет внешней политики Узбекистана. 15 июня 2020 г. www.uzdaily.uz*).

Италиялик таҳлилчи Фабио Индео Марказий Осиё минтақаси салоҳияти ва имкониятларини тадқиқ этиб, Ўзбекистоннинг географик жойлашуви, барча Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Афғонистон билан чегарадошлигига эътибор қаратади ва ушбу омиллар минтақа тараққиёти ва хавфсизлигида ҳал қилувчи ўрин тутишини таъкидлайди (*www.caa-network.org*). Унинг фикрича, Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти кўп векторли ташқи сиёсатни қўллаб-қувватлагани ҳолда Марказий Осиё минтақавий дипломати мақомига эга бўлди.

Минтақа интеграцияси ҳаётий зарурат эканини биргина сув омили воситасида таҳлил этиб кўрайлик. Қирғизистон Сирдарё ҳавзасини, Тожикистон эса Амударё ҳавза-



сини назорат қилади. Қозоғистон (42 фоиз), Ўзбекистон (77 фоиз) ва Туркманистон (94 фоиз) учун кўшни мамлакатлардан оқиб келувчи дарё суви муҳим аҳамият касб этади (*Мамонтова Д. Водная проблема Центральной Азии: будет ли решение? www.hronikatm.com*). Орол денгизи ҳавзаси устки сув ресурслари улуши (ўртача бир йиллик тўпланадиган сув миқдори) Қозоғистонга 3,9 фоиз, Қирғизистонга 25,3 фоиз, Тожикистонга 55,4 фоиз, Туркманистонга (Эрон билан биргаликда) 2,4 фоиз, Ўзбекистонга 7,6 фоиз ва Афғонистонга 5,4 фоиздан тўғри келади (*Водно-энергетические ресурсы Центральной Азии: проблемы использования и освоения ЕАБР. Отраслевой обзор. 2008. Стр. 7*).

Кўриниб турибдики, Марказий Осиёда давлатларнинг сув ресурсларига бўлган эҳтиёжи ва тасарруф этиш кўрсаткичи ўртасида катта тафовут мавжуд. Бундай номуносибликни транспорт коммуникацияси, энергетика, тоғ-кон рудалари ресурслари жойлашувида ҳам кузатиш мумкин.

Марказий Осиё давлатлари билан ўзаро иқтисодий, сиёсий, маданий ва савдо алоқаларини ривожлантириш, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистоннинг қисматига битилгандир. Қолаверса, ўзаро тинч қўшничилик ва

минтақавий интеграция жаҳоннинг бошқа давлатлари билан робиталарга ҳам ижобий таъсир этади.

Кейинги уч йилда Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик иқтисодий шеригига айланди. Ўзаро ҳамкорлик ҳам тўғридан-тўғри мулоқот, ҳам Шанхай ҳамкорлик ташкилоти воситасида ривожланиб бормоқда.

Пекин ташқи сиёсатида ҳам жиддий муаммолар бўй кўрсатмоқда. Биринчидан, Чин ўлкаси ҳануз коммунистик партия бошқаруви, социалистик режимда яшамоқда. Бу ҳол демократик дунё томонидан олқиш ила қабул қилинмаслиги турган гап. Боз устига, кейинги икки-уч йилда уйғур ва бошқа этник муслмон элатлар ҳуқуқи масаласи кун тартибига чиқди. Хитой ва АҚШ сиёсий-иқтисодий муносабатларида пайдо бўлган дарз тобора кенгайиб бормоқда. Тайвань масаласида ҳам ўзаро ихтилофлар барҳам топганича йўқ. Ана шундай мураккаб паллада Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари кенгайиб бораётганини кузатиш мумкин.

2019 йил якунларига кўра Ўзбекистон – Хитой товар айланмаси 7,6 млрд доллар, яъни мамлакатимиз ташқи савдосининг 18,1 фоизини ташкил қилди. 2019 йил августда икки мамлакат ҳукуматлари устав капитали 1 млрд долларга тенг бўлган инвестициявий фонд ташкил этишга доир шартномани имзолади. Ушбу жамғарманинг вазифаси Ўзбекистоннинг нефть ва газ соҳаси ҳамда ишлаб чиқариш объектларида юқори технологияга асосланган лойиҳаларни амалга оширишдан иборатдир.

Туркменистон, Ўзбекистон ва Қозоғистонни Хитой билан боғловчи магистрал газ қувурини ўтказиш ташаббуси Хитойнинг йирик лойиҳалари сирасига киради. Газ қуву-

рининг лойиҳавий қуввати йилига 40 млрд кубометрни ташкил этади.

Хитой Ўзбекистон билан яқин шерикчилик алоқаларини ривожлантиришдан айрича манфаатдор. Аввало, Ўзбекистон Хитойни нафақат Марказий Осиё, балки Афғонистон, Эрон, Покистон билан ҳам боғлайди. Қолаверса, мамлакатимиз бозорида Хитойда ишлаб чиқарилган маиший техника, электроника, алоқа-мобиль воситалари ва кийим-кечак сотилади. Расмий Пекин ҳамда Тошкентнинг Афғонистонга муносабати ҳам деярли муштарак, ёндашувларда ўхшашликлар талайгина.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Россия ҳам муҳим ўрин тутати. Икки томонлама ҳамкорлик 2004 йил 6 июнда имзоланган Стратегик шерикчилик тўғрисидаги, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги ҳамда 2012 йил 4 июнда имзоланган ўзаро стратегик шерикчиликни чуқурлаштириш тўғрисидаги шартномалар асосида тобора мустаҳкамланмоқда.

Ҳозирда Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) аъзолиги масаласи сиёсий давраларда ҳамда оммавий ахборот воситаларида қизғин муҳокама этилмоқда. Давлатлар ёки иттифоқлар билан ўзаро манфаатга асосланган ҳамкорликни ривожлантириш давр талаби экани сир эмас. Лекин танганинг иккинчи томони ҳам бор. Бугун Россиянинг халқаро майдондаги ҳолати ҳавас қиларли эмас: Қрим ва Донбасс масаласида Ғарб мамлакатлари билан Россия ўртасида кескин ихтилоф мавжуд. Шу боис ҳам дунё сиёсатини белгиловчи халқаро ташкилотлар ҳамда мутараққий давлатлар ўтиш давридаги давлатларнинг ЕОИИга аъзо бўлишини у қадар хушламай-

ди. Дангалини айтганда, Россияга яқинлашиш Фарбга ёқмаслиги мумкин. Бизнингча, ҳозирча Ўзбекистоннинг ЕОИИ фаолиятида кузатувчи сифатида иштирок этиши миллий манфаатларимизга тўғри келади.

Яна бир гап. ЕОИИ бошқарувида мамлакатларнинг овози аъзолик бадали миқдorigа асосланади. Бунга кўра, Россия – 40, Беларусь – 15, Қозоғистон – 15, Қирғизистон – 7,5, Арманистон – 7,5 овозга эга экан. ЕОИИнинг парламентлараро комиссиясида Россиядан 42, Беларусдан 16, Қозоғистондан 16, Қирғизистондан 8 ва Арманистондан 8 нафар депутат фаолият юритади. Бу эса бошқарув ва овоз беришда барчага тенг имконият берилмаганини кўрсатмоқда.

Россия билан ҳамкорликнинг Ўзбекистон миллий манфаатларига мос келадиган энг мақбул шакли бу – икки томонлама робиталарни ривожлантиришдир. 2019 йил якунлари бўйича Россия билан савдо айланмаси 2018 йилга нисбатан 17,2 фоизга кўпайиб, 6,63 млрд долларни ташкил этди. Ўзбекистондан Россияга экспорт ҳажми 2,493 млрд, импорт эса 4,134 млрд долларни ташкил этди. Ўтган йил якунига кўра Россия Ўзбекистон мева-сабзавотлари экспорт қилинадиган учинчи бозорга айланди. Шунингдек, 2019 йилда Россиядаги меҳнат муҳожирларимиз томонидан Ўзбекистонга 3 млрд 57 млн доллар ҳажмда маблағ киритилди.

Россия Ўзбекистоннинг йирик инвестициявий шериги ҳисобланади. Ушбу мамлакатдан Ўзбекистонга киритилган сармоя миқдори 9 млрд доллардан ошган. Юртимизда рус капитали иштирокидаги 1776 та корхона (ундан 1096 таси қўшма корхона, 680 таси хорижий ширкат) фаолият юритмоқда. Россияда ҳам Ўзбекистон резидентлари иштирокидаги корхоналар рўйхатдан ўтган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг Россия билан турли соҳалардаги ҳамкорлиги йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Хусусан, кейинги уч йил ичида робиталар янги мазмун касб эта бошлади. Бу ҳолат Ўзбекистоннинг кўшни давлатлар, жумладан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга доир саъй-ҳаракатларига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ташқи сиёсатида муҳим ўрин тутадиган йирик давлатлардан яна бири – Америка Қўшма Штатларидир. АҚШ билан Ўзбекистон ўртасида 2002 йил 12 мартда стратегик шерикчилик ва ҳар икки давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги асослари тўғрисида шартнома имзоланган. Икки томонлама ҳамкорликнинг муҳим йўналишлари Афғонистонда тинчлик ва бақарорликни ўрнатиш, шунингдек, трансмиллий таҳдидларга қарши курашда ҳамкорликдан иборатдир.

Ўзбекистон жаҳондаги 193 та давлат билан савдо алоқаларини йўлга қўйган бўлиб, унинг 1,4 фоизи АҚШ ҳиссасига тўғри келади. Кейинги уч йил ичида ўзаро савдо кўрсаткичи сезиларли даражада – 2017 йилда 215 млн, 2018 йилда 415 млн, 2019 йилда 596 млн долларга ошди.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 15-17 майдаги АҚШга сафари ва президент Дональд Трамп билан учрашуви Ўзбекистон – АҚШ ҳамкорлигида янги саҳифа очди. Ушбу сафар давомида икки давлат компаниялари томонидан 4,8 млрд долларлик шартномалар имзоланди.

2019 йил 10 июлда АҚШнинг юртимиздаги элчиси Дэниэл Розенблум Вашингтоннинг Ўзбекистондаги бешта вазифасини эълон қилди: 1) хавфсизлик соҳасидаги шерикчиликни чуқурлаштириш, яъни Афғо-

нистонда тараққиёт ва тинчликни таъминлашда, шунингдек, терроризм, экстремизм ва наркотрафикага қарши курашда ҳамкорлик қилиш; 2) Ўзбекистондаги иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислохотларни қўллаб-қувватлаш; 3) инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш; 4) таълим, маданият, илмий ва ишбилармонлик соҳаларида икки мамлакат фуқароларининг тўғридан-тўғри алоқаларини йўлга қўйиш; 5) АҚШ компанияларининг ўзбек бозорига киришига ва икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтиришга қўмаклашиш (*Пахोलин А. О проникновении США в Узбекистан. www.fondsk.ru*).

2017 йилдан Ўзбекистоннинг АҚШ билан иқтисодий ва маданий алоқалари ҳар икки давлат миллий манфаатлари асосида ривожланмоқда. Кичик бизнесни ривожлантириш, таълим, технологиялар ва ҳарбий ҳамкорлик жабҳаларида ҳам робиталар йўлга қўйилган.

Қайд этиш лозимки, АҚШ – дунёда иқтисодий ва стратегик жиҳатлардан устун бўлган мамлакат. Унинг ҳарбий базалари бутун Ер курраси бўйлаб ёйилган. Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Халқаро валюта фонди ва бошқа халқаро ташкилотларга нисбатан АҚШнинг таъсири катта. Умуман, ҳозирги даврда АҚШ билан алоқаларни ривожлантириш мамлакатимизнинг халқаро нуфузини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Чунки АҚШ билан муносабатларнинг яхшиланиши бошқа ривожланган давлатлар билан янада яқинлашишга йўл очади. АҚШнинг инсон ҳуқуқларини рўқач қилиб ўтиш даврини бошдан кечираётган давлатларнинг ички ишларига аралашishi эса алоҳида мақола мавзусини ташкил қилади.

Демак, АҚШ билан иқтисодий, технологик, маданий ва сиёсий муносабатларни

мустаҳкамлаш ҳаётий эҳтиёж. Лекин ушбу давлат билан муносабатлар ён-атрофимиздаги бошқа давлатлар билан дўстона алоқаларга ҳам путур етказмаслиги керак.

2019 йил 17 июнда Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари машваратида Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларнинг янги стратегияси қабул қилинди. Айни чоқда, ЕИнинг Марказий Осиё билан муносабати ҳар бир давлатнинг ислохотлар ўтказиш, инсон ҳуқуқлари, қонун устуворлиги, суд ҳокимиятининг мустақиллиги, шунингдек, иқтисодиётни модернизациялаш ва диверсификация қилишга тайёрлигига боғлиқ экани қайд этилди. Кўриниб турибдики, АҚШ ва ЕИнинг Марказий Осиёга нисбатан стратегик ва геосиёсий ёндашувида муштараклик мавжуд.

2019 йил якунига кўра, Ўзбекистоннинг ЕИ билан товар айланмаси олдинги йилга нисбатан 60 фоизга ўсиб, 4 млрд АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистондан Европага маҳсулот экспорт қилиш кўрсаткичи 1,5 баробарга ўсиб, 580 млн долларга етди. Ҳозирга келиб Тошкент билан Брюссель ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни янгидан ишлаб чиқиладиган Шерикчилик ва ҳамкорликни кенгайтириш шартномаси асосида ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистоннинг жаҳонда геосиёсий мувозанатни таъминлаб турган давлатлар ва ён қўшнилари билан турли соҳалардаги робиталарни тубдан яхшилаб боргани, миллий ҳуқуқий меъёрларнинг инсон ҳуқуқларига оид халқаро стандартлар билан уйғунлаштириладигани ижобий натижа

бера бошлади. Айниқса, турли блоклар ва ҳарбий ташкилотларга қўшилмаслик сиёсати ўзини оқлади. Аксар давлатлар билан кўп векторли ташқи сиёсат олиб бориш имкони туғилди. Натижада Ўзбекистон турли мафкура, турфа сиёсий қарашга асосланган давлатлар билан ҳам дипломатик ва савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйди, мамлакат ўз дарвозаларини жаҳонга қайта очди.

2020 йил 23 сентябрда Президент Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқида бир қатор жаҳоншумул муаммолар ечимига доир таклиф ва ташаббусларини эълон қилди. Жумладан, коронавирус пандемияси хусусида сўзлар экан, “Бундай глобал фалокат сайёраимизда сўнгги юз йилда кузатилмаган эди. Бу офат бутун инсониятнинг заиф жиҳатларини яққол кўрсатди. Ҳозирги таҳликали ва мураккаб вазият Ер юзидаги барча давлатлар ва халқлар ўзаро боғлиқ эканини, ўртаимизда мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта муҳимлигини исботлади”, деб таъкидлади Ш.Мирзиёев. Шу билан бирга, бу борада барча ҳукуматлар, пар-

ламентлар ва фуқаролик жамиятларининг ўзаро саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратиш лозимлигини ҳам қайд этди. Давлатимиз раҳбари ўз нутқида БМТ шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқишни ҳам таклиф қилди.

Халқаро майдонда эътироф этилган бундай глобал ташаббуслар Ўзбекистон ташқи сиёсати таъсирчан кучга эга бўлиб бораётганидан далолатдир.

2017 – 2020 йилларда Ўзбекистон ташқи сиёсатида рўй берган муҳим воқеалар, геосиёсий ва иқтисодий янгиликлардан хулоса чиқарсак, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариш, бозор иқтисодиёти қонуниятларини жорий этиш, қонунчилик тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш, давлатлараро ҳамкорликда барча томонлар манфаатларини эътиборга олиш каби ўзгаришлар натижаси ўлароқ янги Ўзбекистон шакллана бошлади.



Жуманазар БЕКНАЗАР



QAYON KETMOQDASAN, EY ODAMIZOD?..

Кейинги йилларда одамзоднинг ўртача умри узайди. Технологик тараққиёт унинг узоғини яқин қилди. Бугун Ер юзининг исталган жойидаги таниш-билиш, қариндош ёки дўст билан оний лаҳзада боғланиш, соатларча мириқиб суҳбатлашиш мумкин. Аммо... ҳамма гап – ана шу “аммо” замиридаги муаммода! Бу борада қуйида баён қилинажак фикрлар мутлақ ҳақиқатга даъво қилмайди, балки хусусий мулоҳазалардир.

Дунё бугун қаяққа қараб кетяпти? Бир замонлар иттифоқликда яшаган миллатлар орасида уруш бошланишига бир баҳя қолаётгани, бунга арзир-арзимас баҳоналар қидирилаётгани; одамзод асл эгаси Оллоҳ таоло бўлган курраи арзининг энг афзал қисмини ўзлаштирмақ илинжида бир-бири-

нинг ҳаётини барбод қилишга пайт пойлаётгани нима билан изоҳланади? Одамлар, халқлар, давлатларнинг бир-бирига ишончи мустаҳкам эмаслиги, бани башар ҳаёти муқаррар хатарлар гирдобида қолаётгани боиси нимада?

Маълумотларга кўра, ҳозир инсоният ихтиёрида Ер юзидаги ҳаётни беш марта йўқ қилиш учун етарли даражада қурол-ярғоқ йиғилган; бир дақиқада бир миллион доллардан ортиқ маблағ қуролланиш пойгасига сарфланыпти. Саноат тараққиёти боис уммонларнинг ифлосланиш даражаси ошиб бораётир, атмосферада карбонат ангидрид миқдори ошувидан “парник эффекти” содир бўлмоқда. Антарктидадаги ҳарорат 20 даражадан кўтарилиши натижасида

асрий музликлар эриб, тўфонлар қўзғалаётир. Баланд тоғлар бағридаги баҳаво, сўлим гўшада истиқомат қилаётган замондошимиз ўпкасидаги заҳарли газлар миқдори ўрта асрларда ўчоқ ёқиб, тутун ютган одамниқидан таққослаб бўлмайдиган даражада кўп. Номаялум хасталиклар, ҳатто норасоликлар геометрик прогрессия тарзида урчиб бораётир... Бу хатарлар дунёнинг ибрат кўзи очиқ олимлари қалбида катта хавотир уйғотаётир. Инсоният ўзини ўзи муқаррар ҳалокатга бошлаётганини, наҳотки, сезмаётган бўлса?! Наҳотки, биз XXI асрда ҳам жаҳолат гирдобиди қолсак?!

Ҳа, Инсон Марсга чиқмоқни режалаштираётган, Сомон йўли галактикамиз чегарасини аниқлаётган, дунёнинг бир четидан иккинчисига бир неча соатда етиб бораётган бўлса, яна қандай жаҳолат ҳақида гапирясиз, дея эътироз билдиришингиз мумкин. Ҳаводан бир неча миллиард марта оғир пўлат учоқларни самога – заминдан ўнлаб километр юксакликка чиқариб кўйган, одам ҳужайрасидаги РНК ва ДНК таркибигача тўлиқ аниқлаган бўлсак, маърифатсизлик ҳақида сўз бўлиши мумкинми, дерсиз. Гапингизда жон бор: инсоният улкан ютуқларга эришмоқда. Бироқ одам фарзандлари хилма-хил “-изм”ларни ўйлаб топиб, тор манфаат йўлида ёвуз мафкуралар яратиб, турли-турли лагерларга ажралиб кетгани ҳам бор гап-ку. Хом сут эмган бандаларнинг дунёни бўлиб олиб, гегемонлик қилиш ғоясидан воз кеча олмаётгани-да ойнадек равшан-ку. Наҳот шулар маърифат аталса? У ҳолда бунинг жаҳолатдан фарқи нимада?

Худосизлик сиёсати боис биз узоқ йиллар Қуръони карим аҳкомларидан бебаҳра қолдик. Муқаддас китобдаги яширин

маъноларни англаб етиш тугул, ундаги очиқ-равшан мўъжизаларга ҳам имон ва ишончимиз даражаси паст бўлди. Бу-ку ўтган йилларнинг гапи. Аммо илоҳий амрларга



тоза ният билан астойдил амал қилаётган мусулмонларнинг адади ҳозирги кунда қанча? Ҳатто Қуръон нозил бўлган ҳудудлардаги ўзаро келишмовчиликлар, жангу жадаллар, ноўрин баҳслар, таҳдиду зиддиятлар бу ададнинг кўп эмаслиги далили эмасми? Қарама-қарши оқимларга бўлиниб, низони кучайтириш айна жаҳолатнинг ўзгинаси эмасми?

Қуръони карим замиридаги теран ҳикмат ва боқий ҳақиқатлар замонавий илму фан воситасида исбот қилинаётир, мусулмон бўлмаган олимлар ҳам Оллоҳ таоло каломига имон келтиряпти. Шу воқелиқда биз – дунёга маърифат улашган буюк мутафаккирлар авлоди ушбу шариф китоб маърифатидан бебаҳра қолишимиз уятли бир ҳолдир. Қуръони карим оятлари мазмунининг шайх Алоуддин Мансур изоҳли таржимаси матнларига таяниб, бугунги воқелиқка ана шу илоҳий манба асосида назар солишга ҳаракат қилиб кўрайлик.

“Намл” сураси 88-оятда мана бу маъно ифодаланган: “Сиз тоғларни кўриб, тик қотиб турибди, деб ўйларсиз. Ҳолбуки, улар худди булутлар юргандек юрарлар”. Оғирлигини ўлчаш ҳам имконсиз бўлган, эҳтимол, бир неча триллион тоннали баҳайбат тузилманинг жойидан силжишини тасаввур

Ҳозир инсоният ихтиёрида Ер юзидаги ҳаётни беш марта йўқ қилиш учун етарли даражада қурол-яроғ йиғилган; бир дақиқада бир миллион доллардан ортиқ маблағ қуролланиш пойгасига сарфланипти... Бу эса дунёнинг ибрат кўзи очиқ олимлари қалбида катта хавотир уйғотаётир.

қилиш қийиндек туюлар. Аслида, илм-фан тараққиёти натижасида айнан шундай экани исботланган. Унга кўра, замин жуда улкан плиталардан ташкил топган бўлиб, улар Ернинг ядроси атрофини ўраб турган магма суюқлиги устида сузиб юради. Тоғлар эса шу плиталарнинг текис юзасидан кўтарилган қисми. Демак, тоғлар бир-бирига яқинлашади, бир-биридан узоқлашади, ўсади, яссиланади. Бу геодезия фанида аниқ исботини топган.

“Фурқон” сураси 53-оятига диққат қаратайлик: “Оллоҳ икки денгиз-дарёни буниси чучук, униси шўр-аччиқ қилиб, оқизиб қўйган ва уларнинг ўртасида тўсиқ-тўғон ва кўринмас парда қилиб қўйган зотдир”.

Машҳур сайёҳ Жак-Ив Кусто Гибралтар бўғозида Атлантика океани ва Ўртаер денгизи суви бир-бирига аралашмай турганига гувоҳ бўлади. Сувнинг қўшилиб кетмаслиги зичлик, шўрлик даражаси, денгиз ва океанларга хос сифатлар туфайли экани махсус илмий текширувлар натижасида аниқланган, ҳайратга тушган Кусто кўрганларини фаранг олими Морис Букейга сўзлаб беради. Исломни қабул қилган Букей “Бу мўъжизавий ҳодиса бундан 1400 йил аввал муқад-

дас Қуръонда аниқ ва лўнда айтилган”, дейди. “Бу сўзлар мен учун булутсиз осмонда яшин чақнагандек бўлди. Замонавий илм-фан ютуқларидан 1400 йил олдиндаги Қуръони карим фақат Оллоҳнинггина сўзлари! Оддий инсон қанчалик юксак тафаккур эгаси бўлмасин, бу ҳақиқатни айтиши, ёзиши мумкин эмас. Мен шу заҳоти исломни қабул қилдим. Кўр кўзларим, берк қалбимни очгани учун Оллоҳга шукрлар бўлсин!” деган Кусто шу заҳоти қиблага юз буриб, йиғлаб юборади.

“Нажм” сураси 49-оятда “Албатта, Шеъронинг Парвардигори ҳам Унинг Ўзидир”, дейилади. Шеъро юлдузи ҳозирги астрономия фанида “Сириус” деб аталади. Бу юлдуз осмоннинг кунботар тарафида, уфқдан анча баландда ярқираб, товланади. Бу юлдуз тиниқ ярқираши билан илгари замонларда ҳам одамларнинг диққатини ўзига оҳанрабодек тортган. Шунинг учун ҳам қадимги Миср аҳолиси, арабларнинг бир қисми, Африка қабилалари бу юлдузга қаттиқ ихлос қўйган, ҳатто сиғинган. Оллоҳ таоло – бу юлдузнинг ҳам яратувчиси. Шунинг учун юлдузга сиғиниш – ақлсизлик нишонаси деган яширин маъно бор мазкур оят замирида. Ҳозирги замон фалакиётшунослигида ҳам бу юлдузга алоҳида эътибор берилади. Сабаби, тиниқ товланиб ярқираши жиҳатидан Қуёш, Ой ҳамда Венера, Юпитер, Марс сайёраларидан кейин олтинчи, бошқа юлдузлар орасида эса биринчи ўринни эгаллайди. Сириус Қуёшдан йигирма беш баравар катта бўлиб, аслида, иккита, яъни Сириус А ҳамда Сириус В юлдузларидан иборат. Унинг қўшюлдуз жамланмаси эканини 1844 йили Фридрих Бессель аниқлаган. 1862 йили фалакиётшунос Алван Кларк буни узил-кесил тас-

диқлаган. Маунт-Вильсон обсерваторияси астрономлари эса 1915 йили Сириус В карлик, яъни кичик юлдуз экани ҳақидаги хулосани берган.

Сириус Ерга энг яқин бўлганидан бошқа юлдузларга нисбатан ёрқин порлаб кўринади. Йиллар ўтгани сари унинг чарақлаши кучайиб боради. Чунки у Қуёш тизимига ҳар сонияда 7,6 км тезлик билан яқинлашмоқда. Сириус А кўзга кўринарли бўлиб, Сириус В ни фақат телескопда кузатиш мумкин. Унинг катталиги худди Ер каби, лекин ҳаддан ташқари жипслигидан массаси жуда оғир.

Сириус А ва Сириус В бир-бирига нисбатан ҳаракатланади. Бу ҳаракатланиш, камон ёйи кўринишида бўлиб, бир-биридан иккита камон ёйи тарзида узоқлашади ва яқинлашади. Уларнинг бир-биридан узоқлашиб-яқинлашуви даври 49,9 йилга тенг. Бу юлдуз билан Ер шари орасидаги масофа ҳозирги замон ўлчови билан 8,5 ёруғлик кенглигини ташкил этади. Ана шу юлдузнинг Қуръони каримда зикр этилишида ҳам одамзод учун ибратлар бор.

Тиббиёт илмининг замонавий ютуқлари ҳам Каломуллоҳнинг илоҳий мўъжизаларга бой манба эканини тасдиқлаётир. “Фотир” сурасининг 11-оятда мана бундай хабар берилган: “Ҳар бир умр кўргувчининг умри узун қилинмас, умридан камайтирилмас, буларнинг барчаси китобда, яъни Лавҳ улмаҳфузда битилган бўлур. Албатта, бу Оллоҳга осондир”. Ушбу оят мазмуни тиббиёт олимларининг хулосаларига ҳар жиҳатдан мувофиқ келади. Инсон ҳужайраси ядросида 46 хромосома мавжуд; уларнинг 23 таси отадан, 23 таси онадан ўтади. Центромер – хромосома марказидан бошланган қисқа елкачалар ёки оёқчалар мавжуд

бўлиб, уларнинг охири “теломер” деб аталади. Одамзод узоқ умр кўрган сари чап теломер қисқариб бораверади. Ниҳоят, чап теломер центромерга етиб борганда юракка “Тўхта!” деган буйруқ келади. Юрак мана шу буйруққа бўйсунисга мажбур: энди у урмай кўяди, батамом тўхтади. Нима учун? Юракнинг энг юқори қисмида, ўнг бўлмача деворлари орасида “Кис-Флак тугуни” деб аталувчи ҳужайралар тўплами – ядроси бор, ундан учта тола (Бахман, Венкибах, Торел) тармоқлари пастга йўналиб, ўнг бўлмача тубидаги атриовентрикула тугунчасига уланади. Бу тугунчадан Гис толалар тармоғи бошланиб, Пуркинье толалари равишида тугайди. Ана шундай мураккаб тузилманинг маркази Кис-Флак синоатриал тугунчаси бўлиб, у бир дақиқада 60-70 марта кўзғалади ва юқорида санаб ўтилган тармоқлар орқали энергетик импульс беради, шу тариқа юрак мускулларини қисқаришга мажбур қилади. Хромосоманинг чап оёғи теломеридан “Тўхта!” буйруғи келганда худди ана шу маршал Кис-Флак тугуни ўтказувчи тармоқларга импульс бермай кўяди. Оқибатда юрак мускуллари бу импульсдан мосуво бўлиб, қисқармай, бир парча ўлик гўштга айланади-қолади. Лекин, мабодо, юрак бирон оғир хасталик боис тўхтаса, тиббиётга маълум усуллар (томир ёки юрак ичига кучли дорилар киритиш, электр токи билан таъсир кўрсатиш, ёпиқ ёки очиқ массаж қилиш) орқали унинг қайта “тирилиш”ига эришмоқ мумкин. Бироқ хромосомадан “Тўхта!” деган буйруқ келгандан сўнг юрак мускулларининг қайта қисқаришига, яъни юрак уришини тиклашга уриниш ҳеч қандай натижа бермайди. Мана, Қуръони каримдаги илоҳий хабарнинг мутлоқ исботи!

Бу ҳол “Ҳижр” сурасининг 5-оятда ҳам мустаҳкамланган: “Бирон авлод ўз ажалидан илгари кета олмайди”.

“Нисо” сураси 93-оятда “Ким қасддан бир мўминни ўлдирса, унинг жазоси жаҳаннам бўлиб, ўша жойда абадий қолажак”, дейилган. Тангри таолонинг ушбу ҳукмини айрим жоҳиллар, эндигина туғилган чақалогини бўғиб ўлдирмоқчи ёки ташлаб кетмоқчи бўлганлар (эсда сақласинлар: муборак ҳадисга кўра, ҳар бир чақалоқ, отонаси қайси дин вакили бўлишидан қатъи назар, мусулмон бўлиб туғилади!) ақл билан англаб, қалб билан ҳис этса, бундай ваҳшийликка бормаган бўлар эди. Кейинги вақтларда ҳуқуқ муҳофазасига масъул айрим ходимларнинг инсон ҳуқуқларини ҳам, қонунларни ҳам поймол қилиб, одамларни қийноққа солиши натижасида бевақт ўлимлар ҳам кузатилмоқда, бу ҳол кенг жамоатчиликнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлаётир. Агар ўша зулмкорлар ўз қилмишининг рўзи маҳшардаги оқибатини билса, бу қабихликдан сақланган бўлармиди?!

Инсон бекаму кўст, фаровон яшамоғи учун Ер юзида барча нарса муҳайё қилинган. “Сажда” сурасининг 7-оятда “У барча нарсани чиройли қилиб яратган зотдир”, дейилади. Ана энди чин дилдан мулоҳаза қилиб айтинг-чи, тоғу водийлар жойлашувида, чаманзорлар кўринишида, чиройли гуллар безагида, жонзотлар олами тузилишида бирон номутаносиблик сезганмисиз? Барчаси мукамал: инсон гўзал сувратда яратилган, оламдаги ҳамма нарса одамзод ҳаётининг тўқислигига хизмат қилади. Ҳатто кимсасиз оролга махсус ташлаб кетилганлар ҳам ризқсиз қолмаган-ку! Бироқ инсон ана шу неъматларнинг қадрига етяптими? Йўқ! Қадрига етса, илму маърифат ўрнига –

фиску фасод, меҳру оқибат ўрнига – кибру ҳасад, силаи раҳм ўрнига – ғийбату тухмат болалаб кетармиди?! Ёлғончилик, ўзгаларни обрўсизлантиришга интилишдек қабохат шу қадар кўпаярмиди?! Сўз ва амал бир-бирига мутлақо тескари бўлиб, иккиюзламачилик одатий ишга айланиб қолармиди?! Майда манфаатлар йўлида инсонлик шаънини ерга уриш, ҳаромдан ҳазар қилмаслик шу кунлардаги қадар илдиз отиб, тараққиёт йўлини тўсармиди?! Эгоизм, индивидуализм деган балолар-чи? Худписанд кимсалар объектив тафаккурдан Мосуво бўлади. Ақли, билими, қобилиятини фақат ўз манфаатига йўналтиради. Тутган йўли инсоф ва адолатга зид бўлса ҳам, ўзини ҳақ деб билади.

Одамзод маънавиятининг бу тахлит бухронга юз тутиши қандай оқибатларга олиб келади? Қуръони каримда ўшанга ҳам жавоб бор: “Одамларнинг ўзлари қилган қилмишлари сабабли қуруқликда ҳам, денгизда ҳам (турли) офат-балолар юз берди. (Бу бало ва офатлар одамлар қилаётган гуноҳ-маъсиятларидан) қайтишлари учун, уларга қилган айрим гуноҳларининг (жазосини) тотдириб қўйиш учундир” (Рум, 41-оят).

“Бақара” сураси 188-оятда “Мол-дунёларингизни ораларингизда ноҳақ-ҳаром йўллар билан емангиз! (Яъни бир-бирингизнинг ҳақингизни еманг!) Ва (гуноҳ қилганингизни) билиб туриб, одамларнинг молларидан бир қисмини ҳаром йўл билан ейиш учун (молларингизни пора қилиб) ҳокимларга узатманг!” дейилган. Бироқ бизнинг замонимизда бу оятни ақлига жойлаб, моҳиятини дилдан ҳис этган одамлар камайиб кетгандек. Айниқса, масъул раҳбарлик лавозимида ишлайдиганлар орасида.

Шундай бўлмаганда, коррупцияга қарши кураш давлат сиёсати даражасига чиқмас эди. Халқнинг қаттиқ-қурум қора нонини туя қилиб еб ётган кимсалар “Тавба” сурасининг 35-ояти мазмунини англашга интилса, нафс қозонининг қораси қоплаган кўнгилларига оз бўлса ҳам маърифат нурлари инармиди: “У кунда (қиёматда) ўша олтин-кумушни жаҳаннам ўтида қизитиб, уларнинг пешоналари, ёнлари ва кетларига тамға босилиб: “Мана бу ўзларингиз учун тўплаган нарсаларингиздир. Энди тўплаб-босган нарсаларингизнинг мазасини татиб кўринглар дейилур”.

Оддий, меҳнаткаш, пешона тери билан ҳалол кун кечираётган одам, одатда, қонунга амал қилади. Иши битмай, қонун доирасида ҳал бўлмай, “отанга бор, онанга бор”чиликдан зада бўлгач, бунинг тагида бир гап бор, балки сарф-харажат қилсам, ҳал бўлар, деган янглиш фикрга келиши, иш битиришнинг “йўл”ини қидириб қолиши аниқ. Коррупцияга айна шундай ҳоллар йўл очади. “Тавба” сураси 126-ояти порахўрликни, қинғир ишни касб қилиб, нафс ботқоғига тобора чуқурроқ ботиб бораётганларга қаратилган, назаримизда: “Улар (Ҳақни) англамайдиган қавм бўлганлари сабабли, Оллоҳ дилларини (Қуръонни фаҳмлашдан) буриб кўйгандир”. Бу хил қалби басирлик нафақат уларнинг ўзини, бутун жамиятни таназзул чоҳига тортади. Халқнинг эртанги кунга ишончини сўндиради. Қилмишларимни ҳеч ким сезмайди-билмайди, деб ўйлаганлар хато қилади. Агар улар “Бақара” сурасининг 188-оятини очиқ кўз, бутун ақл билан ўқиб-англаганларида, бундай нопок ва жирканч ишдан сўзсиз қайтган бўлар эдилар: “Улар Оллоҳни ва имонли кишиларни алдамоқчи бўлади-

лар ва ўзлари сезмаганлари ҳолда фақат ўзларинигина алдайдилар”. Шу суранинг 10-оятида яна бундай эслатма қилинган: “Улар учун қилган ёлғонлари сабаб аламли азоб бордир”.

Қизлар, аёллар-чи? Уларнинг ҳам айримлари одамийлик, ахлоқни эмас, шаффоф ёпинчиқ остидаги баданларини намоёйиш қилишдан заррача ҳаё қилаётгани йўқ. Ҳатто улар ярим-яланғочлик бўйича мусобақа ўйнашяпти гўё. Мақсад нима, бозорни қиздиришми? Бу мусобақа, тиббий нуқтаи назардан қараганда, ўзга жинс вакиллари “ҳалок этмоқда”; маънавий жиҳатдан эса, муҳаббатдек олий туйғуни барбод қилаётир. Аслида бу ҳолларга аёл ҳам, эркак ҳам бирдек сабабчидир. “Аҳзоб” сурасининг 59-оятида илоҳий эслатма бор: “Эй Пайғамбар, жуфтларингизга, қизларингизга ва мўминларнинг аёлларига айтинг, устларига ёпинчиқларини ўрасинлар! Мана шу уларнинг (озод аёл эканликлари) танилиб,

Хўш, инсон неъматларнинг қадрига етяптими? Йўқ! Қадрига етса, илму маърифат ўрнига – фисқу фасод, меҳру оқибат ўрнига – кибру ҳасад, силаи раҳм ўрнига – гийбату тухмат болалаб кетармиди?! Ёлғончилик, ўзгаларни обрўсизлантиришга интилишдек қабоҳат шу қадар кўпаярмиди?! Сўз ва амал бир-бирига мутлақо тесқари бўлиб, иккиюзламачилик одатий ишга айланиб қолармиди?!

озорланмасликлари учун энг яқин восита-дур". Ушбу амрга итоат этмасликнинг аянчли оқибатлари замонавий тиббий-генетика илмида рад этиб бўлмас далиллар билан исботланган. Маълумки, аёлларда ХХ, эркакларда эса ХҮ жинсий хромосомалар мавжуд. Эътибор қилинг-а, эркаклардаги "Ү" хромосоманинг битта оёқчаси – теломери йўқ. Аёллардаги ХХ хромосомалар яхши ҳимояланган – теломерлари тўлиқ. Эркак кишининг ёши ўтган сари "Ү" хромосомадаги ягона теломер ҳам қисқариб, наслий генлар сони камайиб бораверади. Теломер центромерга яқинлашгани сари: а) фарзанд кўришга лаёқатсизлик; б) жинсий ҳис-туйғулар ва белдаги қувват сусайиши; в) кўзғалиб интилиш хусусияти тобора камайиши кузатилади. Кўз нури қуввати аёлларнинг очиқ-сочиқ танасига қанча кўп сарфланса, бечорагина "Ү" хромосоманинг оёқчаси шунчалик тез қисқариб бораверади. Энг даҳшатлиси, эрлик хусусиятининг сустлиги ўғил наслга берилади. Бу феномен(аслида, феномен эмас, балки орттирилган даҳшатли норасолик)ни илғаган, кузатган, исботлаган олимларнинг таъкидлашича, агар ҳаёт шу тарзда давом этса, келажақда жуда даҳшатли ва аянчли ҳол содир бўлади. Ҳозирданоқ "Ү" хромосоманинг деградацияга учраши кузатилаётир. Масалан, "Ү" хромосомадаги 1 минг 438 наслий, ҳиссий, жинсни белгиловчи насл генларидан 1 минг 393 таси йўқолиб, атиги 45 таси қолган. Айни ҳодиса, айниқса, мен кўшжинслиман, деб ўзларини кўз-кўз қилаётганларда жуда кўп учраётир. Оммавий маданият тарафдорлари орасида жинсий заифлик, қувватсизлик болалаётгани сабаби ҳам шу. Бундай салбий ўзгаришлар вақт ўтиши билан, эҳтимол, яқин юз йиллар ичида эркакларнинг аксар

қисми аёллар сафига ўтиб кетишига олиб келиши ҳеч гап эмас.

Айрим ривожланган мамлакатларда эса биржинсли оила тарафдорлари эркинлик сўраб намойишга чиқмоқда. Эмишки, эркинлик бермаслик уларнинг ҳақ-ҳуқуқини поймол қилиш бўлар экан. Ҳатто шу даражадаки, ўзларининг ана шу тубан тоифа вакили эканидан ғурурланиб, буни зангори экранда намойиш қилмоқдалар. Баъзи мамлакатларда шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги "жинси" деган банд олиб ташланган, бола туғилганда жинсини кўрсатмаслик урфга кирмоқда. Гўдак улғайиб, ақлини таниганидан кейин жинсини ўзи танлаб олар эмиш. Гўё бунинг зидди инсон эркинлигига раҳна солар эмиш. Алҳазар демай иложингиз йўқ! Бу кибру ҳавога берилиб кетган Лут қавмини эслатмайптими? Улар шу қилмишлари учун ҳалок қилинган эди-ку! "Анкабут" сура-си 28-30-оятларида уларнинг қисмати очиқ баён этилган: "Лут ўз қавмига "Албатта, сизлар шундай бузқлик қилмоқдасизларки, сизлардан илгари бутун оламлардан бирон кимса бундай қилмаган эди. Ҳақиқатан, сизлар (хотинларингизни кўйиб) эркакларга борармисизлар; йўлтўсар-қароқчилик қилурмисизлар; мажлисларингизда ёмон ишлар қилурмисизлар?" деганини эсланг! Бас, Лут қавмининг жавоби фақат "Агар сен ростгуй кишилардан бўлсанг, бизларга Оллоҳнинг азобини келтир-чи", дейишлари бўлди. Шунда у айтди: "Парвардигорим, бу бузғунчи қавм устига ўзинг мени ғолиб қил". Ана шу сўзлар айтилгач, Лут қавми устига азоб тошлари ёғилиб, улар ҳалок қилинди.

Назаримизда, Қуръони каримда бугун инсоният оромини ўғирлаган хасталик – коронавирусга оид далил ҳам эслатилган: "(Ва унга дермиз): "Бу (азоб) ўз қўлларинг

(билан) қилган гуноҳинг сабабидир. Зеро, Оллоҳ ҳаргиз бандаларига зулм қилгучи эмасдур” (Ҳаж, 10-оят). Бу қадар аниқ ва лўнда! Ахир, коронавирус ифлос, ювилмаган қўлдан шиллиқ қаватга тегиши, ишқалаш орқали юқиши юз фоиз тасдиқланди-ку! Асло тери орқали эмас. Чунки бу вирус кўз, бурун, лаб шиллиқ қаватидан ҳужайра ичига кириб, унинг ичида кўпайиб, кейин зарарли таъсирини бошлайди.

Коронавируснинг 70 га яқин тури бўлиб, улардан атиги 7 хили одамларда касаллик чақириш хусусиятига эга. Ана шу 7 хилидан 2 тури инсон организмда оғир асоратларни вужудга келтириб, аксар ҳолларда ўлимга сабаб бўлаётир. Энг кўп йўқотишга учраган АҚШ, Испания, Буюк Британия, Франция мамлакатларида вируснинг қай тури, Сингапур, Ўзбекистон ёки Саудияда қайси тури учрашига оид текширувлар ўтказилса ҳам айрим ҳақиқатлар аён бўлиши мумкин.

Ижтимоий тармоқларда коронавирус лаборатория шароитида ихтиро қилинган, деган тахминлар ҳам айтилаётир. Хўш, инсон янги бир тирик нарсани ярата оладими? Асло йўқ! Инсон аввалдан бор нарсани кашф қилиши мумкин, аммо йўқдан бор қилиш қудрати унга берилмаган. Вируслар тирик жонзот ва улар фақат тирик ҳужайра ичидагина кўпаяди. “Юнус” сурасининг 61-оятида инсонни тафаккурга ундайдиган илоҳий эслатма берилган: “Еру осмондаги бир зарра мисоличалик, ундан ҳам кичикроқ (ёки) каттароқ бирон нарса Парвардигорингиздан махфий бўлмас – албатта, очиқ китобда (яъни Оллоҳнинг азалий ёзмишида) мавжуд бўлур”.

Инсоннинг билганидан билмагани кўпроқ экани аён. Демак, ҳали биз англаб етмаган сирлар қанча! Коронавирус ҳам худди шундай. Уни аниқлаш устида дунёдаги энг етук олимлар жиддий изланиш олиб бормоқда. Коронавируснинг барча турлари геномаси (генетик коди), ядроси, ядро атрофида жойлашган РНК ва ДНКларнинг фазовий ҳамда рентген-кристаллографик тузилмалари текширилиб, таҳлил қилинди. Хулоса шундай бўлдики, вирус генлари ўрни, геномадаги генлар ўрни ўзгартирилмаган. РНК ва ДНК молекулаларининг тузилмаси мутлақо бузилмаган. Демак, бу вирус инсон кўли билан яратилмаган, мутацияга учратилмаган. Унинг кўп хиллари турли майда жонзотларда учрайди. Аммо улар ўша жонзотлар учун хавфсиз, яъни касаллик чақирмайди. Инсонга юққанда эса хасталик келтириб чиқариши маълум бўлди. Энди ўзимизга савол берайлик: бу ўзлигини йўқотган, ахлоқан тубанлашган одамзодга юборилган илоҳий жазо эмасми? Ахир, кўршапалак ва бошқа майда жонзотлар бундан 10 ёки 100 йиллар олдин ҳам Ер юзида мавжуд эди-ку! Нега улар айнан шу кунларга келиб одамга ёпишди? Қандай муҳит ва ишқалларни пойлаб шу пайтгача ўзини кўрсатмади? Бу ниманинг таъсири? Сабаби нимада? Бунга ким айбдор?

Ҳа, бизнингча, Холиқи Олам гуноҳлар лойига ботган одамларга коронавирус воқитида ўзини яна бир бор эслатиб қўймоқда. Яратганни юксак маърифат ила таниш, илоҳий ахлоқ қоидаларига сўзсиз риоя этишгина инсониятга чин саодатга эришмоқ имкониятини қайтариши мумкин.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ



NAVOIYNING IDEALI

1978 йил эди. “Тошкент оқшоми” газетаси уч-тўрт саволли сўровнома эълон қилди ва бир неча ой давомида таниқли кишиларнинг жавобларини чоп этиб турди. Унда “Сиз учун идеал инсон ким?” деган савол ҳам бор эди. Албатта, ҳар хил номлар дарж этилди; бу дунёда идеал шахс бўлиши мумкин эмас, деганлар ҳам бўлди. Сўровноманинг ёдимда қолганига сабаб – машҳур бир санъатшунос олим “Мен учун икки идеал инсон бор. Уларнинг бири – КПСС МК Бош секретари Леонид Брежнев, иккинчиси эса Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари Шароф Рашидов”, дея “сиёсий ҳушёрлик” ила жавоб берган эди.



Ким билади, ўша кекса коммунистнинг сўзлари самимийдир, севган одамларини айтган бўлса бордир. Лекин... не билай, Брежнев ё Рашидов иш-лавозимдан кетса ҳам профессор шундай жавоб қилармиди, деган иштибоҳдан. Бу орада улар учови ҳам оламдан ўтиб кетишди. Мен бу гапларни истеҳзо қилиб ёзаётганим йўқ, аммо ким давлат раҳбари бўлса, унга сажда қилишга шай, туғилган

болаларига унинг исмини, отасининг оти ва фамилиясини қўйиб, гердайиб эълон қилаётганлар ҳам кам эмас.

Яна бир тоифа борки, раҳбари художўй бўлса, намозу ниёзга берилади, акси эса – фирт даҳрий бўлиб олади. Таажжубки, у ҳол-

да ҳам, бу ҳолда ҳам ўзини ҳақ деб билади, бошқаларга ҳам шуни уқтиради...

Хўш, идеал инсон борми ҳаётда, бор бўлса – ким ўзи у ва бундай олийшон одам қандай сифатларга эга бўлади?

Биз ҳар соҳада миллат қуёши бўлган Алишер Навоийни ўрнак деб, унинг тутумларини намуна деб биламиз. Навоийнинг ўзи-чи, кимни идеал шахс деб билган, уни қандай васф этган – шуни аниқлаш муҳим.

Бунга икки хил жавоб бор.

Биринчиси – Навоий ҳам, барча аҳли мўмин сингари Муҳаммад алайҳиссаломни идеал деб билган; бу аксиомани далиллашга ҳожат йўқ.

Иккинчиси шуки, адабиётшунос олимлар, Навоийнинг идеали – “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Фарҳод, шоир ўз орзуларини шу сиймода мужассам қилган, деб айтишади. Чунончи, “ЎзСЭ”нинг “Алишер Навоий” сарлавҳали мақоласида “Фарҳод жаҳон адабиётида умумбашарий хислатларни жам этган энг комил образлардан биридир”, деб қайд этилган (1-том. Тошкент, 1971. 257-бет). Бу фикр ундан аввалроқ профессор Натан Маллаевнинг “Ўзбек адабиёти тарихи” дарслигида (Тошкент, 1965. 446-бет) қайд этилган. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да эса “Навоий Фарҳод образи орқали идеал инсон ҳақидаги гуманистик қарашларини ифодалаб, энг юксак инсоний фазилатларни мадҳ этган”, дейилади.

Мантиқан кишининг идеали битта бўлади. Шундан келиб чиқсак, зиддият юзга келаётгандек: Навоий учун ким идеал – Расули акрамми ёки ўз достонидаги Фарҳод?

Фурсати келди, кичик бир чекиниш қилсам. Яқинда бир зиёли замондошимиз Youtube тармоғида эълон қилинган видео-

лавҳада “Навоийшунос олимлар шоир қайсидир бир қизни тараннум этган, деб айтишади, чунки улар Навоийнинг асл ғояларини билишмайди. Ҳолбуки, Алишер Навоий ёр деб Оллоҳни кўзда тутган”,



дея XX асрни ялписига “брак”ка чиқарганини эшитиб қолдим. “Унчалик эмасдир, қори иним, – дедим ичимда. – Сиз улар фаолият юритган замон руҳидан беҳабарсиз-да. Башарти улар ўша даврда Навоий Оллоҳни васф этган, деб айтганларида, бу улуғ зот ижодини ўрганиш йўли тақа-тақ ёпилар, унга ҳам Яссавий, Сўфи Оллоёр, Сулаймон Боқирғоний каби “диний-мистик қаламкаш” деган ёрлиқ ёпиштирилар эди. Биз эса мутафаккир бобомиз ижодини ўрганишга бугун эндигина киришаётган бўлар эдик. У раҳматлилар ҳур замонлар келишию мустақил бўлишимизни билмаган. Ўша шароитда бу улуғ шоир ижодини халққа танитиш йўлини топгани учун маломат тошларини отиш ўрнига, руҳларига атаб тиловат қилиш жоиз эмасми?..”

Фалсафа фанида “учинчиси истисно” қонуни бор. Унга кўра, икки қарама-қарши фикрнинг ё униси, ё буниси тўғри бўлади. Иккови ҳам ҳақ бўла олмайди. Аммо бу икки хил фикр сиртдангина бир-бирига зид бўлиб кўринса, уларни ўзаро мувофиқлаштиришга бўлган уринишни эклектикага қараб кетиш деб қоралаш хато. Бизнингча, Расули акрам ҳам, “Фарҳод ва Ширин” достони қаҳрамони ҳам Алишер Навоийнинг идеалидир.

Энди ана шу фикрни исботлашга уриниб кўрамиз.

Ислом анъанасига кўра, Муҳаммад алайҳиссаломни (бошқа пайғамбарларни ҳам) образ сифатида тасвирлаш мумкин эмас, унинг қиёфаси, руҳий кечинмаларида бадий тўқимага ўрин йўқ. Шунинг учун ул зоти шарифнинг ҳаётномаси, ҳадисларига шарҳлар, пайғамбарлар тарихига оид материалларгина мавжуд. Бадий асарлар, театр сахнаси ва кинофильмларда Расулulloҳ кўринмайди, ҳатто овози ҳам берилмайди; расми чизилмайди. Наът ғазаллар ва диний ривоятларда пайғамбар улуғланади, аммо образ даражасига етказилмайди. Бу – тақиқ мавзу. Ҳолбуки, у зотни улуғламай, ўр-нак қилиб кўрсатмай туриб, исломнинг ўзаги бўлган тарбия борасида яхшироқ натижага эришиш мушкуллиги ҳам аён.

Исломнинг ўзаги тарбия деган фикр фавкулдда гап эмас. Зеро, Пайғамбар алайҳиссаломнинг ўзлари “Мен энг гўзал ахлоқ эгасиман ва хулқингизни камолга етказиш учун юборилганман”, деб марҳамат қилганлар.

Хўш, образини яратиш мумкин бўлмаган бир шароитда Муҳаммад алайҳиссаломнинг фазилатлари қандай қилиб кўрсатилади?

Бошқа образларга пайғамбар ҳаётига тааллуқли айрим воқеаларни, у зотнинг ўзгалар билан савол-жавоблари ва сийратини индириш орқали!

Бадий адабиётнинг асосий хусусияти – ҳаётни тўғридан-тўғри эмас, балки образли йўсинда кўрсатиш ва шу орқали таъсир ўтказишдан иборат. Бунинг учун эпик асарларда инсон тимсоли яратилади, ижодкор ўз ғояларини ўқувчига шу образ воситасида етказилади. Навоий ана шуни чинакам адабиёт деб билган. Ҳақиқатни ҳақиқат равишида айтиш бошқа-ю, аммо мажоз орқали тақдим этиш бошқа, деб тушунган. Чунончи, яқин дўсти ва ходими Паҳлавон Муҳаммад

ундан туркигўй шоирлардан энг зўри кимлиги ҳақида сўраганида, “Мавлоно Лутфий ҳоло мусалламдур ва бу қавмнинг устоди ва маликул каломидур”, деб жавоб беради. Паҳлавон Муҳаммад яна “Нечук Сайид Насимий демадинг?” деб сўрайди. Бу саволга берилган жавобда Навоийнинг сўз санъатига оид қараши ёрқин ифодаланган: “Сайид Насимийнинг назми ўзга ранг тушубдур, зоҳир аҳли шуаросидек назм айтмайдур, балки ҳақиқат тариқин адо қилибдур”. Бунинг маъноси шуки, Насимий Оллоҳ таолога бўлган ишқини бевосита, яъни “*Ё Оллоҳ, мен сенинг қуллингдурман*” тарзида баён қилади. “Мажоз тариқида” сўз айтувчи Лутфий эса образли тарзда “*Қаду оғзингга боқсам, оҳ дерман, Сени кўрган сайин “Оллоҳ!” дерман*”, дея пардалаб тасвирлайди. Бу мисраларда мажозий эмас, ҳақиқий ёр васф этилаётганини авом эмас, хос кишилар тушунади ва шу жиҳати билан Лутфий маликул калом ҳисобланиши керак. Фикр билан бадий фикрнинг фарқи ана шунда!

Алишер Навоий ўз идеали бўлган Пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳаёти, ҳадисларида баён этган фикрларини у ёки бу муносабат билан, у ёки бу кўламда тасвирлаб ўтмаслиги мумкин эмас эди.

“Фарҳод ва Ширин”ни ўқисангиз, бир қарашда Фарҳод қаёқдаю Муҳаммад алайҳиссалом қаёқда, деган эътироз туғилиши аниқ. Бироқ биз Пайғамбар алайҳиссалом Фарҳод образининг прототиби қилиб олинган деётганимиз йўқ, балки у зотга тааллуқли у ёки бу жиҳатлар эпизодик тарзда, ўшанда ҳам анча муҳам ва мураккаб бир кўринишда Фарҳодга нисбат бериб акс эттирилгани ва айнан ана шу хислатлари билан Фарҳод идеал образ даражасига кўтарилганини таъкидламоқчимиз, холос.

I. Ислом дини тарғиботига янги киришган пайтларида Муҳаммад алайҳиссаломни ўлдиршига жазм этган кимсалар бўлган. Сий-

ратга оид асарларда суиқасдлар батафсил баён қилинган. “Сени энди менинг кўлимдан ким қутқариб қола олади?!” дея азиз боши узра қилич кўтарган кимсаларга қараб, Расулulloҳ “Оллоҳ қутқаради!” деб айтиши биланоқ қотил кўлидаги қилич ерга тушиб, ҳоли ёмон бўлгани ва у кимсаларнинг шу сабабли исломни қабул қилгани бир неча бор қайд этилган. Ҳузури муборакка шум ният билан келиб, ул зотнинг бир назари биланоқ имонга келган ҳазрати Умар ҳам уларнинг бири эди.

Навоий достонида тасвирланишича, Фарҳод беҳуш ҳолда асир олиниб, Хусрав қошига келтирилади. Табиб малҳамидан ўзига келгач, банди қудратли шоҳга назар ташлайди. Хусрав уни ўлдириш олдидан савол-жавоб қилиб, айбини бўйнига қўйиш ниятида эди, аммо уни кўриши биланоқ ҳолати ўзгаради, ёмон фикридан қайтади:

*Шукуҳидин этиб Хусравга тағйир,
Қилиб ишқи ўти кўнглига таъсир.
Унутти айламакни қатлу бедод,
Анга боқиб такаллум қилди бунёд.*

Яъни Хусрав асир ҳолидаги Фарҳодни кўриши биланоқ, унинг шукуҳидан таъсирланиб, ўлдириш фикридан қайтади. Бу эса Расул алайҳиссалом ҳаётидаги бояги каби ҳолатларга ишорадир.

II. Муҳаммад алайҳиссалом одамларни имонга даъват эта бошлагач, бундан хавотирга тушган Макка мушриклари у зотга бир неча бор мурожаат этиб, даъватдан воз кечса, эвазига бойлик, обрў ва ҳатто салтанат ваъда қилганлар. Бироқ Расули акрам муддаоси бу эмаслигини, Ҳақ таоло амри билан иш юритаётганини айтиб, “ёғлик” таклифларни рад этади. Чунончи, Алихонтўра Соғуний “Тарихи Муҳаммадий” асарида ёзганидек, “Ичларидан бировлари сўзга туриб, (деди): Эй Муҳаммад, ...бизлар бу иш устида сен билан очиқ сўзлашгани келдик... Агар бу иш-

дан мақсадинг мол топиш бўлса, мол йиғиб бериб, сени бой қилайлик, агар иззат-обрў истаган бўлсанг, бутун Қурайш қабиласи устига сени раис қилиб кўтарайлик, агар подшоҳ бўлиш кўнглинга тушган бўлса, сени подшоҳ қилиб, тахтга чиқарайлик. Йўқ, агар жинлар тарафидан сеҳрланган бўлсанг, мол-дунёмизни аямай, анинг чорасига киришайлик. Ё тузалурсан, ё бизни маъзур тутурсан... Мана шунга ўхшаш сўзларни айтиб, илгари Утба айтган сўзларни қайтадан такрор қилдилар.

Пайғамбаримиз алардин бу сўзларни эшитганлари сўнгига:

– Сизлар деганларининг ҳеч бириси менда йўқдир. Бу ишда менинг мақсадим мол топиш ёки обрў-мартаба орттириш эмас, ё сизларга подшоҳ бўлиш эмас. Лекин шуни билинглarki, мени Оллоҳ таоло инсон олами устига пайғамбар қилиб юборди, ўз тарафидан менга Қуръон отлиғ улуғ китоб индирди. Бу китобда инсонлар учун икки жаҳонда саодат топиш йўлларини кўрсатди. Мўминларни жаннат неъматлари ила суюнтиришга, кофирларни дўзах азоби ила кўрқитишга мени буюрди. Танграм буйруқларини сизларга етказдим, устимга юкланган ялавочлик (элчилик) вазифасини адо қилдим, ҳарҳолда сизларга хайрихоҳдурман. Ҳеч қандай бошқа муддаом йўқдур. Агар сўзимни қабул қилсанглар, келтирган динимга кирсанглар, дунё ва охираат саодатидан топган улуғ насибаларингдур. Агар бу сўзимни рад этиб, мени ёлғончига чиқарсанглар, у ҳолда Оллоҳ амрини кутиб, сабр қилишдан бошқа чорам йўқдур, дедилар” (Тошкент, “Мовароуннаҳр”, 2017. 57-бет).

Ана энди “Фарҳод ва Ширин” достонининг энг кульминацион ўринларидан бири бўлган 41-бобга назар солайлик: унда Фарҳод Хусрав билан баҳслашади, аниқроғи, шоҳнинг саволларига оқилона, мантиқий жавоб қайтариб, уни мот қилади:

Дедиким: Ишқдин йўқ жуз зиён буд!
Деди: Бу келди савдо аҳлига суд.
Деди: Бу ишқ тарки яхшироқдур!
Деди: Бу шева ошиқдин йироқдур!
Деди: Ол ганжу, қўй меҳрин ниҳони!
Деди: Туфроққа бермон кимёни...
Деди: Кишвар берай, кеч бу ҳавасдин!
Деди: Бечора, кеч бу мултамасдин!
Деди: Ишқ ичра қатлинг ҳукм этгум!
Деди: Ишқида мақсудумга етгум.

Муҳаммад алайҳиссаломнинг рақиблари эътиқодини тарк этиши эвазига нимани ваъда қилган бўлса (бойлик, қабила раислиги, подшоҳлик), Хусрав ҳам Фарҳодга Ширин ишқини унутиши бадалига худди ўшаларни бермоқчи бўлади. Фарҳод ҳам деярли Пайғамбар алайҳиссалом берган жавобларни айтиб, Хусравни лолу малул этади.

Савол туғилиши мумкин – Хусрав билан Фарҳоднинг ўзаро баҳси Навоийдан аввал “Хамса” ижод этган Низомийнинг “Хусрав ва Ширин”, Деҳлавийнинг “Ширин ва Хусрав” дostonларида ҳам бор, хўш, уларда ҳам мазмун шундай эмасми?

Навоийнинг ғойибона устозлари ва пешқадамлари бўлган бу икки сиймога чандон ҳурмат бажо келтирган ҳолда, улар Фарҳодни бош қахрамон – ўз қарашларининг тажассуми қилиб олмаганларининг ўзиёқ бу саволга жавоб тасдиқ маъносида бўлмаслигини кўрсатади. Ўша икки дostonдаги баҳсу жавоб ҳам, албатта, юксак бадииятга эга. Шоҳ ва банди айтишуви Навоийга туртки берганки, “Фарҳод ва Ширин”да ҳам айна мунозара сахнаси мавжуд. Қолаверса, устозларда мисра бошида “бигуфт”, “бигуфто”, Навоийда “деди”, “дедиким” сўзларининг келиши ҳам ҳар уч дostonда бир-бирига монанд. Ҳажм ҳам бир хил – 25 байт. Бироқ “Фарҳод ва Ширин” дostonидаги бу айтишувнинг аввалгиларидан муҳим бир фарқи бор: форсий икки дostonдаги диалог рақибларнинг омонсиз тортишуви эмас, икки суҳбатдошнинг му-

колимасидан иборат бўлиб қолган. Бунинг устига, биз таъкидлаб кўрсатган ўринлар – бойлик берай, ё истасанг подшоҳлик берай, бу ҳавасдан кеч, ёки ўлдираман каби макр ва пўписалар ва унга Фарҳоднинг мардонавор, оқилона жавоблари (Муҳаммад алайҳиссаломга қилинган ваъда ва таҳдидлар ҳамда у зотнинг кофирларга жавобига монанд байтлар) Низомийда ҳам, Деҳлавийда ҳам йўқ.

III. Фарҳодда идеал инсонга хос бўлган ҳамма хислат – камтарлик, улуғворлик, бойлик, давлат ва шавкатга ружу қўймаслик, ҳар жиҳатдан поклик, шу билан бирга, омма томонидан эътибор ва иззат мавжуд:

Бўлуб шаҳлар эшигининг гадоийи
Ва лекин ул гадолар хоки пойи.
Анга тенг подшолиғ ё гадолиғ,
Гадолиққа тенг этмай подшолиғ.

Фарҳод юксак насл-насаб эгаси (шаҳзода) бўлса-да, қалбан камбағал, оддий одамларга яқинроқ. Унинг бу хислати ҳам Муҳаммад алайҳиссаломни эслатади. Пайғамбаримиз ҳам насаби жиҳатидан Қурайш қабиласининг энг улуғ хонадонига мансуб, аммо даъвати энг аввало фақир ва мискин кишилар қалбидан жой олган; ислом дини дастлаб зодагонлар ва бойлар ичида эмас, асосан меҳнат аҳли орасида ёйила бошлаган.

IV. Муҳаммад алайҳиссалом ҳамisha ростгўй; нафақат тилида, балки дилида ҳам ўзгаларга нисбатан асло ғубори бўлмаган. Чунки “Шаққи садр” воқеасидан сўнг унинг қалбида эзгуликдан бошқа нарсага ўрин қолган эмас. Шунинг учун ҳам одамлар у кишини шарафлаб, Муҳаммад ал-Амин (ростгўй, ишончли киши) деб аташган ва ҳамма ҳурмат қилган. Навоийнинг Фарҳоди ҳам шундай фазилатлар соҳиби:

Демон ҳам кўнгли поку ҳам кўзи пок,
Тили поку сўзи поку ўзи пок.
Мунунгдек тийнати покига лойиқ
Дуосин айтибон поки халойиқ.

V. Шоир “Фарҳод ва Ширин” достонини “меҳнатнома”, “меҳнат достони” деб атаган. Меҳнат сўзи аслан ҳозиргидай машғулот, иш фаолияти эмас, мусибат, бадбахтлик, ранжу азоб, укубат, машаққат маъносидадир. Шунинг учун ҳам шоир Фарҳод исмини шарҳлар экан, у фиروق, алам, рашк, ҳажр, оҳ ва дард сўзларидан таркиб топган, дейди. Ҳаёти эса доим машаққат билан – аввал илму ҳунар эгаллаш меҳнатида, кейин эса ишқ ва у туфайли бошига келган балолар исканжасида ўтиб итмомига етади.

Носириддин Рабғузийнинг ёзишича, Оллоҳ таоло синаш учун айнан пайғамбарларга балоларнинг энг катталарини тақдир қилган экан. Бошқа набийлар тарихини баён этиб ўтирмай, Муҳаммад алайҳиссалом ҳаётномасига назар ташлашнинг ўзиёқ бу нақлнинг тўғри эканини тасдиқлайди. Фарҳод бошига тушган синов ва машаққатлар билан ҳам Расулulloҳга монанддир.

VI. Энг оғир дамларда Фарҳодга Шопур ҳамроҳлик қилади, уни доимо кўллаб-қувватлайди, ҳолидан хабар олиб туради. Бу образ ҳазрат Абу Бакрни ёдга солади. Муҳаммад алайҳиссалом Маккадан Ясриб шаҳрига содиқ дўсти Абу Бакр билан бирга келгани каби Фарҳод Хитойдан Армания мамлакатига Шопур ҳамроҳлигида сафар қилади.

Хуллас, гоҳ асосли, гоҳо эса элас-элас тасаввур уйғотадиган бу каби муштаракликлар шу билан тугамайди.

Мумтоз шеъриятнинг энг оммавий жанри ғазалдир. Ғазал шакли жуда кўп ишлатилгани боис беҳад сайқал топган; хилма-хил турлари пайдо бўлган ҳолда ривожланган. Чунончи, мазмунига кўра, ҳамд (Оллоҳ таолога бағишланган), наът (Муҳаммад алайҳиссалом мадҳидаги), мадҳ (бирон улуғ одамга бағишланган), фахрия (ўзига бағишланган) ғазал турлари бор.

Назаримизда, улуғ Алишер Навоийнинг “Хамса”сини ҳам ана шундай тасниф қилиш

мумкин. Ҳар бир достон – моҳиятан катта бир ғазал, компаративистлар тили билан айтадиган бўлсак, эпик кўшиқдир. Фалсафий-дидактик йўналишдаги “Ҳайрат ул-аб-рор”ни маълум маънода ҳамд достон деса бўлади. Чунки унда оқилларни лол этган сир-синоатлар, Халлоқ яратган оламнинг турфа воқеликлари бобма-боб тасвирланган. Асардаги ҳар бир “мақолол” ва “ҳайрат”дан Парвардигорга мурожаат ва муножотлар ҳам ўрин олган.

Тартибга кўра, ҳамддан сўнг наът келади. Фарҳод образида Муҳаммад алайҳиссаломга ишоратлар бўлгани сабабли, “Фарҳод ва Ширин” достони “Хамса”да иккинчи ўринда келган.

Навоий “Лайли ва Мажнун”да Оллоҳга бўлган ишқи таърифини берадики, руҳига кўра бу асарни фахрия достон деса бўлади. Шоир улуғ салафлари – Низомий, Хусрав Деҳлавий ва Жомий достонларидаги турфа воқеалардан чашна олган. Икки бобида устозлар таърифида сўз юритилган “Сабъаи сайёр”ни эса мадҳ достон деб қабул қилиш мумкин. Шунингдек, “Садди Искандарий”нинг подшоҳ Искандар Зулқарнайн ҳақида экани ҳам уни Султон Ҳусайн Бойқарога бағишланган мадҳ достон деб аташга муайян даражада изн беради. Дарвоқе, Навоий айнан Бойқарони “Искандари соний” деб таърифлаган, бошқа достонларида ҳам шу сифат билан улуғлаб, уларнинг ҳар бирида махсус боб ажратган.

Башарти, бу мулоҳазаларда жон бор деб топилса, Фарҳод – Навоий идеал шахс деб билган инсон ҳақидаги ғояларнинг тажассуми ўлароқ қабул қилиниши керак. Чунки бу образ жуда кўп жиҳатлари билан Пайғамбар алайҳиссаломга мос келади. Зотан, ҳаёт воқелигини тўғридан-тўғри эмас, балки гўзал бир шаклда – “пардаи асрор” ортига олиб тақдим этиш бадий адабиётга хос энг муҳим жиҳатлардан биридир.

Хайриддин СУЛТОН



So'zi o'lmaganning o'zi ham o'lmas

1

Қарийб қирқ йилдирки, меҳнат фаолиятим давомида ҳар бири ўзига хос ижодий мактаб яратган кўп устозлардан касбу қор ва маҳорат сирларини ўргандим ва ҳануз ўрганиб келаман. Аммо бу меҳрибон мураббийлар орасида мутафаккир адиб Асқад Мухтор ўнлаб ижодкорлар қатори мен учун ҳам биринчи муаллим – устоди аввал бўлган деб ҳамиша фахр-ифтихор билан тақдорлайман.

Бу йил атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор таваллудига юз йил тўлди. Гарчи у киши вафотидан буён салкам чорак аср ўтган бўлса-да, асарлари бугун ҳам биз билан бирга яшамоқда. Сўзи ўлмаган адибнинг ўзи ҳам ўлмайди. Демак, бугун Асқад аканинг иккинчи умри давом этмоқда.

Асқад аканинг болалик, ёшлик даври қандай кечганини биз фақат унинг айрим асарлари ва адиб ҳақида ёзилган китоблар орқали биламиз, холос. Лекин шу нарса аниқки:

*Ойдинда туғилиб, жўякда чайилган,
Ғўза билан ўсган боламан.
Дарс ўрнига қор кечиб, лой кечиб,
Пахта терганимни эсга оламан,*

деган сатрлар унинг болалиги ҳам миллионлаб ўзбек болаларининг қисмати каби кечганидан далолат беради.

Мен у кишини ўтган асрнинг (қаранг, бизнинг авлодимиз ҳам бирпасда қандай қадимийлик даражасига етибди!) 70-йиллари бошида яқиндан таниб-билганман.

Бундан қирқ икки йил муқаддам, дорулфунунни энди битирган кезларим тақдир

менга Асқад аканинг қўл остида ишлаш бахтини насиб этди. Дастлаб “Гулистон” журналида “умидли муаллиф” сифатида қатнашган бўлсам, кейинчалик икки йил мобайнида у кишининг бевосита раҳбарлигида хизмат қилдим. Бу йилларни ҳаётимнинг энг файзли ва унутилмас даври деб айтсам, хато қилмаган бўламан.

Асқад аканинг 1970 йили “Гулистон” журнаliga бош редактор этиб тайинланиши алоҳида бир тарих.

“1966 йили Ўзбекистонда “Гулистон” журнали қайта очилди, – деб хотирлайди таниқли шоир ва олим Абдулла Шер. – Бу – ўзбек халқининг маънавий ҳаётидаги жуда катта воқеа эди (шўролар даврида ҳозиргидек хоҳлаган одам ёки ташкилот маблағи кўтарса журнал очолмасди, ҳар бир нашр, у ҳатто шапалоқдеккина газета бўлса ҳам, Масковнинг рухсати билан ташкил қилинарди).

Мен – журналистика факультетининг талабаси, ўқув амалиётини шу журналда ўтказдим.

“Гулистон” барчанинг севимли журналига айланган эди; унда луғатдаги русчаштириш ва овруполаштиришга қарши ўзбекчаштириш, шарқлаштириш учун кураш борарди: “революция” – “инқилоб”, “редакция” – “таҳририят”, “автор” – “муаллиф”, “поэзия” – “назм” ёки “шеъррият”, “проза” – “наср”, “философия” – “фалсафа” тарзида муомалага киритиларди; “Темур тузуклари” форсчадан таржима қилиниб, сонма-сон босиларди (таржимон эса Шарқий Туркистоннинг норасмий президенти бўлган, гоминданчи-босқинчилардан ўлканинг деярли 90 фоиз ҳудудини озод этган, СССР КГБси томонидан алдов йўли билан Тошкентга бир кечада олиб қочиб келинган “халқ маршали”, илоҳиётчи олим, файла-

суф ва адиб Алихонтўра Соғуний эди); инглиз тарихчи олимаси Ҳильда Ҳукҳемнинг *Амир Темур ҳақидаги китобидан парча, академик Иброҳим Мўминовнинг “Темур ва темурийлар” мақоласи шу журнал орқали халққа этиб борди; Расул Ҳамзатовнинг миллий қадриятлар ва озодликни улуғловчи “Доғистоним” асари Эркин Воҳидов таржимасида босила бошлади. “Гулистон” миллий журналга айланиб бораётган эди...*

Сиёсий ҳушёрликни унутиб, “адабий партизанлик” йўлига ўтиб кетган собиқ фронтчи, журналист-адиб Иброҳим Раҳим ўрнига болалар уйида тарбия топган, шу боис совет ҳокимиятига чин дилдан садоқатли, сиёсий позицияси мустаҳкам, эҳтиёткор деб ҳисобланган Асқад Мухтор журналга раҳбар этиб тайинланади.

Миллий зиёлилар, афкор омма Иброҳим Раҳимнинг кўлидан тушган байроқ Асқад Мухторнинг кўлида қандай ҳилпирар экан, ҳилпирармикан ўзи, деган хавотир билан жимгина кузатиб турарди.

Янги бош муҳаррир икки ўт орасида қолган эди. Гарчи партия ва халқ – бир тану бир жон, деб барча минбарлардан жар солинса-да, ҳар иккисига бирдек ёқиш амримаҳол вазифа эди.

Хўш, Асқад ака раҳбар сифатида иш бошлагач, журналда қандай ўзгариш юз берди?

Бу ҳақда ўша воқеаларнинг нафақат гувоҳи, балки фаол иштирокчиси бўлган Абдулла Шер шундай деб ёзади: “Ташқаридан қараганда, гўё журналда ўзгариш бўлгандек кўринарди: “Темур тузуклари”, “Доғистоним” тўхтатиб қўйилган, “бош муҳаррир” ўрнига – “бош редактор”, “муаллиф” ўрнига – “автор”, “таҳрир ҳайъати” ўрнига – “редколлегия” ёзиларди, олдингига қараганда замонавий материалларга

кенгроқ ўрин бериларди. Аммо синчковлик билан назар ташлаган киши журнал материаллари тобора теранлашиб бораётганини, бевосита эмас, Эзоп тилида билвосита миллий ўзликни танишга даъват этувчи, ўқувчини ўйлантирадиган мақола ва асарлар берилаётганини, миллатимиз тарихи яна ҳам дадилроқ ёритилаётганини кўриши мумкин эди”.

Шу тариқа, зоҳиран компартия Марказий кўмитасининг нашри бўлмиш “Гулистон” журнали асосан бош муҳаррирнинг ақл-заковати ва қатъияти туфайли моҳият эътибори билан эркин ва теран фикр минбарига, сўз бўстонининг чинакам гулистонига айланиб, кенг ўқувчилар оммасининг ишонч-ихлосини қозона боради.

Маънавий бедорлик, руҳий безовталиқ, халқ дардини юракдан туйиш, фаол фуқаролик позицияси, нуқтаи назарнинг кенглиги ва холислиги каби хислатлар “Гулистон”ни эл орасида машҳур ва манзур қилган эди.

Асқад ака журнал бош муҳаррирлигига тайинланаётганида Марказкўм раҳбарияти журнал ададини кўпайтириб бермоқчи бўлади. Шунда у киши кутилмаган гапни айтади: “Йўқ, униси ўзимизга қолсин. Одамлар излаб ўқийдиган бўлсин. Сиз айтсангиз, мажбуриятга айланиб қолади”.

Дарҳақиқат, қисқа вақт ичида журнал адади уч юзу эллик мингдан ошиб кетади.

2

“Гулистон” таҳририятида мусаҳҳихдан тортиб бош муҳарриргача фикр ва инсоний муносабат бобида тенг, демократия деган нарса айна шу масканда мужассам эди. Бу ерда зиёли бир муҳит ҳукм сурарди. Ижодий жамоа орасида бу даргоҳга тасодифан келиб қолган бирорта қаламкаш бўлмагани сингари, тасодифий асар ҳам, тасодифий муал-

лиф ҳам журнал саҳифаларига йўлатилмас эди. Биз – таҳририятнинг ёш, жўшқин, аммо на ҳаётини, на адабий тажрибага эга бўлган ходимлари бу борада, айниқса, муросасиз эдик. Шу боис кўплаб ночор, яроқсиз қўлёзмаларни қайтариб, бетгачопарлик қилиб, баъзи бир истеъдоди тирноқча, кибр-ҳавоси тоғча қаламкашларнинг таъна-маломатларига ҳам дучор бўлганмиз.

Бугун энди ўйлаб қарасак, адабиётга – адабиёт деб эмас, балки “умумпролетар ишининг бир қисми” деб қаралган ўша мафкуравий замонларда бизнинг бундай оташинлигимиз боис бош муҳарриримиз қанчадан-қанча босим ва тазийқларга дуч келган экан. Аммо шуни фахр билан айтишим лозимки, Асқад ака раҳбар бўлиб турган пайтда, нечоғли қийин бўлмасин, “Гулистон” журнали ўз бадиий мезонларидан ҳеч қачон чекинган эмас.

Бу даврда журнал саҳифаларида ўзбек жамиятида катта шов-шув қўзғабган қандай ўткир мақолалар чоп этилганини кўпчилик яхши эслайди.

Ўша йиллари “Гулистон” таҳририятида ишлаган яна бир таниқли адибимиз Тоҳир Малиқнинг хотиралари ҳам бу фикрни тасдиқлайди: “Асқад Мухтор муҳаррирлиги остида чиққан “Гулистон” журналини варақласак, кун тартибига қўйилган кўп муаммоларни учратамиз: кўҳна ёдгорликларни асраш, табиатга меҳрибонлик, “СЖК” (қўйларни сунъий урчитиш – таҳр.) деб аталмиш қорақўлчилик офатига қарши исён, “машинада минг тонна пахта төрди” деган ёлғонни фош этиш, амалпарастлик хасталигини кўрсатиш, пахта ҳосилдорлигини кўтариш мақсадида тупроқни, одамларни заҳарлашга қарши туриш...”

Булар осон ечиладиган, кун тартибига қўйилгани учун раҳбариятдан раҳмат ёғи-



“Гулистон” ижодий жамоаси ва муаллифлар. 1979 йил

ладиган муаммолар эмасди. Таъбир жоиз бўлса, ҳар бирининг ўтқир тишлари бор эди. Ҳар бири маълум маънода партия олиб бораётган сиёсатга қарши эди.

Кўпчилик Асқад акани “ғоят эҳтиёткор” деб таърифлайди. Бу унча тўғри эмас, эҳтиёткор одамда худбинлик, қўрқоқлик бўлади. Эҳтиёткор одам жиддий масалаларни четлаб ўтади, алёр айтиб юраверади. Журналдаги ҳар бир жиддий мақола дўст-душманларни бир сескантириб оларди. Жумҳурият раҳбарлигига, Москвага журналнинг “хато”ларини байроқ қилиб кўтарувчи мактублар оқими тўхтамасди”.

Гапнинг давомини яна ҳассос шоиримиз Абдулла Шердан эшитайлик: “Дарҳақиқат, “Гулистон” журнали Асқад ака раҳбарлигида том маънодаги миллий журналга айланган эди.

Биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов деб юрган халқ Октябрь тўнтарышигача Жўрабек Қаландарқори ўғли деган генерал

бўлгани, у бир неча ғарб ва шарқ тилларида эркин сўзлаша олгани, унинг кутубхонасидан Бартольд, Семёнов сингари шарқшунос олимлар фойдаланганини, у Фурқат, Фансуруллобек, Сатторхон Абдуғафуров, Саидрасул Саидазизов, Инъомхўжа Умриёхўжаев сингари ватанпарварлар билан биргаликда Миллий озодлик лигасини тузишга уринганини ва чор хуфиялари томонидан Қўйлиқдаги боғида сирли равишда ўлдирилганини билиб олди. Фурқат, авваллари ёзиб келинганидек, Россиянинг Ўрта Осиё устидан ҳукмронлигини қўллаб келган шоир эмас, балки миллий озодлик ҳаракати раҳбарларидан бири, Жўрабек ўлдирилмасидан бир оз олдин алдов билан, паспортсиз хорижга чиқарилиб, кейин ватан ҳудудига киритилмаган зиёли эканидан, генерал Кауфман енга олмаган қўмондон аёл Қурбонжон додҳодек мард онахонларимиз ўтганидан, Намоз Пирим ўғли, мустамлакачилар алам билан ёзганларидек,

Ўғри эмас, миллат озодлиги учун курашган халқ қаҳрамони бўлганидан одамлар “Гулистон” орқали биринчи марта хабар топган эдилар. Андижон қўзғолони раҳбари Муҳаммад Али эшоннинг дор остидаги “Мен Ватан озодлиги учун қурбон бўляпман! Яшасин озодлик! Босқинчиларга ўлим!” деган сўзлари ўзини таниган ҳар бир журналхон қалбида акс-садо берган эди.

Бу миллий қаҳрамонларимиз ҳақида ёзган Мурад Хидир, Шариф Юсупов, Ҳамдам Содиқов, Наим Норқулов, Ҳайдарбек Бобобеков сингари истеъдодли зиёлилар илк марта халққа ҳақиқатни очиб бердилар.

Ана шундай материалларни Асқад Мухтор нафақат ўтказарди, балки уларнинг муаллифларига “Гулистон”нинг махсус мукофотларини топширарди”.

3

Одатда муҳаррирлар ҳақида гап кетганда, уларнинг фаолиятига қандай жасоратли мақолаларни эълон қилганига қараб баҳо берамиз. Лекин шундай материаллар бўладик, уларни чоп этмаслик ҳам бир қаҳрамонликдир.

Бош муҳаррир сифатида Асқад ака кўксини қалқон қилиб қайтарган материалларни, афсуски, кўпчилик билмайди.

Масалан, бир гал Эркин Воҳидовга қарши каттагина мақола ёзиб келтирилади. Нима эмиш – ғазаллари эскилик руҳида, феодализмни идеаллаштирар эмиш. Албатта, бу мақола журнал юзини кўрмайди. Муаллиф жанжал кўтаради. Масалага Марказқўмнинг ўша даврдаги мафкура котиби ҳам аралашади. “Ишни катта қозонда қайнатмоқчи” бўладилар. Асқад ака қатъий туриб, барчасини босди-босди қилади. Эҳтимолки, бу воқеалардан ўша вақтда Эркин Воҳидовнинг хабари ҳам бўлмаган...

Яна бир гал атоқли олим Иброҳим Мўминовга ҳужум уюштирилади. У кишининг “Амир Темурнинг Ўрта Осиё халқлари тарихида тутган ўрни” рисоласига қарши москвалик бир “мутахассис” ёзиб келган мақола “Гулистон” журналидан қайтарилади ва охир-оқибат собиқ Марказ босими билан бошқа жойда эълон қилинади.

Адабиётшунос олим Эргаш Рустамовга қарши, диний-мистик шоир Аҳмад Ясавийни кўтар-кўтар қияпти, деган тўхмат мақоланинг “Гулистон”да чоп этилиши учун ҳам қаттиқ тазйиқ ўтказилади. Аҳвол шу даражага етадики, Асқад ака ахийри “Аввал мени бош муҳаррирликдан бўшатишлар-да, сўнг бу кишига тош отинлар!” дейишгача боради.

Асқад Мухтор раҳбарлигида таҳририятдаги фаолият – бу саккиз соатлик одатий иш эмас, тинимсиз, кеча-кундуз давом этадиган маърифий кураш майдони эди.

Эҳтимол, бугун бу гаплар муболага бўлиб туюлар, аммо ўша замонда “Гулистон”да чиқиш – ёшу қари юзлаб адиблар учун фахру ғурур, истеъдод шаҳодатномасини қўлга киритиш билан баробар эди. Бу даргоҳда унвону нуфуз деган матоҳлар ўтмас, ҳар кимнинг молига – ёзган матнига қарабгина тош-тарози қўйилар эди.

Журналда бирон қатор нарсасини бостиролмайд юраги фасодга тўлиб кетган бир “аламқаш” таҳририят ва унинг сиёсий йўли ҳақида тегишли идораларга тинимсиз шикоят ёзиб турарди.

Бир куни шу одам ҳақида, умуман, жохиллик ва нодонликнинг табиати хусусида сўз борди. Ҳамкасбаримиздан бири бояги кимсанинг қилмишларини кексалик билан боғлаб, домла яхши қаримабди, деган мазмунда фикр билдирди. Асқад ака кулимсираб лутф қилди: “Қари нодонлар осмондан тушмайди, ёш нодонлардан етишиб чиқади”.

4

Асқад акани таниган-билган барча одамлар унинг табиати, кўнгли, диди ниҳоятда нозик бўлганини эътироф этадилар.

Аммо бу нозиклик, устоз мунаққид Иброҳим Ғафуров таъбири билан айтганда, қиличнинг ўткир тигидек, керак пайтда ёмонлик ва жаҳолат томирини шартта чопиб ташлайдиган қудратга эга нозиклик эди.

Сўзимнинг исботи учун қуйидаги лавҳага кўз ташлашингизни сўрайман: “Истеъдодли шоир, носир, журналист Анвар Эшоннов (Худо раҳмат қилсин) ўша кезлардаги “отахон газета” – “Совет Ўзбекистони”да ишларди. Нима бўлдию кўзбўямачи, порахўр амалдор тўғрисида фельетон ёзиб, аждарҳонинг думини билмай босиб олади. Фельетон бўлган одам нақ Ўзбекистон Компартияси Марказий комитетининг иккинчи котиби В.Ломоносовга тегишли экан. Табиийки, фельетон асоссиз деб топилди, газета узр сўради, Анвар Эшоннов эса муҳокама қилиниб, ишдан қувилди. У “қора рўйхат”га тушган эди, бирон бир матбуот органи унинг мақоласи тугул, на шеърини, на ҳикоясини босарди – боёқиш ҳар жиҳатдан қийналарди.

Кўп истеъдодли ёшларга яхшилик қилган, ўта талабчанлиги билан ном чиқарган Ваҳоб Рўзиматов Асқад аканинг олдига кириб, Анвар Эшонновнинг аҳволини тушунтиради: “Ҳақиқат қиламан деб, тўхматга учраб, бола бечора азобда қолиб кетди, муаллифимиз, ёрдам беришингизнинг иложи бормикан?” Асқад ака “Бўлмаса, ўзининг яхши кўрган мавзуида бир ҳикоя олиб келсин, берворамиз”, дейди. Анвар ака ўша пайтларда “Европада қолган қабрлар” деган туркумда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган ўзбек аскарлари ҳақида ҳикоялар, мақолалар ёзиб юрарди. Асқад ака

“ўзининг яхши кўрган мавзуида” деганида шуни назарда тутган эди.

Анвар ака ҳикояни олиб келди. Тушириб юбордик, чиқди ҳам. Ҳамма хурсанд. Лекин икки-уч кун ўтгач, Ваҳоб ака менинг хонамга кирди, қўлида икки варақ қоғоз, рангида ранг йўқ.

– Муни қаранг, оқаси, – деди менга қўлидаги қоғозларни силкитиб, – мен кимсан Ломоносовга жавоб ёзишим керак экан. Бу нима қилгани Асқаднинг, а?! Бирор нарса деёлмадим, авзойи жуда бузук. Ҳайронман, оқаси.

– Нимасига ҳайронсиз? – дедим Ваҳоб акага далда бериш учун атайин бепарво оҳангда. – Бошлиғингиз буюргандан кейин бажарасиз-да, нима ҳам қилардик!

Ваҳоб аканинг безовталиги тушунарли эди: журнал чиққач, Анвар Эшонновдан “вето” ўзбошимчаларча олиб ташланганини кўрган Марказқўмнинг иккинчи котиби бош муҳаррир номига “Нега Марказий қўмитанинг журнали тўхматчи, ҳалол совет кишисини атайин қоралаш билан шуғулланган, жамиятимизга ёт журналистнинг маза-матрасиз материални босди?” деган мазмунда хат юборган, Асқад ака эса унга жавоб ёзишни атайин эп кўрмаганини билдириш учун бу ишни Ваҳоб акага топширган эди.

Аспида-ку, жавобни Асқад аканинг ўзи тайёрлаб, мактуб тагига “Журнал бош муҳаррири ўринбосари: В.Б.Рўзиматов” деб ёзиб қўйган эди.

Бу – В.Ломоносовга нега осмондан келсан, ўпкангни бос, деган гапни англатарди. Чунки у даврда Марказқўм котиби у ёқда турсин, ҳатто оддий инструкторга ҳам хатлар бош муҳаррир имзоси билан жўнатиларди. Бундай “одобсизлик”ка Ломоносов умрида биринчи марта дуч келган бўлса керак.



Устозлар ва давradoшлар

Хатда эса икки оғиз, совуққина қилиб, Анвар Эшонов истеъдодли ёш ёзувчи, унинг журналда эълон қилинган ҳикояси ниҳоятда долзарб мавзуга бағишланган, совет ватанпарварлиги ва халқлар дўстлигини тараннум этади, журнал саҳифаларида бундан буён ҳам шундай материалларни бериб боришни таҳририят мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди қабилидаги расмий сўзлар ёзилган эди.

Шу-шу, Анвар Эшоновнинг номи аста-секин яна матбуотда кўрина бошлади, хатга “реакция” бўлмади. Бу – Асқад аканинг улкан виждон эгаси, ҳалол, ниҳоятда обрўли инсон эканидан далолат эди. Икки орада Ваҳоб ака тарихга кирди – бошқа бирор муҳаррир ўринбосари Марказқўмнинг иккинчи котибига тенгма-тенг туриб, ишимизга аралашиб нима қиласиз, нима қилишни ўзимиз яхши биламиз деган маънода хат ёзмаган” (Абдулла Шер хотираларидан).

Вақт-соати етиб ўзбек матбуоти тарихи билан шуғулланадиган бирон тадқиқотчи халқимиз маънавий ҳаётида бутун бир даврни ташкил этадиган “Гулистон” журнали тарихини ҳам ёзишига ишонаман. Эҳтимолки, ўшанда Александр Твардовский бошқарган “Новый мир” журнали ўз вақтида рус жамиятига қанчалик ижтимоий таъсир кўрсатган бўлса, фидойи муҳаррир Асқад Мухторнинг “Гулистон”и ҳам ўзбек жамиятининг ижтимоий ҳаётига шунчалар кучли таъсир кўрсатгани янада тўлароқ очиб берилар...

1980 йили ҳаётимда ҳали-ҳануз юрагимни зирқиратадиган бир воқеа юз берди: азбаройи ёшлик ғурури сабаб, ўзим севиб-ардоқлайдиган, менга кўп яхшилик ва муруват кўрсатган, тарбият қилган кадрдон “Гулистон” жамоасидан кетишимга тўғри келди. Асқад аканинг мени бу енгилтак қароримдан қайтариш учун қилган барча ҳаракатлари зое кетди. Таҳририятнинг ҳурматли бир

ходими менинг шаънимга айтган бир оғиз ноҳақ сўз учун бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдирдим.

Кейинчалик ҳамкорим Эркин Аъзам ҳам худди шундай ҳолатга тушди ва ҳамон бундан изтироб чекиб юради.

Энди тасаввур қилинг: Асқад аканинг ўрнида бошқа ҳар қандай одам бундай шогирдларни умрбод оқ қилиб юборган бўларди. Аммо устои аввал шу қадар олижаноб, бағрикенг инсон эканки, биздан хафа бўлганини, кўнгли оғриганини сира-сира сездирмади. У кишининг бизни самимий кўллаб-қувватлашини, хайрихоҳ ва дуоғўйлигини ҳамisha сезиб яшадик.

1982 йили Эркин Воҳидов “Ёшлик” журнаliga бош муҳаррир этиб тайинланганида, ижодий жамоани қандай шакллантириш тўғрисида маслаҳат сўраб Асқад акага муурожаат қилади. У киши эса бир неча ижодкорлар қаторида ана шу икки шогирдини ҳам тавсия этади. Шу тариқа биз “Ёшлик” журналининг асосчилари сифатида янги жамоада иш бошладик.

Баъзан менга адабий силсилалар тарихида англаб бўлмас бир қонуният бордек туюлади. Ўз даврида Иброҳим Раҳим, Асқад Мухтор каби устозлар кўтарган байроқ бугун “Тафаккур”, “Маънавий ҳаёт”, янги “Гулистон” тахририятлари пештоқида ҳилпирамоқда.

5

Асқад Мухтор – адабиёт моҳиятини теран англаган ва адабиёт хусусида фикр алмашмоқ мумкин бўлган жуда кам сонли адиблар сирасига кирарди.

Бу гапим журналхонлар учун балки ғалати туюлар: ўзи ёзувчи бўлса-ю, адабиёт ҳақида гаплашмаса... Бу қандоқ бўлди?

Афсуски, қанчалик ажабтовур туюлма-син, бу – аччиқ ҳақиқат. Ўзини адиби замон

санаган кўллаб ёзувчилар имкон борича адабиёт ҳақида фикр юритмас – юрита олмас эди. Чунки уларнинг кўпчилиги, назаримда, ё адабиётни ёмон кўрарди (агар яхши кўрса, бунчалик расво ёзмасди), ёки унинг моҳияти, асл мақсад-вазифасини тушунишга ожизлик қиларди.

Бошқача айтганда, уларнинг аксариятида ўша илоҳий фазилат – зиё, зиёлилик йўқ эди. Зиёлилик – худди истеъдод, иқтидор каби Оллоҳдандир ва шу боис, ҳарчанд тиришиб-чирангани билан, аслида илоҳий зиёси йўқ кимсалар қуруқ савлат бўлиб қолаверади.

Асқад ака – ниҳоятда билимдон, хаёл ва ҳофиза уфқи бағоят кенг, излаш-изланиш ва тафаккур бутун борлигининг мазмуни бўлган улуг санъаткор эди.

Абдулла Қаҳҳор, агар Европа қаричи билан ўлчаганда ҳам, Абдулла Қодирий ижоди энг юксак талабга жавоб беради, дея таъкидлаганидек, Асқад Мухтор ижоди ҳам ХХI асрнинг адабий мезонларига кўп жиҳатдан муносиб бўлиб келмоқда.

Маълумки, у кишининг машҳур “Чинор” романида даҳо адиб Лев Толстойнинг Ясная Полянада тошкентлик маърифатпарвар Абдулаҳад қори билан учрашуви тасвирланган бир боб бор.

Бир куни устоздан ушбу ҳикоя қандай яратилгани ҳақида сўрадик.

“Бу воқеа реал тарихий асосга эга, – деди Асқад ака. – Толстойнинг кундалигида 1910 йил 24 сентябрига доир қайдлар орасида мулла Абдул Воҳид қори ҳақида бир жумла бор. Мен мулла Абдул Воҳид қорининг тәржимаи ҳолини ўрганганман. Асарда Абдулаҳад қори деб берилган. У тошкентлик, қариндошлари ҳали ҳам бор. Думага аъзо бўлган, подшога ёзган эҳтиётсиз мактуби учун Тула губерниясига

сургун қилинган. У ҳақда доғистонлик шерикларидан бирининг китоби ҳам бор”.

Кундаликка битилган бир жумладан шундай мукамал бадиий картина яратиш учун, табиийки, ижодкорнинг истеъдоди илоҳий зиё билан йўғрилган бўлиши шарт.

Асқад аканинг ўзи ёзганидек, “Одиссей арвоқларни ўзи билан суҳбатлашишга кўндирдиш учун уларга ўз қонидан бериб тирилтиради. Ёзувчи тарихий шахслар ҳақида ёзганида шундай қилиши керак”.

Абдулаҳад қори билан Лев Толстой суҳбатини тасвирлар экан, адиб улуғ мутафаккирнинг ички дунёсини, унинг изтиробли туғёнларини ниҳоятда ишонарли ва таъсирчан жонлантириб беради:

“– Мана ўша сиз айтган Столипинни олайлик. Отасини яхши билардим, ўзини ҳам болалигида тиззамга ўтқазиб эркалатганман. Ҳозир у ҳам одамларни осяпти, чопяпти. Чунки хизмати шунақа. Бу хизматга шунинг учун кирганки, ўзининг баҳоси сариқ чақа, хизматда эса йилига саксон минг оляпти. Олий табақа деб аталган бу жамиятнинг ҳаммаси шунақа, мулла. Подшоҳ ҳам мустасно эмас. Агар у ахлоқи комил киши бўлса, мен ундан илтимос қилардим: одамлараро меҳру муҳаббат ҳукмронлигини жорий этинг, деб...”

Орадан йиллар ўтиб, яна бир улкан ёзувчимиз Шукр Холмирзаев айна шу услуб, шу оҳанг билан Лев Толстой ҳақида “Танҳолик” номли жозибадор ҳикоя яратди.

“Чинор” романини варақласангиз, унинг саҳифаларида бири-биридан гўзал ва теран маъноли ривоят, ҳикоят ва қиссаларга дуч келасиз. Абу Наср Форобий ва Лев Толстой каби беназир зотлар билан хаёлан ҳамсуҳбат бўласиз. Севильядаги Дон Жуаннинг тош меҳмони сирларидан ҳайратга тушасиз. Германияда ўзбек доктори Умида Қориева-

нинг бошидан кечган ғаройиб воқеалар сизни беихтиёр тўлқинлантиради.

Юрт бошига иш тушганда ёвга қарши курашиш ўрнига тош орасига биқиниб олган кўрқоқ бир жонзотнинг охир-оқибатда ялқов ва ҳиссиз тошбақага айланиб қолгани ҳақидаги ривоят кишини чуқур ўйларга толдиради. Ўзининг фалсафий маъноси билан бу ривоят Франц Кафканинг “Эврилиш” ҳикоясига ҳамоҳангдек туюлади.

“Бухоронинг жинкўчалари” қиссаси ҳам ёзувчи тахайюл оламининг нақадар кенглигидан, адибнинг ҳар қандай тарихий маълумотга бадиий сайқал бериб, уни қайта тирилтира олишдек ноёб салоҳиятидан далолат беради.

Қиссада XX аср бошидаги Туркистон ўлкасининг маҳзун манзаралари, мустамлакачи тузумнинг маккор сиёсий фитналари, жадидчилик ҳаракатининг шукуҳли ва фожиали онлари, Файзулла Хўжаев сингари юзлаб ёш бухороликларнинг озодлик ва адолат истаб тангу тор, жинкўчаларда сарсон-саргардон кезишлари, уларнинг руҳий туғёнлари, қалб исёнлари улуғ бир ҳасрат, беқиёс маҳорат билан тасвирлаб берилади.

“Инсоф – дин соф”, дейди қиссанинг маърифатли қаҳрамонларидан бири. Аммо худбинлик ва разолат, ҳокимият учун кураш турли сиёсий кучларнинг ҳаёт матлабига айланган бу ола-тасир йилларда эзгулик, меҳр-оқибат, инсофнинг заволга юз тутиши натижасида дин “соф” эмас, тобора “соб” бўлиб бораётганини кўриб, юрагимиз қайғу-андуҳга тўлади. Таъбир жоиз бўлса, халқимиз, миллатимиз жоҳиллик, ҳирсу ҳавас, майда манфаатлар туфайли боши берк жинкўчаларга кириб қолгандек туюлади.

Асқад Мухторнинг 1958 йили – 38 ёшда ёзилган “Қорақалпоқ қиссаси” деган асари бор. Эркин Аъзам бу қисса тўғрисида ҳақ

гапни айтган: асардаги совет тузумини мадҳ этувчи, “мазмуни замонасозлик” қилиб битилган беш-олти саҳифани истисно этган ҳолда, уни бугун ҳам бемалол нашр этиш ва катта қизиқиш, завқ-шавқ билан ўқиш мумкин.

Ушбу қисса муаллифи Фарғонада туғилиб ўсган, кейинчалик европача муҳида тарбия топган бўлса-да, ўзи учун нисбатан узоқ бўлган қорақалпоқ эли ҳаётини, унинг урф-одат ва қадриятларини нақадар чуқур билиши кишини лол қолдиради.

Келинг, асардаги мана бу кичкина парчани биргалашиб ўқийлик: “Бошқарма олдидан ўтов керагалари, кигизлар, ҳар хил кўчлар уюлиб ётибди, одам гавжум. Чўл томондан кўч кўтариб келаётганларни дам ҳазил билан, дам узоқ суриштириб кутиб олишмоқда.

– Сен қайдаги, мен қайдаги, қўшилибди Шимбайдаги! Қўшинг не, томир?

– Байбише.

– Тиренгши?

– Тирем жекенсал.

– Урувинг не?

– Кенгтанау уруви, не қилди?

– Улкен урувиши?

– Улкен урувим мўйтен, оқшўлпон ўраниндан, тамғаси тапишқи.

– Мўйтен шуллуқданма, жаунғирданма?

– Шуллуқдан-ғўй.

– Арисинг ўзимизнинг кўнғирот экан-ов?

– Ҳовва.

– Э, селеметтисанг, қуда!”

Китобдан бу иқтибосни келтиргач, ўйлаб қолдим: уни ўзбекчага таржима қилиш керакми ёки аслича қолдирган маъқулми?

Бир оз мулоҳаза юритиб, бугунги ёшлар ҳам тушуниши учун бу ғаройиб суҳбатнинг

ўзбекча муқобилини берган тузук деган фикрга келдим.

“– Сен қайдаги, мен қайдаги, қўшилибди Чимбойдаги! Қўшинг нима¹, қариндош?

– Бойўғли.

– Аймоғинг-чи?

– Аймоғим жекенсал.²

– Уруғинг нима?

– Кенгтанау уруғидан, не қилди?

– Катта уруғинг-чи?

– Катта уруғим – мўйтен, ўрони – оқчўлпон, тамғаси – паншаха³.

– Мўйтен шуллуқдан тарқаганми ёки жавинғирдан?⁴

– Шуллуқдан-ку.

– Аспинг ўзимизнинг кўнғирот экан-да?

– Шундай.

– Э, саломат бормисан, қуда!”

Ҳа, энди қорақалпоқнинг уруғию аймоғини билган бўлса, Тўлепберген Қайипбергенов ҳам шунчалик билгандир-да!

Ёзувчининг “Тафт” деган кичкина ҳикоясида қаҳрамон Кобулдаги Боғи Бобур қадамжосини ва у ердаги қари тут дарахтини зиёрат қилади. Унга бу тут Бобур Мирзо даврида ўтқазилган, деб айтадилар. Қариб, йўғон танаси тамоман чириб, ўқ илдизи тупроққа айланган, лекин бир-икки шохида яшил барглар ҳали ҳам шивирлашиб турган дарахтга қараб қаҳрамон хаёлга берилади. Бу ниҳолни экканлар балки буюк бобомизни кўргандир, деб орзиқади. Тиз чўкиб, тутнинг пўстлоғи бор томонга кафтини узатиб, баданига ўт югургандай бўлади. Шу пайт унга соқчи қилиб ажратилган Маъриф деган аскар боланинг “Бўлмайдми” деган овозини эшитиб, “Ушлаш мумкин эмас шекилли”, деб хижолат тартади.

¹ “Қўшинг нима?” – қадимда ҳар бир қорақалпоқ уруғининг қўшлардан ўз тотемни бўлган, саволада шунга ишора қилинмоқда.

² Жекенсал, кенгтанау, мўйтен – уруғ-аймоқ номлари.

³ “Ўрони – оқчўлпон, тамғаси – паншаха” – қадимда қорақалпоқ уруғлари ўз ўрони (пароль) ва тамғасига эга бўлган.

⁴ Шулуқ (чиллак), жавинғир – кўнғирот уруғининг икки йирик тармоғи.

Кейин маълум бўлишича, Маъриф “бўлмайди” деганда бошқа нарсани назарда тутган экан. Унинг отаси бозорда, ўтин растасида тарозибонлик қилар, шу боис соқчи йигит ҳам ўтиннинг сифатини яхши билар экан. “Энди у ёнса ҳам тафт бермайди. Чиринди”, дейди аскар бола. Бу қари тут ҳали ёнмасдан туриб бир инсонга қанча ёниқ туйғу – тафт бераётганини у шўрлик қайдан билсин?!

Бир дарахтга қараб кимдир аждодлари хотирасини, кимдир ўтинни кўради – ёзувчи эса ҳар икки ҳолатни ҳам кўра олади.

6

Асқад ака шеъриятда ўзига хос янги йўналиш очган, новатор шоир эди. Буни ўзбек шеъриятидаги энг нигилист шоир ҳам эътироф этмасдан иложи йўқ. Шеърни худди ўтин ёргандек қарсиллатиб эмас, гўёки муҳим бир воқеани сизга ишониб сўзлаб бераётгандай, сокин бир оҳангда ўқирди. Ҳар қандай сунъийлик ёки ясамалик, артистизм у кишига мутлақо бегона эди.

Асқад Мухтор бугун адабий урфга кирган модернизм дейсизми, постмодернизм ёки бошқа “изм”ларми, ҳаммасидан чуқур хабардор, барчасидан пухта билимга эга инсон эди. Ўша даврда Иттифоқ миқёсида чоп этиладиган машҳур адабий нашрларда фаол қатнашар, ўз фикрларини дадил ҳимоя қилар эди.

Асқад ака турли тўда ва гуруҳларга қўшилмас, маишатбозлик, ошхўрликлардан йироқ юрадиган, ғоят тартиб-интизомли, ички маданияти кучли инсон эди. Эҳтимол, шу боисдир, ўзбек халқининг яна бир ардоқли фарзанди Зулфия опа адибимизни ниҳоятда ҳурмат қиларди.

Заҳматкаш устозимиз ёшлик чоғидан етимлик билан ўсган, шу боис инсон қадрини ҳамма нарсадан юксак тутар эди. Хокисор ва

мағрур эди. Бир-бирига зид бу икки хислат унинг табиатида ажиб бир тарзда уйғунлик топган эди. Том маънода камтар, камсуқум эди. Хизмат машинасидан ҳам кўп-да фойдаланмас, ишга пиёда келиб-кетарди.

Асқад ака тинимсиз мутолаа қиларди. Ўқиган китобларини доимо дўсту ёрларга, ҳамкасб-шоғирдларга, ўқувчи мухлисларига илиниб, тавсия этиб юрарди. Йиғинларда, гурунг ва суҳбатларда жаҳон тарихи, фалсафаси, санъат ва мусиқаси, классик ва замонавий адабиёт масалалари ичида балиқ сувда сузгандек эркин сузар эди.

“Зиёли инсон қандай бўлиши керак?” деган саволга мен бир оғиз сўз билан “Асқад Мухтордай бўлиши керак”, деб жавоб берган бўлардим. Раҳматли устозимизни яқиндан билган одамларнинг барчаси бу фикримга қўшилса керак.

Таъбир жоиз бўлса, у киши том маънодаги маърифатпарвар – XX асрнинг сўнгги жадиди эди. Маълумки, жадидларнинг асосий ғояси – маърифат орқали жамиятни ислоҳ қилишдан иборат бўлган.

Ноёб истеъдоди, нодир ақл-заковати билан Асқад ака шўро тузумининг чириб бораётганини сезар эди, деб ўйлайман. Устоз риё ва ёлғонга, хушомад ва қуллик психологиясига қурилган бу сохта ҳаётни юрак-юракдан рад этар, сиртдан сокин кўринган вужудининг ҳар бир ҳужайрасида улкан бир маънавий-руҳий исён гувиллаб ётар эди. У кишининг бутун фаолиятида турғун ва манфур кўникмалардан қониқмаслик, жамиятни янгилаш, ислоҳ қилишга интилиш яққол сезилиб турар эди. Аммо ўша замондаги минглаб-миллионлаб виждонли, инсофли, истеъдодли одамлар сингари, у зот ҳам ожиз, сукутга маҳқум эди. Лекин, шунга қарамасдан, бир умр ҳароратли сўзи, граждандлик позицияси билан сохта ақидаларга қарши курашиб яшайди.

Умрининг охирида Асқад Мухтор зоҳиран ўзи садоқат билан хизмат қилган, аммо унинг ғайриинсоний сиёсатидан қалби, юраги бениҳоя азият чеккан инсон сифатида совет тузуми ва унинг мафкураси ер билан яксон бўлганини кўрди. Империя вайроналари остида қанчадан-қанча юксак идеаллар, инсон тақдирлари қолиб кетганига ҳам гувоҳ бўлди.

Ҳаёт шомида саробга айланган орзумидларини назарда тутиб, аччиқ армон ва афсус билан “Ичимда нола бор”, деб ёзди...

7

Асқад ака умрининг сўнгги йилларида оғир хаста бўлди. Бунда айрим ғаразли кимсаларнинг матбуот орқали у кишига қарши уюштирган тўхматлари ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Лекин азоб-уқубатларни мардона енгиб, охириг сонияга қадар ижодий изланишдан, тафаккурдан тўхтамади. Гарчи касаллик туфайли тилдан қолган бўлса-да, беҳаловат қалби гўзаллик ва ҳақиқат саринтилишида давом этди. Буни адиб умрининг ниҳоясида битилган мўъжаз фалсафий асар – “Тундаликлар” мисолида яққол кўришимиз мумкин.

Ёдимда, икки-уч марта раҳматли устозимизни туғилган кунида – 23 декабрь куни уйларига йўқлаб борган эдик.

Асқад ака Лабзак даҳасидаги коттеждардан бирида яшарди. Бу уйда адиб ҳашамат ва дабдабага кўмилиб умргузаронлик қилган бўлса керак деб ўйлаганлар янглишади. Хонадон ниҳоятда одми ва ораста, жиҳозлари ҳам соҳиблари сингари камтарона эди. Асқад аканинг ижодхонаси ҳам ортиқча ашёлардан холи, кичкинагина бир бўлма эди.

Бир гал Эркин Аъзам билан йўқлаб борганимизда бизга “Кечаси ишланганлар, соғлиққа зарар экан, кеча уйку учун яратилган”, деб насиҳат қилди. Устознинг бизга айтган

бошқа ўғитлари ҳам бор эди. Лекин биз бошқаларига амал қилмасак ҳам, шу насиҳатига қаттиқ риоя қилдик, яъни, таассуфки, кечаси ҳам, кундузи ҳам ёлчителиб ижод қилмадик.

Яна бир сафар борсак, устоз, дарди кучайиб, қийналиб ётган экан. Лекин шунда ҳам чинакам зиёлига хос одоб ва маданият билан истиқболимизга пешвоз чиқишга қанчалик урингани асло эсимдан чиқмайди.

Вафодор умр йўлдоши Роза опа, фарзандлари жам бўлиб, у кишини шифохонага олиб кетиш ҳаракатида эдилар.



Ўша йили домла “Дўстлик” ордени билан мукофотланган эди. Юксак мукофот билан табриклаган бўлдик. Шунда, ҳеч унутмайман – Асқад ака маъюс жилмайиб, икки-уч оғиз сўзни зўрға шивирлаб айтди: “Ҳа-а... Дўстлик бор, дўстлар йўқ...”

Албатта, кичик бир мақолада Асқад Мухтор деган ижодий феноменнинг бутун моҳиятини, чинордек улкан ва улуг бу санъаткорнинг барча қирраларини тўлиқ очиб бериш имконсиз бир юмушдир.

Устоди аввалнинг вафотидан сўнг 2003 йили “Маънавият” нашриётида чоп этилган “Асқад Мухтор замондошлари хотирасида” деган китобни гоҳ-гоҳ соғинч ва армон билан варақлайман. Бу унутилмас хотираларни ўқиб, баъзан изтиробга тушаман, баъзан таскин-тасалли топаман. У кишининг вазмин, ўйчан овозини эшитгандек бўламан.

Мен муҳтарам журналхонлар, кадрли адабиёт муҳибларини, ёш дўстларимизни фурсат топиб, аввало, Асқад Мухторнинг давр синовларидан безавол ўтиб келаётган гўзал ва бетакрор асарларини, мана шундай ибратли ёдномаларни ўқишга даъват қилган бўлардим. Бу китобларни мутолаа қилган киши ўлмас сўз қудратидан, ёниқ тафаккур алангасидан чексиз баҳра олиши шубҳасиз. Ўйлайманки, дунёда бундан ортиқ маънавий ҳаловат бўлмас.

Иқбол МИРЗО



YASHIL SHAJAR

Баъзи кишиларга нисбатан “Шу одамнинг қандайдир сири бор, сурони босади”, дейишади. Шоирлар ичида ҳам шундайлари бор. Уларга рўпара келганингизда беихтиёр ўзингизни йиғиштиришга, гапларингизни тарозига солиб сўйлашга, хуллас, жиддийроқ кўринишга уринасиз. Бу ҳол у одамнинг келбати, сини-сумбати билангина боғлиқ эмас.

Хўш, Шавкат Раҳмоннинг сири, салобати нимада эди?

Устоз Шавкат Раҳмонни биринчи марта 1988 йил август ойида “Дўрмон”да ўтказилган ёш ижодкорлар семинарида кўрганман. Омадим чопиб, у киши раҳбарлик қилган гуруҳга тушиб қолибман. Толеимга бир қувонсам, адабий чиғириқдан саломат ўтаманми-йўқми деб ўн қайғураман денг. Бугунги

ёшлар тасаввур қилиши қийин: у кезлар адабиёт иши жиддий қабул қилинар, уюшма жабрдийда халқ учун “нажот қалъаси” вазифасини ўтар, шоирларга шахс сифатида қаралар ва ҳисоблашиллар эди. Камина учун ҳам шеър ҳаёт-мамот, ҳам ош, ҳам нон, бахту қайғу манбаи бўлган маҳал эди. Семинарда Шавкат акадан ташқари Усмон Азим, Хуршид Даврон, Омон Матжон, Азим Суюн ва яна кўплаб шеърят юлдузлари иштирок этиб, ҳозирги тилда айтганда, “мастер-класс” ўтаган. Назм ва наво оқшомида оташнафас ҳофиз Шерали Жўраев бошда “Менга Пушкин бир жаҳону...” деб юракларга учкун сачратиб, якунда машхур мухаммаснинг “Шоҳ Ғозийга қарам аввалгиларга ўхшамас” мақтаси билан батамом ўт-олов тутоштириб кетгани ёдимда. Ҳозир ном чиқарган тенгдошларимнинг аксари

ўшанда кашф этилган. Айниқса, дўстимиз Фулом Мирзонинг ўйноқи ва айрича латиф шеърлари тоза шов-шув бўлган эди.

Мен ўзимча анъанавий шеъриятни зерикарли топиб, услубий тажрибалар гирдобида гоҳ Рауф Парфига, гоҳ Муҳаммад Юсуфга, гоҳ япон хоккуларига тақлидан машқда юрган кезларим. Ҳозир шогирдларимга қараб, ўша тумтароқ кайфиятимни эслаб куламан: мен ҳам деярли ҳеч бандани шоир деб санагим келмас, ўз имконимни ўзимдан-да баланд ҳисоблардим. Лекин... инсоф бор-да, Шавкат Раҳмонни ич-ичимдан энг оригинал шоир деб тан олардим. Очигини айтсам, икки дақиқада манамен деганининг шоҳбайтига ўхшатиб шеър тўқиб ташлаш қўлимдан келарди-ю, Шавкат Раҳмоннинг туғени юксак, қофиялари чийралган ва яна менга аллақандай номаълум сирли шеърларига ўхшатиб ёзишга негадир ҳаддим сиғмасди.

Тобора

тушларим қизиқ тус олар,

Тобора

қисқарар қуш тушларидай.

Кўпинча учаман,

узоқ учаман

Шундоқ теракларнинг уч-учларида...

Алқисса, қуръа эълон қилиниб, гуруҳлар ажралгач, бирдан кўнглимда Шавкат Раҳмондек улуғ шоир менинг рамақижон битикларимга қандай муносабат билдирар экан, ҳарҳолда, тақлидимни илғаб қолиб, “Сиз, болажон, яхшиси, бошқа юмуш пайида бўлинг, дард ҳам, дармон ҳам йўқ”, деворса-чи, деган ҳадик бош кўтарди. Масал булким, курсдошларимиз “энг урфдаги шоир” деб Шавкат Раҳмонни билар, “Ўй-ғоқ тоғлар” китоби аксарига ёдаки – қизгин байт-баракларга асос... Тошкентга йўлга

чиқаётганимизда устоздан дастхат олиб келинг, деб китоб берворган қизларга қизиқ устида сирру салобатни унутиб, хўп деб лафз қилиб қўйган жойимиз ҳам бор.

Ўша даврда шоирлар бугунги блогерлар вазифасини ҳам ўтар, турли ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқар эди. Шеърият ҳозир “ўз кўнгли”га қанчалик кириб кетган бўлса, унда кўнглига урадиган даражада бозорбоп мавзулар қофияга солинарди. Тўғри, у шеърларнинг аксари бугун ўқилмайди, ҳатто эсланмайди ҳам. Лекин истеъдод (“Бир минг бир юз бир шоир” шеърида ўқтирилганидек) ҳар қандай муҳитда ҳам ўлмас асарларини ёзаверар экан. Шавкат Раҳмоннинг ижтимоий муаммолар акс этган шеърлари бугун ҳам ўқилмоқда, ёд олинмоқда. Ўйлайманки, эртага ҳам шундай бўлажак! Муаммо эскириши мумкин, давр ўзгариши аниқ, лекин самимий, беғараз сўз санъаткорининг қалб оғриғи юраги бор одамга таъсир қилаверади. Масалан, “*Ёвга терс қараган мусулмон эмас!*” деган ҳайқирик ёки “*Ҳар нафас мусулмон миллатим дедим*” сингари ингроқ, “*Шеър ёзиб ўлтирар лашкарбошилар*”дек шивир виждони соғ одамни бедор этиши кундек аён. Ўзбекнинг аччиқ қисмати, туркийларнинг бирлаша олмаслик фожиаси ҳақида битилган шеърлари... Ўзган, Ўш манзаралари, Барокўҳ пойида яшаб, тоққа бир бор чиқмаган инсон кечинмалари... бари-бари захролуд изтироб манзаралари, Сўз билан чизилган мангу суратлардир...

Семинарнинг ҳар кунида ўнга яқин ёш ижодкорнинг шеъри таҳлил қилинарди. Менинг ҳам эллик-олтмиш машқим жамланган

қоғозжилд уч кундан бери столнинг устида. Унинг тепасидан жилд олинган сари менинг елкамни юк босади (*“Хукм кутаётган маҳкумман, хукм кутушга маҳкумман”*). Ниҳоят, навбатим етди. Азим жўка пойида, суви тиниқ тортган ариқ лабида юрагимни ютиб турибман. Гуноҳ иш қилиб қўйган одамдек беҳаловатман. Ҳатто обрў борида кетворсаммикан, қочворсаммикан деган ўй ҳам йўқ эмас.

Лекин Шавкат Раҳмон ўзига хос сокин, сиртдан ҳаяжон бегона туюлган овози билан ёзганларимни таҳлил қилиб, ўзимга ҳам тушунтириб қўйди (Устознинг шарҳлари сўзма-сўз эсимда қолган, аммо уларни батафсил ёзсам, нокамтарлик кўринади). Гапини *“Шу боланинг изланишлари маъқул”*, деб яқунлади. Энди англасам, бу – катта шоирнинг ҳавасманд укага марҳамати, ўқисанг, излансанг яхши шоир бўлишинг мумкин, деган далда-ишораси экан. Мен қизариб-бўзариб, сўзсиз бош ирғаб туравердим. Сири босди-да устознинг, сурони босди-да...

* * *

Ўзбек шеърятига жаҳоний даҳолар таъсирини адабиёт тарихи ихлосмандлари яхши билади. Масалан, XVII асрда Оққуюнли мулкида баёт битган Муҳаммад Фузулийнинг таъсироти XIX юзйилликдаги Қўқон адабий муҳитини-да ишғол этиб, қипчоқ қавмига мансуб аксар ижодкорлар ҳам *менни бан, этмасмидим* сўзини *этмазмидим* деб озар лаҳжасида ёзишгача борган. Замондош Расул Ҳамзат баҳодир ўз халқини кўкларга кўтариб, тили, тутумлари ҳақида парвози баланд (баландпарвоз эмас!) шеърлар ёзди. Ва бу ашъор собиқ шўро даврида жуда кенг тарғиб қилинди, чунки бу хил муносабат ўша давр сиёса-

тининг бир бўлаги бўлиб, “бизда катта оға, ушоқ ини деган гап йўқ, майда миллатга ҳам бағрикенгмиз, “чули-чули”лар ўз тилини, урф-одатини, тилагини бемалол баён этиши мумкин” қабилидаги иддао бор эди. Расул оғанинг ўзига хос ижодий жасорати Иттифоқ миқёсида тарқалиб, кўп қатори бизнинг ижодкорларга ҳам юққани маълум (*“Расул шеъри учди кўп йироқ, Қанотида кумуш диёри”* каби дастлабки вариантлар бежиз яралмаган). Кейин қозоқ ва турк эли шоири Ўлжас Сулаймоннинг ижоди, изланишлари, туркийлар ва уларнинг тарихи ҳақидаги фикрлари жуда шуҳрат топди. Ўлжаснинг Алибек оқин тўғрисидаги шеърлари, ирчи руҳидаги қўшиқлари ўзбек шоирларининг янги қирралари очилишига сабаб бўлди.

Ҳар қандай шоирнинг ижодига чуқур тушиб борилса, ўзан қаердан сув олаётганини билиш қийин эмас. Фақат... Шавкат Раҳмон бундан мустасно. У мабодо бошқа манбадан таъсирланган бўлсаям, истеъдоди онқадарким, мавзуни ўзиники қилиб ҳалоллаб олган, ўзбекнинг дўпписини кўндириб, шоҳи қийиқ сириб юборган.

Шеърларидаги оҳангни қаранг: худди асов саман туёқ силтаб, булутларни тўзгитганча мовий кенгликларда учиб кетаётгандек; гўё улуғвор денгиз долға уриб сокин тебраниб тургандек; баайни бел боғлаган қамишлар бир тўқай бўлиб-бирлашиб шовуллаётгандек; андоғки, манглайи тангилган чекчи сўл тиззасини ерга тираб, бир маромда “тинг-тинг”латиб тошёзув битаётгандек; бамисли “уйқуга чўмган қўтослар” монанд тоғу дарада йирик-йирик кўзёшлар хулво баргига ёмғир шаклида тўкилаётгандек; мисоли жингиллар ҳосил қилган чаман йўлақлар оралаб оқ рўмол сирғалиб бора-

ётгандек!.. Фурубга туташ қадим Хоқония кўринишлари, тушдек тебранган азим ватан манзаралари, чирқираган тутқун руҳ чизгилари балқиб-балқиб, қалқиб-қалқиб туради бу жондан ситиб олинган сатрларда...

Шоир сўзларни қайрайди. Шоир руҳиятини нима қайрайди? Дардми, қайғуми, фожиами, тухматми? Истеъдодни қайси туйғу тоблайти ўзи? Инсон табиати ҳайратланарли даражада мураккаб. Сен яхши билган одам аслида бутунлай бошқа кимса бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида шов-шув кўтарилиб, шинғови Фарғонанинг пахта пайкалларигача етиб борган эди: “Нима дейсан, Шавкат Раҳмоннинг устидан бир гуруҳ истеъдодсизлар, ғаламислар тухмату бўҳтондан иборат хат ёзибди. Шундай миллатпарвар шоирни ёмон кўрадиганлар ҳам бор эканда?” У кезлар ўсмир ақлимиз инсонни ҳали яхши танимаганидан изтиробу тангликда қолгандик. Кейинроқ Шавкат Раҳмоннинг “Юмалоқ хат ёзмас гўзал гиёҳлар” сатри ҳаётда кўп бора исбот топди. Катта истеъдодлар тепадагиларга ҳамиша ноқулай шахс ҳисобланган. Туркийлар бирлиги йўлида Чингиз Айтматовга камарбаста бўлган, Туркистон ассамблеяси котиби, ўjar шоир Шавкат Раҳмон ҳам оқимга ҳалал бера бошлаган эди. Юмалоқ хат баҳона уни ишсиз қолдиришди.

Ҳар бир шаклланган шоирнинг ўз таянч нуқтаси бўлади. Шавкат Раҳмоннинг ўша жон жойи – имон эди. Истаган шеърини олиб қарайдиган бўлсак, имон садоларини, Билол айтган азонлар бонгини, чангак виж-

дон томирлари қийноғини, таъқибда қолган эътиқод йиғисини илғаш мумкин.

...Яшил шажар эдим...

Қандоқ соғиндим...

кўзимни яшнатса рубобий ранглар.

Қайси бир дунёга бунча оғриндим,

дилимни қаритди бесамар жанглар.

Мен жангчи эмасдим,

мен шоир эдим,

ниҳоят шоирдан кўра зобитман,

ҳар нафас мусулмон миллатим дедим,

нафсига куйганлар келди оқибат.

Ҳаромни хуш кўрган маслакфурушлар

зиғирдай ҳимматин қилганда миннат,

япроқдай сарғардим буюк урушда,

мусулмон йўқ эди,

йўқ эди миллат.

...Рубобий саболар, руҳимдан эсинг,

қайтадан уйғонсин илоҳий тугён.

Воҳ, яланг шохларим қиличдай кескир,

бир япроқ қолмаптир шивирлайтурғон...

Шавкат Раҳмоннинг сири, сурони, салобати ана шунда эди!

Инсоннинг қимматини ҳиммати ҳам белгилайди.

“Ватан” газетида ишлаб юрардик. Ойликнинг мазаси йўқ, ош-овқат шундан бемаза. Қорин оч, лекин кўнгил тўқ; бош муҳарриримиз фидойи журналист ва шоир Ёқубжон Хўҷамберди ҳар куни бўлмасаям маош оларда “Августга бориб омон-омон бўп кетади, худо хоҳласа, иссиқ-иссиқ тандирнон еб қоламиз”, деб таскин берарди. Жанговар сафда ижара ҳаёти қонига ташна қилганлар кўпчиликни ташкил этар, ёзувчи ошнам Муҳаммад Шариф иккимизда-ку на ватан, на рўшнолик, на мансаб, на мартаба умиди бор эди. Орамизда сурункали бошпанасиз-

лардан маълум ва машҳури акамик Набижон Боқий эдиким, кайфияти бўлмаса ёхуд билъакс кайфи бўлса, “Ёппасига қаламимни қўйдим, эртага уй беришмаса, бугундан мухолифатга ўтиб кетаман”, деб шўрлик бош муҳаррирнинг капалагини учиради. Бу ғиш-ғишалар адолатпарвар шоир Хуршид Давроннинг уйқусини қочирган шекилли, Дўрмоннинг чап биқинидан уюшма ажратган бинойидеккина ер-жойини куз бошида Боқий жанобларига инъом қилиб юборди. Ҳовлида тикланган бир жуфт хонақо онқадар қаровсиз қолганидан нураб-туллаб, “қовурғалари” бўртиб чиққан, шу сабаб шоирнинг кўнгилетар ошна-оғайниси томонидан “Барҳаёт фалончи мақбараси” деб номланган экан.

Алҳосил, ҳашар йўли билан сувоқдан чиқазиб, Набижон акани уйли қиладиган бўлди. Шанба куни Ёқубжон ака бошчилигида пақкада тўпланиб, юмуш тақсимладик. Раҳмон Қўчқор ошпаз, Анвар Холмат унга гўлах, Бекмурод Раҳматуллоҳ таъминотчи, Мусулмон Намоз маслаҳатчи... бўри баковул, тулки ясовул бўлди. Муҳаммад Шариф иккаламиз лойга сомон сепиб тепкилаётсак, Ёқубжон ака чой ичиб ўтирган жойидан шахд туриб қиблага қараб чопқиллаб қолди. Қозони қайнаган Раҳмон аканинг ёнида “Ярим коса зирвагидан сонг-е, ўлмайсиз, жўра”, деб тиқилинч қилиб турган Мусулмон акаям раҳбарнинг ортидан эргашди. Нима гап экан деб лойчуқурдан чиқиб биз ҳам қўшилдик. Чек жой режали улашилган чоғи, Хуршид аканинг тепароғидан Шавкат Раҳмонга ҳам ер берилган экан. Аввалроқ хонадоннинг тарҳини чиздириб, режа ипини торттириб қўйган Шавкат ака пойдевор учун хандақ қазишга чиқибди. Бош муҳарриримиз “Биз турганда сиз ер қовласангиз

уят бўлади, куракни ёшларга беринг”, деб ёпишса ҳам шоир унамади. Ғайрат билан белкуракни сопиғача ботириб, тупроқ кўпориб четга отаверди. Бирпасда кўйлаги жиққа хўл бўлиб, этига ёпишди. Аммо у буни сезмаётгандек, бир хил мошинаворий ҳаракат билан ўз хаёлига андармон, бетиним ишларди. Биз ҳам ўз юмушимизга қайтдик.

Тушлиқдан кейин “бошимизни зўр ишга бериб” қўйганимизни англадик: шунча жон чекиб деворнинг бир қулочигаям ямоқ сополмадик. Пешиндан сўнг кун оға бошлагач, журъат топиб, кетмон елкалаганча Шавкат Раҳмоннинг ёнига бордик. Йўқ, устоз бизнинг ҳам раъйимизни қайтарди: “Мендан кўра Набижонники зарил. Ўшани тезлатинглар!”

Хандақ четидаги кесак устида гугурт ва “Астра” қутиси ётибди. Уч литрли бонкада яримлаган кўк чой...

Бизнинг ҳашар бесамар кетди. Бошпана тиклаш, ватан қуриш машаққатидан, натижасиз меҳнату заҳматдан безиб қолгандек эдик. Қайтиб бел боғлашга юрагимиз бетламади.

Бир истиҳола қолди: нега шоир бизнинг кўмагимиздан бош тортди? Бизни яқинлаштирмади? Миннати бўлади деб ўйладими? Ё орзусидаги хонадон пойдеворини ўз пешона тери билан қурмоқчи бўлганмикан? Бу ҳалол ва покиза вазифани бошқа бировларга ишонмадимми?

Таниқли, обрў топган одамга эл қатори бир кимса беписандроқ муомала қилганини кўп кўрганмиз. Сабабини сўрасангиз, улар ҳамкасб ёки улфат бўлиб чиқади. Сиз билан танишгунча суратингизга эҳтиром би-

лан қарайдиган, учрашганда бесабаб илжайиб маҳлиё термиладиган укахонлар зум ўтмай тенгсиб гаплашадиган, гапингизни бўлиб икки қиладиган, тутун қайтарадиган безбетга айланади-қолади. Самимий ҳавасманддан юзиқора ҳасадгўйга дўнади. Сизнинг инсонгарчилигингизни “Ҳа, уям ўзимиз қатори одам-да”, деб изоҳласа, ютуқ-муваффақиятларингизни “Ҳа, энди, омади бор экан-да”, деб ҳафсаласиз шарҳлайди. Нега? Сирингизни бериб бўлгансиз-да, оғайни!

Шавкат ака билан бирга ишлаган кезларим у кишига бўлган эҳтиром-эътиқодим ўсса ўсдики, асло сусаймади. Ҳар бир суҳбатимиз шоирнинг янги қиррасини очар, оламга, одамга муносабати фавқулдда қатъий ва поклиги билан мени ҳайратга соларди. Билдимки, бу одам имони азбаройи саломатлиги сабаб ҳаммага бирдек ишонар, барчани ўзидек озодакўнгил санаркан. Шавкат Раҳмон бизнинг даврга аллақайси поқдомон замонлардан адашиб келиб қолган мусофирдек кўринарди.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари “кўча ҳукмронлиги” авж олди. Ўғри-чўнтакесарлар итдек қутурди. Пойтахт шевасида кучаниб дўқлайдиган, гапни айлантириб, тилингиздан тутадиган “тилчи” жўжаҳўрозлар дастидан троллейбусга чиққулиги қолмади. Айттайлик, бир сўхтаси совуқ кўзларини атай ғилайлатиб, “Нечанчи йилсан, укам?” деб сўрайди. “Олтмиш етти” деб жавоб берасиз кўникма бўйича. “Гапингга атвечат қиласанми?” деган дағдаға янграйди. “Ҳа”, дейсиз иккиланиброқ. Кейин туғилганлик гувоҳномангизни кўз олдингизга келтириб, дадиллашасиз: “Аниқ, олтмиш етти... Би-

ринчи май...” Тамом! Қармоққа илиндингиз! Тўрга тушдингиз! Сўхтаси совуқ нарироқда дастакка ўлигини ташлаган, шамалоқгул кўйлакли барзангини чорлайди: “Шоҳ, мана-вину қара, олтмиш еттинчи йилман дейди. Жавоб, дейди! Шоҳ, Бекваччага разборга оборамиз, икки мингга кирганини даказат қиберсин!” Охири енгил-елпи туртки еб, чўнтагингизни ағдариб қутуласиз. Магар бўшроқ келсангиз, яна бўйнингизга мўмайгина “соққа” илинади. Машҳур кўчабошилардан бирининг лақабини, манзилини, туғилган йилини, “Мерс”ининг рақамини ёдлаб олмасангиз, ишингиз пачава. Курк товукқа ўхшаб ижарахонангизда тухум босиб ётаверинг! Авто ўғриларини айтмайсизми! Уддабурон, чапдаст йигитчаларнинг қўли қўлига тегмайди...

Бош муҳарриримизнинг уринганроқ “Жигули”си бўларди. Шуюм назарга тушиб, ажойиб кунларнинг бирида ўт олдирмай, ими-жимиди итариб олиб кетишибди. Ака-мизнинг фиғони фалак, сочини чангаллайди. Бирортаси ҳазиллашиб миниб кетган бўлса, олиб келиб қўйдимикан, деб бизни тўртинчи қаватдан пастга ғизиллатади. Кўча кўрган журналистлардан бири Абдулла Турдиев тамакини астойдил симириб, тутун аралаш товуш билан “Оғайни, масала аниқ, мошинангизни чойхонадан дарақлайсиз”, деганда раҳбарнинг кум ўчган чеҳрасини кўриб ўта жиддий воқеа юз берганини англадик. Таҳририят мотам руҳиятига чўмди. Нима қилмоқ керак? Газет муассиси бўлган фирқа раҳбарига айтиш ноқулай. Кулиши мумкин. Мелисага арз қилиш – бефойда...

Ана шу муаммо гирдобиди кунишиб малул ўтирсак, эшиқдан Шавкат Раҳмон шахдам кириб келди. Тушкун қиёфамизга бир-бир назар ташлаб, Ёқубжон акага саволчан

қаради. Бошлиққа хижолатли бўлмасин деб ходимлар одоб билан хонадан чиқиб турдик. Икки дақиқача вақт ўтгач, Шавкат ака аввалгидай шашт билан одимлаб, лифтга йўл олди. Шаҳди азбаройи баландлигидан Бекмурод Раҳматуллоҳ ҳам эргашишга бо-тинолмади.

Газет чиқиб, елкадан юк тушган кун эмасми, котиба Севарахонимнинг туғилган айёми баҳона тушлигимиз бир оз чўзилди. “Тахририятга қайтиб, Ёқубжон акадан хабар олиб, кейин тарқаламиз, укалар”, деди Набижон Боқий ҳасратли товушда. Буйруқ олган оддий аскарлардай курантдан ўнгга қайрилдик. Ойнаванд эшикка яқинлашганимизда Мусулмон Намоз қувонч аралаш хитоб қилди: “И-е, укаарди ули! Шепти мошини қойтибди-ку! Хейла!” Суюнчи олгани тепага чопдик. Ёқубжон ака ўз курсисида ёйилиб ўтириб, хушнуд қаҳва хўплар, дераза ёнида Шавкат Раҳмон жиддий-ўйчан қиёфада тик турарди. Демак, Шавкат ака уддалабди! Набижон Боқий жўшиб кетди:

– Шавкат ака, зўрсиз-да! Қойил-е!

Шавкат Раҳмон синиқ жилмайди.

– Анавини танирмидингиз?

Шавкат ака бош чайқади.

– Унда нима дедингиз?

– Бор гапни айтдим...

Шавкат Раҳмоннинг “бор гап”и сирлигича қолди. Кейинчалик маврид топиб суриштирганимизда “Кунимизни шуларга бериб қўйдикми?” деб ғижинди, холос...

Шавкат Раҳмонга номинг ўчгур дард ёпишиб, тўшакка ётқизиб қўйган вақтлар “Дўрмон”даги далаҳовлисига кўп марта кўргани

бордик. Очиги, бу йўқлаш мен учун жуда оғир кечар, қиличдай йигитнинг чорасиз аҳволини кўриш ўта оғриқли эди. (“Осмон тўла ҳаволар, Фақат менга етмайди...”)

Бир куни дарвозадан кириб борсак, у киши каравотда ётар, раҳматли Муҳаммад Раҳмон ва яна бировлар сўрида ўтириб, гурунглашар эди. Биз ҳам салом-аликлашиб, даврага кўшилдик. Тепадаги сўриток шаббаси оралаб Шавкат аканинг юзига офтоб парчаси тушиб қолди. Муҳаммад Раҳмон “Каравотни сояга суриб қўйинглар”, деди. Бош тарафдан мен, у ёндан яна кимдир кўтарди. Мен салобатли ўша Шавкат Раҳмонни кўтаряпман, деган хаёлда куч билан даст тортибман. Гўё каравотда ҳеч ким йўқдек, шоир дард чекавериб укпардай енгил бўлиб қолган экан. Ўшанда ичимда бир нарсаси ўпирилгандек бўлди. Шавкат Раҳмон менинг ўйимдан хабардор, изтиробимдан бохабар, аммо юз-кўзи хотиржам, нигоҳлари сокин эди.

Кўп ўтмай “Шавкат Раҳмон оламдан ўтди” деган юракларни ларзага солган шум-хабар тарқалди. Жанозага жуда кўп одам йиғилди... (“Ўлимга бош эгдим қўрққан-нимданмас, Ҳурмат қилганимдан бошимни эгдим”.)

Кейин... қабристондан қайтишда одамлар бир-бирининг кўзига қаролмаётгандек туюлди. Ҳамма ўзини нимададир айбдор деб ҳис қилаётгандек. Балки, шундай адл одамга муносиб миллатдош бўлолмагани, чақириқларига жавоб беролмагани учун боши хам бўлиб, кўзлари қуйи энгандир?.. Балки, улуғ шоирнинг бизга номаълумлигича қолган сири ҳаммамизнинг елкамиздан баравар босгандир?..

Абдуқаюм ЙЎЛДОШ



НОМИҶ

Ўзбековулнинг кунботар тарафида жойлашган, туманда ягона ҳунар билим юрти директори Амир Хонкелдиев битирувчи босқич ўқувчилари математика дарси ўтаётган хонага ҳовлиқиб кириб келасола, на салом бор ва на алик, қўлида бўр билан доска олдида туриб қолган ўқитувчига ваҳимали оҳангда буюрди:

– Дарров у ёқ-бу ёқни тузатиб олинг-чи!

Айнан қаёқни тузатиб олиши лозимлигини англаёлмаган муаллим ҳар эҳтимолга қарши бўрни жойига қўйиб, қўлини артди-да, стол устидаги гуруҳ журналини ўнглаган бўлди. Бу орада оёққа қалққан ўқувчиларни синчков назардан ўтказишга улгурган директор нордон нарса егандай афтини буриштириб, беҳад норози тарзда бошини бир-икки чайқаб қўйиш асносида илдам бориб нечундир эшикнинг катта-кичик иккала тавақасини ҳам ланг очди ва йўлакка чиқиб, ўнг қўлини кўксига қўйганча баайни қобил аскардай ғоз қотди.

Туяни шамол учирса эчкини осмонда кўр...

Директорники оёғи куйган товукдай питирлатиб қўйган текширувчи кимлигини билишга қизиқиб қолган ўқувчилар ҳам бўйинларини чўзиб-чўзиб ўша томонга илҳақ кўз тутдилар.

Алоҳа аввал зинадан “тап-туп”, сўнг тахта тўшалган йўлакда “гум-бур-гумбур” овозлар эшитилди.

Ранги сезиларли даражада оқариб кетган директор қўлини кўксидан олмай қаддини сал эгди.

“Гумбура-гумбур” яқинлашди ва ниҳоят юм-юмалоқ, тўнтарилган қозон боғлаб олгандай улкан қорни осилиб қолган қирқ-қирқ беш ёшлардаги бир киши ҳарсиллаб-пишиллаганча лапанглаб кириб келдию тўғри бориб ўқитувчининг стулига ўзини ташлади. Стул аянчли ғичирлади, лекин, ҳарқалай, камида етти-саккиз пуд вазни кўтарди.

– Хў-ўш, – деди эшик тавақаларини бу гал оҳиста ёпиб, оёқ учида юрганча текширувчи қошига келган директор қўлларини бир-бирига ишчан қиёфада ишқаркан, тантаналироқ гапиришга уриниб. – Ҳурматли ўқувчилар! Бугун сизнинг олдингизга туманимиздаги энг илғор, энг яхши фирмалардан бири бўлган “Саломат” корхонасининг бош директори ҳурматли ўртоқ Азизжонов Суннатуллажон ака ташриф буюрди. Биз ҳаммамиз бундан хурсандмиз. Суннатуллажон ака катта ҳиммат кўрсатиб, билим юртимизга спонсорлик, яъни ҳомийлик қилишни зиммасига олди. Шундайми, Суннатуллажон ака?

Ҳали нафасини ростлаб улгурмаган Суннатулла ака аталмиш ҳомий бошини қимирлатиб, “бурк” деганга ўхшаш садо чиқарди.

– Шундай экан, ҳурматли ўқувчилар, биз ҳаммамиз бундан жуда хурсандмиз. Ишонамизки, – шу ерга келганда директор, афтидан, қайдадир ўқиган маърузасини эслаб, бир муддат тин олди ва қолган сўзларни силлиққина, ҳеч бир адашмасдан тўкиб солди: – маърифатга сарфланган ҳар бир сўм фуқаропарвар ҳомийга улкан иқтисодий ютуқлар ва муваффақиятлар омили бўлиб хизмат қилади.

Нутқдаги хулоса оҳанги таъсиридами, орқа партадаги ўқувчилардан бири қайтиб жойига ўтираётган эди, директор шу томонга қараб ёмон ўқрайди. Буни илғаган ўқувчи яна “смирно” ҳолатига келди-да, айбини шу заҳоти бирийла ювиб қўяқолиш мақсадида чапак чалиб юборди. Қолган болалар ҳам унга эргашишди.

– Раҳмат, – деди ёқимли ташаббусдан мамнун бўлган директор ҳамон кўксига турган ўнг қўлини юқори кўтариб, чапакбозликни тутатаркан.

Гап навбати ўзига келганини англаган чоғи, ҳомий оғир қўзғалиб ўрнидан турди-да, шишиб кетган қабоқлари орасидаги бит кўзларини йириб очиб, меъдасига зиғир ёғдай урган чучмал сўзлардан иборат нутқини ўлганининг кунидан, беҳафсала тарзда ирод қилишни бошлади:

– Азиз ўқувчилар... Ўқинглар, болалар. Яхши ўқисаларинг яхши бўлади. Ўқишга борсаларинг кириб кетаслар...

Дабдурустдан ҳаяжонланиб кетган директор орага суқилди:

– Айтгандай, яна бир янгилик, ҳурматли ўқувчилар. Суннатуллажон акамиз яна бир катта иноят кўрсатди. Ораларингдан кимлар агар билим юртимизни битириб, олий ўқув юртига ўқишга кирса, Суннатиллажон ака ўз корхонаси, шахсан ўз номидан, шахсан ўз номидан... – Директор аниқ миқдорни айтиб қолар деган илинжда бир-икки бор ҳомийга термулди. Аммо ташқаридан тепса-тебранмасдай туюлган Суннатулла ака деганлари пул масаласида анча-мунча пишиқ ишбилармонлардан шекилли, ҳеч нарса эшитмаган каби пинак бузмай тураверди. Шу боис ноилож қолган директор гапнинг суробини тўғрилаб кетишга мажбур бўлди: – Шахсан ўз номидан маълум миқдорда маблағ бериб турадиган бўлди. Шундайми, Суннатуллажон ака?

Ҳомий бу сафар ҳам ҳеч қандай маъно англатмайдиган “бурк” этганга ўхшаш овоз чиқарди.

– Лаббай, Суннатуллажон ака? – дея директор ним эгилиб, қулоғини ҳомийнинг оғзига тутди.

– Фақат экономикага кирганларга, фақат бир кишига, фақат бир марта, фақат ўзимга қайтиб келиб ишлаш шарти билан... – дея пишқирди ҳомий.

Директор бу шартларни овоза қилиб ўтиришни лозим кўрмай, янада баландпарвозроқ оҳангга ўтди:

– Демак, биз ўқувчилар бундай серҳиммат, фуқаропарвар инсонлар, қолаверса ота-оналаримиз, ака-опаларимиз ишончини оқлаш учун нима қилишимиз керак? Яхши ўқишимиз керак!

Яна қарсакбозлик бўлиб кетди. Бундан руҳландими, ҳайтовур, ҳомий сал чиройи очилиб, илжайгандай бўлди ва одатда мажлисларда, раҳбарлар олдида айтиладиган сийқа гапларни унутиб, одамбашара тилга ўтди:

– Менга ҳоким бова кўп жойларни айтди. Боғчаям қолмади, мактаб ҳам, балнисаям. Бари “берсанг ейман, бермасанг ўламан” деб турибди. Мен шу училишани аввал бир бориб кўрай-чи, сўгин гаплашамиз, дедим. Мен пулини бекорга совурадиган аҳмоқлардан эмасман. Пул топиш осонмас, пулни совуриш осон...

– Миннатдоримиз, Суннатуллажон ака, – дея яна бир бор чуқур эҳтиромини намоиш этмоқчидай тавозе ила эгилиб қўйди директор. – Бу яхшилигингизни бутун билим юрти коллективи, бутун ўқувчилар жамоаси ҳеч қачон унутмайди. – Салга тўлиқиб кетаверади директор энди жиловни бутунлай қўлдан чиқариб юборди. – Ўз навбатида биз сиздан қарздор бўлиб қолмаймиз. Боя ваъда берганимдек, Суннатуллажон ака, корхонангизнинг қандай иши бўлса айтинг,

биз “лаббай” деб жавоб берамиз. Олма теришми, узум теришми, олмақоқи қилишми, пахтами, қурилишми, молларга қарашми – биз ҳамма-ҳаммасига тайёремиз. Биз сиз айтган заҳоти етиб борамизу, ёшлик шиддати билан керак бўлса бир кун, керак бўлса ўн кун, керак бўлса қирқ кун ҳашар қилиб ташлаймиз. Тўғрим, хурматли ўқувчилар?

Узун-қисқа “тўғри... ҳа...” деган товушлар эшитилди. Бу мужмал маъқуллов директорни қониқтирмади шекилли, ўқувчиларга ўқрайиб қараб қўйгач, ҳомийни қизиқтиришнинг, уни чиндан ҳам билим юртига ҳомий қилиб олишнинг янгидан-янги йўлларини излай бошлади. Ва топди ҳам.

– Бунинг устига, Суннатуллажон ака, – дея алоҳида урғу билан таъкидлади ногаҳоний топқирлигидан мамнунлик туйиб, оғзининг суви қочиб кетган директор, – бунинг устига биз сизни мақтаб газетага ёзамиз, радио-телевизорга ёзамиз!

Ҳалидан буён бу мижғов тезроқ гапини тугатсаю юмушимга жўнай қолсам дегандай бетоқатланиб турган ҳомий туйқус сергак тортди:

– Газитга?

Директор ишшайди:

– Ҳа, ҳа, газетага! Ахир мен сизни бу ерга бежиз опкирмадим, Суннатуллажон ака. Бизнинг ишончимиз бўлган ушбу битирувчи гуруҳимизда ўз шоирларимиз, ўз журналистларимиз бор. Улар сизни ёзмаса, кимни ёзади ахир!

Ҳомий директорга ишонқирамай қаради:

– Газитга?

Қалам аҳли вакилларини кўпликда айтиб юборганидан заррача хижолат чекмаётган директор яна жўшди:

– Газетага! Радиога! Телевидениега! Халқ билсин ўз қаҳрамонларини!

Ниҳоят, юзида чинакам қизиқиш унсурлари пайдо бўлган ҳомий қайтариб сўради:

– Газитга?

– Ҳа, ҳа, Суннатуллажон ака! Газетага ёзамиз! Бутун жамоамиз номидан, норасида болалар номидан ёзамиз! – Ҳомий эътиборини ўзига жалб қила олганини сезган директор тамомила илҳомланиб кетди-да, кўрсаткич бармоғини бигиз қилиб орқароқда турган бир ўқувчи қизни кўрсатди: – Мана, қаранг – фаҳримиз бу! Шеър ёзади. Зўр шеърлари район газетасида чиққан, область газетасида чиққан, “Гулхан” деган, “Ёш куч” деган журналлардаям чиққан. Айтамиз, зўр қилиб ёзиб беради. Керак бўлса бир кунда сценарий ёзиб беради, биз корхонангиз ҳақида саҳна асари тайёрлаб ташлаймиз. – Дирек-

торнинг товушида “қилт” этган сохталик сезилмади. Тўғриси айтганда, у киши ҳақиқатни гапирмоқда эди. Бундан икки ой бурун, ҳокимият тавсия этган бир ҳомий билим юртига келиши маълум бўлиб қолганда директор бошчилигида жамоа ярим соатлик саҳна асари тайёрлаб, ўша корхона ва, табиийки, бошлиғини кўкларга кўтарган эди. Шеър, маълумотлар, қўшиқлар, рақслар, миннатдорлик, дил изҳорлари қоришмасидан иборат бу асарни ҳеч ўйланиб ўтирмасдан шартта қайтадан саҳнага олиб чиқса бўлаверади, фақат у ердаги ном ва исмлар ўзгартирилса бас... – Керак бўлса, билим юртимизда имзо йиғамиз. Бир куннинг ўзида тўрт юз имзо тайёр деб ҳисоблайверинг. Бир кун ҳам гапми, керак бўлса, бир соатда! Керак бўлса, мен шахсан ўзим олиб бориб бераман раҳматномани керакли идораларга. Қани, коллективнинг фикрини инобатга олмай кўришсин-чи! Қани, – дея илҳомланиб кетган директор ўзига бағоят чиройли туюлган иборани иккинчи бор лаззатланиб тилга олди, – норасида болалар фикрини инобатга олмай кўришсин-чи!

– Да-а, – деди нечукдир қуйи дўрдоқ лаби усткисидан бир энлик чиқиб турган ҳомий кўзларини сузиб, бир нималарни мулоҳаза этиб кўраркан. – Идея...

– Ёзамиз! – деб учрашув давомида биринчи бор кўкрагини ғоз керди директор. – Керак бўлса уюштирамиз. Бу ёққа, бу ёққа чиқ, Ойсулув.

Лекин Ойсулув деганлари ўртага чиқмади – кўзини ердан узмай жойида тураверди. Ҳомийнинг ҳам қиз томон қизиқсиниб қараб қўйганини кўрган директор мақтовга зўр берди:

– Шеърларни қарсиллатиб ўқиб ташлайди. Мукаррамахонимдан қолишмай ўйнайди. Фахримиз бу! Худо хоҳласа, бу йил журналистикага кириб кетса, сизни катта-катта газеталарга ҳам ёзади. Ахир, Суннатуллажон ака, ҳамкорлигимиз бир-икки йил эмас, доимий бўлиб қолади-ку, шундай эмасми?

Директор ташлаган қармоққа дарров илиниб қўяқолмаган ҳомий ўрнидан оғир кўзғалди ва “билим юрти фаҳри”ни шахсан ўзи бориб кўришдек шарафга ноил этгиси келдими, қиз томон юрди. Директор пилдираб ҳомийга эргашди.

Э ёронлар, ўн етти ёшли қизнинг хунуги бўладими, деган экан бир қаламкаш. Ойсулув ҳам... чиндан-да сулув эди. Юзи тиниқ, қошлари қалдирғоч қанотидай, узун-узун киприклари қуюқ, ҳеч қандай бўёқ-мўёқ сурилмаса-да, ғунчадек қип-қизил лаблари тагида биттагина мошдек хол, иягида хуснини яна ошириб турган чуқурча, зулукдай қоп-қора соч деганингиз елкани шалоладай қоплаб турибди, яна оп-

поқ либосда, балоғат остонасидан ўтайинми-ўтмайинми деб ноз ила ер чизиб турган маликалик пайти...

Хуллас, ҳомийнинг-да кўнгли суст кетди чоғи... қорнини андак ичкарига тортишга уринганча пишқириб нафас чиқараркан, отжал-лобдай синчковлик билан қизга бошдан-оёқ разм солди. Кейин, кўнгли тўлиб, "маъкул" маъносида бош ирғаб қўяркан, баногоҳ калта-калта нафас олган кўйи бош эгиб турган "билим юрти фаҳри"нинг билагидан оҳиста ушлади, илон чаққандек сесканиб кетган Ойсулув кўлини кескин силтаб ташлашга уринаётган маҳал:

– Чим-чим еган лабингдан! – деб юборди ёввойи завқ билан.

Директор донг қотиб қолди...

Э ёронлар, қиз билим юртида ўқиса, бунинг устига битирувчи гуруҳда бўлса, бунинг устига фаришта мисоли сулув бўлса, бунинг-да устига бутун ўқув юртининг норасмий маликаси бўлса – бундай қизнинг ошиғи бўлмайдами! Бундай қизнинг сон-саноксиз ошиқлари орасида маҳзун нигоҳини ундан олиб қочиб юрадиган тортинчоқ гуруҳдоши бўлмайдами!..

Мухтасарки, буларни кўз қири билан кузатиб турган шундай қони қайноқ ошиқ йигитчалардан бири чидаб туролмасдан паканагина ҳомийнинг йўғон бўйнига орқадан мушт туширди. Мункиб кетган ҳомий ўз залвори билан директорни ичига пат солинган қопдай нари учуриб юборди.

Яхшиямки, буларнинг бари оний лаҳзалар ичида, ўрта қаторнинг охирги партаси ёнида содир бўлиб ўтди. Яхшиямки, одобли болаларга хос тарзда тўғрига ёхуд қуйига қараб турган ўқувчиларнинг деярли бариси тўқнашув не боисдан юз берганини илғаб ололмади.

Мияси фавқулодда тез ишлаб кетган директор эса мана шу имкониятдан жамоа манфаати йўлида фойдаланиб қолишга аҳд қилди-да, дарҳол бузғунчи болага қараб ўшқирди:

– Кўзингга қараб юрмайсанми, ҳайвон! Ўтаман десанг бошқа йўл қуриб қолганми? Бор, чиқ, борадиган жойингга тез бор, тоза ўлиб қолаётган бўлсанг!

Э ёронлар, ўн етти яшар ўсмирнинг-да зеҳни ўткир бўлади. Ошиқ йигитча директорнинг доғули қилиғи маънисини англади ва шу билан бир қаторда суюклисининг шарманда бўлмоғидан кўра ёпиғли қозон ёпиғлигича қолмоғи мақбул эканини ҳис этиб, партани айланаб ўтасола ташқарига отилди.

Йўлакда тез-тез узоқлашиб бораётган қадам саслари тингач, рў-молчасини олиб, терлаб кетган пешонасини артган директор ҳеч нарса бўлмагандай мулозимлик билан ҳомийга мурожаат этди:

– Суннатуллажон ака, бир пиёла чойимиз бор эди.
– Қайирда? – деб сўради тутқунга тушган кабутардай қалт-қалт титраётган, юзи қўрқув, нафрат ва номус ҳисларидан лов-лов ёнаётган Ойсулудан кўз узмаётган ҳомий.

– Кичгинагина ошхонамиз бор. Пастда. – Ҳомийдан яна недир юлиб қолмоққа чоғланган директор ялтоқи оҳангга ўтди: – Уч-тўрт куб тахта, йигирма-ўттиз кило бўёқ берсангиз эди, ўз кучимиз билан ошхонани янги қилиб олардик, сиздай азиз меҳмонларни ҳеч тортинмасдан таклиф қилиб...

– Бераман! – дея директорнинг гапини чўрт кесди ҳомий. Сўнг, яна қуйи лабини усткисидан бир энлик каттароқ қилиб, кўзларини сузганча бир муддат ўйланиб қолгач, неларнидир хомчўт қилиб улгурди шекилли, сўради: – Гурпуада қанча бола ўқийди?

– Йигирма битта.

– Йигирмата экан, – деб хулоса қилди ҳомий.

– А? – Директор аввалига тушунмади, кейин бояги исёнкор бола ҳисобдан чиқарилганини англаб ва англаганини кўрсатишга уриниб маънодор тарзда ишшайаркан, тасдиқлади: – Тўппа-тўғри. Ровно йигирмата!

– Ҳар битта болага уч юздан бераман!

Директор бу қадар ҳотамтойликдан ҳайратга тушиб, тили калимага келмай қолганини ифодалаш учунми, кўзларини катта-катта очишга ва уларни чақнатишга уринди. Болалар орасида эса шовур-шувур кўтарилди.

Ҳомий бунга эътибор ҳам бермай яна директорга марҳамат кўрсатди:

– Пулни шахсан ўзингиз тарқатасиз!

Бу сафар директор ўзида забон пайдо бўлмоғини мақбул кўрди:

– Э, раҳмат, минг раҳмат, Суннатуллажон ака. Кўнглим сезувди...

– Бир журналист қанча пул олади? – дея дабдурустан сўраб қолди ҳомий.

Директор гарангсиди:

– Билмадим энди аниғини... Ҳарқалай, икки-уч мингга борар. Яна гонорариям бордир. Яна... у ёқ-бу ёқдан тушиб турса... Район газетасида бир танишим бор. Сира пулга ёлчиганини кўрган эмасман. Қачон қарасангиз қарз сўрагани...

– Мен беш минг бераман! – дея гулдираб эълон қилди гапида ишбилармонлик оҳанглари пайдо бўлган ҳомий. – Шу қиз менинг фирмамга секретарликка ишга борсин. – Ушбу қарордан кейин ҳомий овозини пасайтириб, тўнғиллашга ўтди: – Сичқон сиғмас инига... Шу

замонда ўқишга бало борми! Йўл пулининг ўзи унча-бунча одамни чақиб ташлайди...

– Тўппа-тўғри, Суннатуллажон ака, – дея ҳиҳилади не қилиб бўлса-да ҳомийнинг кўнглини олишга уринаётган директор. – Ҳозирги замонда гап дипломда эмас. Мана, масалан ўзингиз, тўлиқсиз ўрта маълумот билан не-не олий маълумотлилар қилолмаган савоб ишларни қилиб юрибсиз. Қолаверса, ўқишнинг сиртқи бўлимиям бор. Қайтанга, шу формаси яхши. Сизникидек катта фирмада котибами ва ёки пресс-секретарми бўлиб ишлаш эса, ўйлашимча, бизнинг ҳар бир ўқувчимиз учун шараф...

– Кетдик бўлмаса, – деди ҳомий чўнтагидан калит чиқариб директорга тутаркан. – Биронтасини юборинг, машинанинг ичида у-бу нарса бор. Ҳаммасини обкелаверсин. Бир ўтирайлик столовойингизда... ҳали янги бўлмасидан бурун!

– Иншоолло, иншооло. Илоё айтганингиз келсин...

– Мен сизга ишга бормайман! Юз минг берсангиз ҳам!

Келишувни “имзоланган” ҳисоблаб, энди эшик томон юрган ҳомий жойида таққа тўхтади. Гапирган Ойсулув эди. Ҳомий ўғирилди. Ҳамон иситмаси бор бемордай бўғриқиб, титраб-қақшаб турган қиз ҳомийга ўқдек тикилиб турарди.

Ҳомий недир демоққа чоғланди.

Лекин ҳомийнинг қисик кўзлари янада қисилиб кетганини кўрган директор чаққонлик билан унинг билагидан тутиб эшикка бошлади. Унчалик ҳафтафаҳмлардан бўлмаган ҳомий директорнинг сирдошларча билак қисиб қўйишидан “Ҳали... гаплашамиз, сиз парво қилманг, бу ёғини менга қўйиб беринг...” деган маъноларни туйгач, бош ирғаб қўйиш билан кифояланди-да, ўрдақдай лапанглаб эшик сари юрди.

“Гумбур-гумбур” қадам товушлари тингандан сўнггина болалар ўринларга қайтиб ўтиришди.

Доска ёнида бўғриқиб, полдан кўз узмай туриб қолган муаллим алоҳа бошини кўтарди, титраётган бармоқларига ўқувсизлик билан бўрни олди.

– Нимада тўхтаган эдик?.. Ҳм-м... ҳа... Демак...

Ўқитувчи сабоқни ора-сира нимагадир алаҳсиб қолаётгандай гапидан тутилиб-адашиб, болаларнинг ўзаро ажабланиб кўз уриштириб олишаётганини ҳам пайқамасдан давом эттирди.

Қўнғироқ жиринглади. Муаллим одатига зид равишда хайрлашмай эшикдан чиққан заҳоти директорнинг котибаси қуюндай отилиб кирди-да, Ойсулувни директор ошхонада кутиб турганини эълон қиласола яна ёв қувгандай учиб орқасига қайтди.

Ўқувчиларнинг нигоҳи китоб-дафтарини йиғиштираётган Ойсулувга қадалди. Ойсулув миқ этмай сумкасини елкасига осди-да, эшикка юрди.

Худди шу маҳал, баайни олдиндан келишиб олгандай, қизнинг гуруҳдошлари ўринларидан туриб, эшик ёнида ғуж бўлиб олишди.

Ойсулув ҳайрон бўлиб, жойида тўхтади.

– Қаёққа? – деб сўради гуруҳдошлардан бири.

– Йўл бўлсин? – деди иккинчиси.

Миясида санчиқ турган Ойсулув ҳатто саволни кимлар берганини ҳам англаб ололмади.

– Ётоққа. Бошим оғрияпти.

Ногаҳон Ойсулувнинг кўз ўнгида гуруҳдошларининг чехралари чайқалиб суза бошлади, у қиёфаларни бир-бири билан чалкаштириб юборди, тўғрироғи, қизнинг қаршисида бир тўда қиёфасиз оломон пайдо бўлган эди.

– Кўнғизга арпа уни баҳонами... Бориб чой-пойига қараб турсанг ўлиб қолмасан!.. Нима, сенинг касрингга шундай олижаноб ҳомийдан ажралиб қолайликми?!

– Ўзингизни тарозига солаверманг! Мана, мен жон-жон деб борган бўлардим!

– Э, сенга кимнинг кўзи учиб турибди, тасқара?!

– Тўғри-да, иш берса, катта ойлик берса, бундан ортиқ яна нима керак ахир?.. Э, ўргилдик сендақанги ноз-финоқли ойимтилладан! Олти минг осмондан тушиб қолмайди, шусиз ҳам стипендия олмаганимизга қанча бўлди-ю!..

Қиёфасиз тўда бошламасига Ойсулувнинг сумкасини юлқиб тортиб олди. Сўнг итариб-туртиб, сочидан тортиб, баданини ўйиб олгудай чимчилаб, кўз олдини дамо-дам оқиш туман босаётган, шуурсиз-караҳт аҳволига қарамасдан қаршилиқ кўрсатишга уринаётган Ойсулувни эшиқдан суриб чиқаришга ҳаракат қила бошлашди.

Мўрт вужудига ёпишган ўнлаб чангалдан халос бўлолмаётган, сочи тўзғиб кетган Ойсулув эшик кесақисини жон-жаҳди билан чангаллаб олганча, вужуди қалт-қалт титраган кўйи ўзини ҳимоя қилишга уринарди.

Шу маҳал эшик очилди ва одатига кўра шошиб кириб келган директор Ойсулувга қараб:

– Бораётганмидинг? – деди хушҳол илжайганча. – Баракалла, қизим. Юрақол, меҳмон кутиб қолмасин...



Нусратулло ЖУМАХЎЖА

ASRLAR G'AMINI SO'YLAR "MUNOJOJOT"

Мақом халқ томонидан яратилган ва сақланган умрзоқ мусиқий бисотдир. Унда миллатнинг имон-этиқоди, олис тарихи, қисмати; ўкинч ва изтироб, муҳаббат ва хижрон нидолари; истиқбол ҳақидаги ўйлари, орзу ва армонлари бутун мураккаблиги билан мукамал ва ёрқин акс этган. Мақомлар халқ руҳияти, менталитети, характери, дунёқараши, табиати, ахлоқ-одоби, миллий мафқурасининг ўзига хос қомусидир. Шунинг учун миллий руҳдан узоқ одам бу хос мусиқани тингламайди ҳам, англамайди ҳам. Мақом мафқурани шакллантирадиган ноёб воситадир.

Илгариги замонларда мақом деганда фақат мусиқа тушунилган бўлса, ҳозир мақом куйлари билан айтиладиган ашулалар тушунилади. Мумтоз шеърларнинг мақом куйларига боғланишини назм ва навонинг пайванд этилиши, яхлит куймаси деса бўлади. Ҳофизларимиз гўёки


мўъжизани мўъжизага вобаста этиб, икки карра мўъжиза яратганлар. Бу ашулалар миллий адабий меросни халқ онги ва руҳиятига сингдиришга ҳам катта ёрдам беради. Шарқ ва ўзбек классик адабиёти, модомики, ғоявий-мафқуравий жиҳатдан ислом этиқоди ва тасаввуф таълимотига асосланган; тасаввуф – комил инсон ҳақидаги таълимот экан, демак, мумтоз шеърят билан уйғунлашган мақом ҳам ўша таълимотнинг юксак мусиқий ифодасидир. У умуминсоний моҳият касб этиб, миллатидан қатъи назар, тингловчида олижаноб туйғуларни тарбиялайди.

Адабиётшунослар талқинида, бадиий асарни қиёмига етказиб ифодали ўқиш – ярим таҳлил, деган нақл юради. Ҳақиқатан, шеър вазнга солиб ўқилса, маънони англаш осонлашади. Арузий шеърнинг мақом куйларида ижро этилиши ҳам матн мазмунининг янада кенгрок идрок этили-

шига хизмат қилади. Шахсан мен ўзбек мумтоз адабиёти мутахассиси бўлишимни мақом куйлари билан айтиладиган шеърлар таъсирисиз тасаввур этолмайман. Умуман, классик адабиёт таълимида мақом ашулаларини эътиборга олмаслик кам самара беради. Адабий таҳлил учун ҳам мақом куйлари билан айтиладиган ғазал ва бошқа жанрлардаги лирик асарлар танланиши мақсадга мувофиқдир. Дарсда таҳлил қилинган шеърнинг мақом йўлидаги ижроси ҳам синфда эшиттирилса, билимни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ҳозир мактаблар техник жиҳатдан яхши жиҳозланган – бунга имкон бор. Замонавий педагогик технология ҳам шуни тақозо этади.

Биз 10-синф "Ўзбек адабиёти" дарслиги "Навоий лирикаси" қисмини ёзганимизда, юқоридаги мулоҳазалар асосида, "Ўн сакиз минг олам ошуби ағар бошиндадур" мисраси билан бошланадиган ғазал таҳлилидан сўнг "Савол ва топшириқлар" сирасида шундай вазифа берганмиз: "Шу ғазал асосида яратилган ва Берта Давидова томонидан ижро этилган ашулани дарсхонада тинглаб, мутолаа қилинг". "Қаро кўзум" таҳлилидан кейин эса куйидагича савол ва топшириқ берилган: "1. "Қаро кўзум" ашуласини дарсхонада биргаликда тинглаб, мутолаа қилинг. 2. Ушбу ашулани кимлар ижро этган? Кимнинг ижроси сизга кўпроқ ёқади? Ғазалнинг бадиий мазмуни кимнинг ижросида тўлароқ юзага чиққан?" (Қосимов Б., Жумахўжа Н. *Ўзбек адабиёти. 10-синф учун дарслик. Тошкент, "Ўқитувчи", 1999 йилги ва кейинги яна уч нашри, 55-93-бетлар.*) Аммо дастур ва дарслик талабига қандай амал қилиняпти – бу бизга қоронғи.

Адабий таҳлил жонли ижро билан такомиллаштирилса, нур устига нур бўлади. Ҳаётда шундай муаллимлар ҳам бор. Сўз санъати сабоғини бундай ўқитувчилардан



олиш – бахт. Масалан, бизга дарс берган муаллимимиз Саида Бақоева ҳассос қалб, жарангдор овоз соҳибаси эди. Сабоқ орасида Навоийнинг "Ул сарви гулрў келмади", Фурқатнинг "Сайдинг кўябер, сайёд", Ҳамзанинг "Ўзбек хотин-қизларига" ашулаларидан парчаларни жаранглатиб ижро этганлари ҳамон қулоғимда. Бизнингча, олий ўқув юртларида тил-адабиёт йўналишида мақом бўйича махсус курслар ўтиш; консерватория, санъат ва маданият, мусиқа йўналишида эса адабий таҳлилни кўпайтириш ҳамда кучайтириш лозим.

Санъат ўқув даргоҳларида мақом сирларини махсус, бинобарин, моҳир ҳофизларимиздан бевосита ўрганиш юқори натижа беради. Улар юксак ижро маҳоратига ҳам, мумтоз адабий асарлар ҳақидаги олий эстетик дид ва билимга ҳам эга. Бунда матбуот ҳам катта аҳамият касб этиши мумкин. Масалан, мақом устаси Берта Давидованинг икки энлиқкина суҳбатида маҳоратнинг сир-ру асрори теран очилган (*Берта Давидова. Ҳайратга тушмай бўладими! "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси, 1990 йил 21 сентябрь.*)

Берта опа ҳар бир ашулани қиёмига етказиб куйлаган. Ижро маҳорати, сўз

саҳиҳлиги, маъно урғуси – барчаси уйғун ва мукамал. У ўз овози билан мумтоз ғазалларимиздаги бутун дардни борлиғича ифодалаб бера олган. Бунинг сеҳру синоати нимада? Албатта, мутолаада, бадий сўзнинг маъно миқёсларига, мағиз-мағзига кириб боришида! Бу ҳақда унинг ўзи бундай дейди: “Кўшиқ айтганда, айниқса, мақом куйлаганда сўзларни тушуниб, мағзини чақиб айтиш лозим. Ўзим ҳамиша классикага мурожаат қилганимда, биринчи ишим ғазални бошдан-оёқ мутолаа қилиш бўларди. Менга бу масалада устозим Юнус ака доимо ёрдам бериб келганлар. Улар тушунтиришдан ҳеч қачон эринмасдилар. Қани эди ҳозир ҳам ана шундай кишилар кўпроқ бўлса”. Бундан мақом ва маҳоратнинг икки жиҳатини илғаш мумкин: ҳофиз, биринчи навбатда, шеър мазмунини луғат ёрдамида тўлиқ англаб олиши шарт; иккинчидан, классик матнни мукамал ўзлаштиришда қилни қирқ ёрадиган устозга эҳтиёж бор. Бу борада қусурли матнга йўлиқиб қолишдан сақланиш, хатосиз матнни топа олиш ҳам катта аҳамиятга эга. Булар мақом ижроси бекаму кўст бўлишининг дастлабки омилдир.

Етук, истеъдодли санъаткорлар бадий адабиётнинг асл манбаларидан озикланиши ҳам табиий бир ҳол. Алишер Навоий ижодиёти, шубҳасиз, ўзбек адабиётининг энг юксак чўққиси саналади; Берта Давидова эса, аввало, ўша чўққини забт этган. Мана, санъаткорнинг ўз эътирофи: “Кўшиқчилик фаолиятимни бошлабманки, ҳали-ҳануз улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий ижодидан ҳайратга тушиб келаман. Унинг ғазалларидаги теран маъно, чуқур мушоҳада, нафис сўз тизмалари, гоҳ мунгли, гоҳ

ўйноқи оҳанглар бир мени эмас, беш асрдан буён ёруғ дунёга келиб-кетаётган барча нафосат шайдоларини оҳанрабодек ўзига тортиб келади.

Мақомларимизнинг аксари Навоий ғазаллари билан айтилади. Демак, умрини кўшиқчиликка, асосан, ўзбек мақомларини куйлашга бағишлаган хонанда сифатида менга Навоий ғазаллари асосидаги кўшиқларни куйлаш заруратини шароитнинг ўзи инъом этди”.

Ҳа, юксак сўз санъати юксак мусиқа санъатига асос бўлади, ўз ижрочисини ҳам юксак мартабаларга кўтаради.

Алишер Навоийнинг “Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади” мисраси билан бошланувчи ғазали асосида “Муножот” куйи билан айтиладиган ашуланинг бир неча талқини мавжуд. Улар орасида энг қойилмақом ижро Берта Давидованики. Бунинг сеҳри нимадалиги каминани кўп ўйлантирган. Ўзимча қиёслаганда шуни илғадимки, бу талқинда куй ва ғазал жуда мувофиқ; ашула суръатининг ниҳоятда нозик меъёри танланган; назм ва наводаги дарду нола, фарёду фиғон бир зарб ва бир нафасда адо этилган. Бошқа талқинларда эса ашула суръатида сустлик, нолавор оҳангларни ҳаддан ташқари чўзиб юбориш, сунъий оҳ-воҳларни кўпайтириш ҳоллари кузатилади. Демак, маҳорат назм ва наводаги ана шундай уйғунликни, мувофиқликни, суръатдаги мумтоз меъёрни топа билишда ҳам экан. Берта опанинг ижроси улкан мақомшунос олим Отаназар Матёкубовнинг “Мақом – соз ва сўз санъатининг юксак даражада уйғунлашувидир” (*Матёкубов О. Мақомот. Тошкент, “Мусиқа”, 2004. 110-бет*), деган таърифига жуда мос келади.

Берта Давидова мўъжизавий ижросидаги жозибанинг яна бир сири бор: "Муножот" ёш хонанданинг санъат оламига кириб, кўз очиб кўргани – биринчи муҳаббатидир. "1942 йили радиода иш бошладим. Дастлаб "Муножот"ни куйладим", дея эслайди хонанданинг ўзи. Берта опа ўшанда 18 ёшда бўлган; ашула улкан мақом назариётчиси ва амалиётчиси Юнус Ражабий ҳамкорлигида Республика радиоси эшиттиришига тайёрланган. Ўлмас ижро устоз ва шогирднинг катта масъулият остидаги меҳнату машаққатлари самараси бўлган.

Ана шу узоқ матонатли машқлар, излаишлар ҳам ашулаларнинг сайқал топишида катта роль ўйнаган. Берта Давидованинг маҳорат мактаби сабоқлари "замонавий техника қулайликлари ҳофизларнинг ашула устида қайта-қайта ишлашларига эҳтиёж ва зарурият қолдирмаяпти, уларни маълум даражада дангаса қилиб қўймаяптимики?" деган фикрга ҳам олиб келади. Чунки ҳозир тайёр бўлган ашулани бир марта ёзиб олинса, шу ёзувдан доимий равишда фойдаланиб юравериш имконияти мавжуд. Ижрони янада такомиллаштириш ҳақида ўйлаб ҳам қўрилмас, балки.

Берта Давидова "Муножот"дан кейин Навоийнинг "Ўн сакиз минг олам ошуби..." ғазали билан айтиладиган "Талқини баёт"ни ҳам беназир ижро этганки, бу, шубҳасиз, муттасил қайта-қайта изланиш натижасидир. Ушбу ижодий жараёни Берта хоним шундай эслайди: "Уни устозларим Юнус Ражабий ва Имомжон Икромов ўргатишган. Бу кўшиқ яна шуниси билан қадрлики, ўша уруш йилларида Ҳамза номидаги Ўзбек давлат драма театрида "Алишер Навоий" спектакли саҳналаштирилган бўлиб, унинг

бир саҳнасида парда ортида туриб ана шу кўшиқни куйлардим. Ўша вақтларда ҳали лентага ёзиб олинмасди, демак, ҳар сафар спектакль куни келиб куйлаб кетишим керак эди. "Алишер Навоий" бир ойда камида 20 марта қўйиларди". Аёнки, спектакль неча ой, неча йил қўйилган бўлса, ашула шунча муддат жонли куйланган. Қанчалик машаққатли бўлмасин, спектаклдан спектаклгача ижро маҳорати ортиб, ашула сайқал топиб борган. Шу боис бўлса керак, бу ғазални бошқа бирор санъаткор Берта Давидовачалик авжи маҳорат билан айтганини эслай олмаймиз.

Яқин ўтмишда мақомга муносабат бир оз ўзгарди, эътибор пасайди. Айрим мақом ҳаваскорлари дастлаб астойдил шуғулланиб, машқларини қиёмига етказмай, оқибатда, маҳорат қозона олмадилар. Баъзи хонандаларимизда эса беқарорлик бордек: замонавий кўшиқларни айтиб юриб, бирдан бирорта мақом ашуласи билан ҳам кўзга ташланиб қоладилар ва яна ғойиб бўладилар. Машқлари эндигина авжига чиқиб келаётган баъзи мақомчилар эса замонавий оҳангларга йўрғалаб кетадилар. Санъат усталаридан бўлмиш Берта хонимнинг фикрлари эса шундай хулосага олиб келади: мақом беқарорликни хушламайди, мақом барқарорликни севади! "Очигини айтсам, агар аҳвол шу тарзда давом этаверса, мақомлар авлодларга ўз ҳолича етиб бориши қийин, – дейди санъаткор хавотирланиб. – Чунки баъзилар мақомга ҳеч алоқаси йўқ қочиримларни қўшяпти. Ахир, мақомнинг фақат ўзига хос қочиримлари бор, унга ортиқча безакнинг кераги йўқ. Шунингдек, мақом учун алоҳида овоз керак. Мени бир вақтлар консерваторияга

ўқишга таклиф қилганларида, устоз рухсат бермаганлар. "Овозинг бузилади, у ҳозирги ҳолича қолиши керак. Ҳали халқ сенинг кўшиқларингни эшитади, мақом ҳеч қачон ўлмайди", деганлар. Чунки консерваторияда, истайсизми-истамайсизми, овозни европача усулга мослаштиришади. Демак, бундай хонанда мақом айтганда, овозининг қаеридадир мақомга нисбатан сохталик юзага келиб қолади".

Албатта, бу анча олдинги – шўро давридаги консерваторияга тегишли гап. Ҳозир ўша илм даргоҳида мақомга муносабат тубдан ўзгарганига шубҳамиз йўқ. Аммо бу йўналишда барқарорлик – маҳоратнинг муҳим омилларидан бўлиб қолаверади. Бунга Муножот Йўлчиева, Маҳмуджон Тожибоев каби санъаткорлар фаолияти мисолдир.

Демак, ўзига хос овоз – мақом ва маҳоратдаги бош масалалардан. "Устозларимиз, – дея таъкидлайди Берта Давидова, – муносиб, оҳангга тушадиган овоз соҳибигагина мақом айтиш йўлларини ўргатардилар. Чунки мақом учун алоҳида, шарқона овоз зарур бўлади. Бундай овоз, ўзимизнинг тилда айтганда "йиғлоқи" (*нолавор дейилмоқчи* – Н.Ж.), эшитганда баданни титратадиган бўлиши керак". Ҳақиқатан, кейинги 30 йиллик амалиётга назар ташлайдиган бўлсак, не-не ҳаваскорлар мақом сахнасига чиқишди ва бир муддатдан кейин уни тарк этишди. Чунки баъзиларнинг овози ўта йўғон-дўррик; баъзиларники хирқирок, бошқаларники ингичка эди. Баъзи овозлар дардсиз... Мақомда овоз дардли, мунгли бўлиши керак. Шоир дейдики, "Асрлар ғамини сўйлар "Муножот"; дардсиз овоз билан асрлар ғамини куйлаб бўладими?!"

Мақомлар халқимизнинг мисқол-мисқол йиғилган, такомиллашиб, тизимлашган минг йиллик бисоти, миллий бойлигидир. Халқимизнинг барча бойликлари сингари мақомлар ҳам давлат ва қонун муҳофазасида. Биз мутахассис бўлмасак-да, мақомнинг бугунги мақоми, қисмати ҳақида бир мухлис сифатида мулоҳаза юритдик. Эҳтимол, фикрларимиз мунозаралидир. Балки мақомларни ислоҳ этиш, янгилаб-замонавийлаштириш, такомиллаштириш тамойиллари мавжуддир. Бундан беҳабармиз. Биз маҳорат сеҳру синоатларини фақат Берта Давидова ижодий тажрибаси ва мактаби асосида белгилаш фикридан ҳам йироқмиз. Бу – бир мисол, холос. Берта опа каби ўнлаб мақом усталари борки, уларнинг ҳар бири ҳақида махсус тадқиқот яратса бўлади.

Бундан ўн йиллар аввал Берта Давидова ҳақида икки қисмдан иборат телефильм намойиш этилган эди. Фильмдаги беқиёс жаранг ва дардли нидолар мақом шайдоларини ларзага келтирди; унинг учинчи қисми ҳам чиққандир, эҳтимол. Қани энди шундай фильмлар барча мақом усталарининг асарлари асосида янада бойитилса, такомиллаштирилса ҳамда диск ҳолида кенг халққа тақдим этилса... шубҳасиз, маънавий хазина асраб қолинар, мамлакатимиз ҳамда хориждаги мақом ихлосмандлари учун харидоргир маҳсулот бўлар эди.

Албатта, мақом санъати аҳлларнинг саъй-ҳаракатлари ила мукамал бир ҳолатда сақланиб келаётир. Лекин яна бир ҳолатга эътибор қаратиш лозимдек: ёш ижрочиларда ҳам, айрим атоқли мақом усталарида ҳам матний нуқсонлар учраяпти. Масалан, Навоийнинг "Ёрингиз вас-

лин ғанимат *англабон* шукр айлангиз” мисраси бир ижрода “Ёрингиз васлин ғанимат *айлабон* шукр айлангиз” шаклида янграйди. Навоий бир мисранинг ўзида “айламоқ” феълени икки марта қўлламаган; биз бу ҳақда ўтган асрнинг 80-йилларида матбуотда ёзган эдик; лекин бу қусур ҳануз тузатилмади.

Ёки шоирнинг “Қоши ёсинму дейин...” деб бошланадиган ғазали матлаъидаги биринчи мисра “Эй Навоий, дема қошу кўзининг васфини *эл*” бўлиши керак. Ижрода эса “Эй Навоий, дема қошу кўзининг васфини *эл*” шаклида. Бунда маъно тафовути катта. Аслида шоир “Эй Навоий, ёрнинг қоши билан кўзи мақтовини қойиллатиб эпладим деб ўйлама, барибир эплаёлмайсан”, демоқчи. Мен бундай нуқсонлар сабабини катта ҳофизларимизнинг биридан сўрадим. “Биз бундай ашулаларимиз матнини катта устозларимиз ижросидан ўрганиб-ўзлаштирганмиз, улар шундай ижро этган”, дея изох берди. Тўғри, шеърий асар устида бевосита ишлаш – асл матнни қидириб топиб, луғат билан ишлаб, ёдлаб-ўзлаштиришдек заҳматли юмушдан кўра осон. Ҳатто устоз санъаткорлар ижросини табаррук, идеал даражадаги ўрнак ўлароқ қабул қилиб, уларнинг бирор нуқтаси ёки нидосини ҳам мутлақо ўзгартирмасдан, қандай бўлса, айнан ўшандай куйлаб юрадиган “фанат”лар ҳам бор; миллий санъатимизда бу оддий

бир анъана, қоидага ҳам айланиб қолган. Бироқ ўша табаррук ижролар тасмаларга муҳрланганидан бери салкам юз йил кечмоқда. Ўтган аср бошларида туғилиб-ўсган устозлар бу асарларни ижро этганида ҳали Навоий асарларининг тўлиқ ва тўғри нашрлари йўқ эди. Ҳозир эса имконият жуда катта: улуғ шоирнинг 20 томлик “Мукамал асарлар тўплами”, 10 томлик “Тўла асарлар тўплами” нашр этилган; луғат ва изоҳлар етарли. Навоий ғазалиёти энг яхши намуналаридан бир неча юздан ортиғининг илмий-оммабоп шарҳлари кенг китобхонлар оммаси тасарруфида. Эндиликда бўлғуси ашулачиларни мумтоз асарларнинг саҳиҳ матни устида бевосита ишлатиш, мутолаа маданиятини кучайтириш вақти келди. Замонавий мақом мумтоз адабиёт билан уйғунлашиб кетган экан, мақом таълими ҳам адабиёт таълими билан уйғун бўлиши лозим. Ўзбекистон халқ ҳофиси Ҳасан Ражабий суҳбатлардан бирида Навоийнинг 500 та ғазали мақом куйлари билан ижро этилишини айтган эди. Мақом йўналишида таҳсил оладиган талабаларимиз таҳсил жараёнида мана шу 500 та ғазални мутолаа ва таҳлил этиши, бинобарин, бошқа мумтоз шоирларнинг мақом куйлари билан айтиладиган асарларини ҳам ўзлаштириши шарт. Шунда ижро нуқсонсиз ва мукамал бўлади. Мақом санъати эса авлодларга асл ҳолида, бус-бутун етказилади.



Абдунаби БОЙҚЎЗИЕВ



НАҲОТ MISOLI MA'JUN

Қулоғимизга ҳар куни қизиқ-қизиқ гаплар чалинади. Гоҳида беихтиёр ўз оғзимиздан ҳам чиқиб кетади, лекин ҳаял ўтмаёқ унутилади. Кутилмаганда хаёлга келадиган ана шундай фикрларни ҳавога учирмай, ёндафтарга ёзиб қўйиш зарурлигини, афсуски, жуда кеч англадим...

Қуйида муштарийлар эътиборига ҳавола этилаётган битикларнинг аксари сайрлар чоғи дилдан кечган. Шу боис уларни “Кўча ҳайратлари” деб атаса ҳам бўлади.

Ай, тентак болалик!.. Энди қайтиб келмайди, лекин буткул кетиб ҳам қолмайди.

Хаёлан хотираларга берилиш хуш ёқяптими? Демак, руҳиятингизга кексалик мўралай бошлабди.

Ҳаёт мисоли маъжун – яшай десанг, тахир-тарёк; яшамасанг, неъмат қани – дағи лаззатлироқ?

* * *

Баъзан болалигинг билан олис-олисларда мунғайиб
қолиб кетган ғамгин ва юпун қишлоғингни шунақаям
соғинасанки!..

* * *

Кўкайимдан бир ун келар, кўкайингдан
куйлай деб...

* * *

Шунчайм узоқлашиб кетдикми-я, деган сўздаги кўн-
гил яқинлигини ҳеч ҳис қилганмисиз?

* * *

Ёлгоннинг умри қисқа, лекин азияти абадий.

* * *

Отамизнинг йили ўтгач, кийимларини бўлишдик. Сингилларим
менга оҳори кетмаган пальтони раво кўришди. Отамнинг жусса-
си чоғроқ, ўрта бўйлигина эди. Пальто сиғмаса керак деб ўйладим.
Тошкентга қайтгач, келиним “Бир кийиб кўринг-чи, дадажон” деб
қолди. Куйиб қўйгандек тушиб турибди-ку! Ё Худо! Ўзимни
отамдан тикроқ, ҳайбатлироқ тасаввур қилганим учун кечир!

* * *

“Инсонни балчиқдан чиқариб олиш мумкин, аммо ичидаги
балчиқдан чиқариб бўлмайди” деб ёзган экан АҚШлик адиба Ли
Ҳарпер. Қайтариқ бўлса-да, шу гапларни мен ҳам ёзгим келди.

* * *

Қўл қовуштириб туриш санъатини ҳеч бир халқ бизчалик
қойиллата олмаса керак.

* * *

Ёввойи каптарларга дон сепган, кўча мушукларига егулик берган
одамни кўрсангиз ҳам кўнглингиз юмшайди. Айниқса, қиш чоғи.
Яхшилик! Қандай осон иш, а? Мен нега шундай қилмайман,
қила олмайман?..



Озодлик учун курашга отланган миллат аввало ўз ичидаги
кўркувдан озод бўлиши керак.

Хаёлимга “кулоғига азон айтилмаган имомлар” деган таъриф келди.
Кўрқиб кетдим!.. Астағфируллоҳ...

Баъзан сабрни ҳам сизлашингизга тўғри келади.

Умрнинг олди – туман, орти – армон.

Осойишта ўтган ҳар кун учун шукрона айтдим. Ўша кунлар ҳаққи-
ҳурмати, осойишта ўтмаганларига ҳам шукр қилдим.

Фикрлар, гоёлар муштарак келмай қолганда ҳам чин дўстлик
мояларини сақлаб қолиш мумкин. Бунинг учун ҳар икки томондан
андак бағрикенглик талаб этилади. Шу холос!

Буюк шахсларни одатда буюк бахт соҳиблари сифатида тасаввур
қиламиз. Аслида ҳам шундайми? Афсуски, уларларнинг дил дафтар-
ларини аста варақласангиз, бунинг аксига дуч келасиз, буюклик хўрлик
билан азоб-уқубатлар бақамти келган заминдан униб чиққанига
амин бўласиз.

Меваги оғочга тошлар кўп отилади. Лекин бу уни мевасиз дарахтга
айлантириб қўёлмайди.

Бир шоир бор, шеърларидан кўра суратлари машҳур. Чунки у доим
таниқдиларнинг ёнида.

* * *

Ўзингга ёрқин бўлиб туюлган битикларинг бир кун келиб хира тортиб, нурсизланиб қолганини ҳис этсанг!.. Мардона туриб, эсиз қалам, эсиз умр, дея олармикансан, Набивой?!

* * *

Сайланма ва томликлар чиқариб машҳур бўлдим деб, ҳаволаниб юрганлар қанча! Катта ёнғин чиқариш учун гугурт чўпи йўғон бўлиши шарт эмас.

* * *

Хўкиздан хўра қаламкашлар кўпайди: нимани кўрса, нимани эшитса, нишхўртга чиқармай ейди ва ёзади.

* * *

Қалам шоирнинг қўлида қалб торларини чертадиган нохунга айланади.

* * *

Ичимда бир девим бор, девлар унга чикора!

* * *

Ижодкорнинг ҳислари баъзан ўзини ҳам жонидан тўйдиради.

* * *

Кўршапалак ҳам бу ёруғ оламни кашф этаман деб дунёга келади.

* * *

Бир киши ҳаққадан нолияпти: “Кўшни дарахтда сайраса ҳам меҳмон бизникига келади!”

* * *

“Ҳаёт ва хаёл” теледастури камина билан суҳбат уюштирди. Томоша қилиб ўтириб, ҳайрон бўлиб қолдим. Экранда ўтган йили кеч кузда бандаликни бажо қилган отам менинг сувратимда гапирар эди.

* * *

Чумоли инининг оғзи – битта чумоли сиққулик. Лекин унинг ичида бир дуйсанба дон яширилган бўлиши ҳеч ақлга сиғмайди.

Мурувват кўрмаган одам мурувватни тушунмаслиги тайин.

Ўз кўнглингни рози қилиш – минглаб кўнглини овлашдан оғир.

Тўплаган бойлиги уни шундай қашшоқлаштирдик,
рахмингиз келади!

Кузги боғларга зоғлар ҳам тароват бағишлайди.

Дард билдирмай келиб, билдириб-билдириб кетади.

Отангизнинг олдида ота эканингизни унутасиз.

Ҳақиқатни исботлай олмасангиз, вақтнинг ҳукмига қўйинг. Агар
вақт ҳам исботламаса, демак, у ҳақиқат эмас.

Бойликнинг бир жойга жамланиш хусусияти асли унинг табиатида
борми дейман-да!..

Миллат манфаати учун чиқарилган қонунлар ўзга эл-элатлар
манфаатига даҳл қилмайдиган ҳолатга келтирилмагунча, инсоният
зиёнига ишлайверади.

Матбуот – тўртинчи ҳокимият, деган гап қулоққа мансабсиз вазир
дегандай эшитилади.

Гўдакнинг ва севги оловида ёнаётган инсоннинг қалбида
кўркув бўлмайди.

* * *

Мустабид тузумларни шунга лойиқ жамиятнинг ўзи яратади.

* * *

Таваккал вазият тақозосига кўра ақл танг қолган ҳолат мажбурлиги деб ўйлайсизми? Йўқ-да! Таваккал жуда катта ақл ва жасорат белгисидир.

* * *

Бошга тушган кўргиликлар ихтиёрингиздан ташқарида бўлиши мумкин, лекин ҳеч қачон тақдирингиздан ташқарида бўлмаган.

* * *

Хурсандчиликдан кўра қайғу лаҳзаларида тафаккур теранроқ зухур этади.

* * *

Инсон ўз ичидаги уммонга чўкиб ҳам ҳалок бўлиши мумкин.

* * *

Тили боғланган халқ дили ила бўзлайди. Халқнинг дили – ижодкорлардир.

* * *

Коронавирус! Биргина менинг соғлигим нафақат менинг, нафақат миллату мамлакат, балки бутун дунёнинг сиҳати эканини кўрсатиб қўйди.

* * *


Сизга қаратилган нафратни табассумингиз билан ўлдилинг.

* * *

Одамзод қизиқ. Ўзида йўқ фазилат ўзгаларда йўқлигидан жиғибийрон бўлади.

* * *

Дўст! Кимнидир ўзингдан ўзгача фикрлагани учун маломат қилма!
Худди шундай ҳуқуқ ва имконият унда ҳам борлигини унутма!



“SHAHEKIM, ADOLATDUR ONING ISHI...”

Olim TOSHBOYEV mutolaa qiladi

ДАВЛАТ ДОЯСИ, МИЛЛАТ САРМОЯСИ

Гиёсиддин Хондамир. **Мақорим ул-ахлоқ**. Тошкент, “Akademnashr”, 2017.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳукмдорлар, мутафаккир шахслар ҳақида ўнлаб бадиий асарлар, кинофильмлар яратилган ва яратилмоқда. Осиёдаги ангишвонадай давлат ҳар бир саркардаю сарбози ҳақида биттадан фильм ишлаб, уларнинг номини ўзбек томошабинига-да ёд олдирди. Бизда эса, тарихий шахслар ҳақида асар ёзишга ҳадиғу ҳаяжон билан қаралади. Ҳатто Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига ҳам шўроча ёндашув батамом барҳам топгани йўқ. Ҳолбуки, Навоий Мовароуннаҳрнинг XIV асрдаги нафақат адабий муҳити, балки диний-маърифий, сиёсий-иқтисодий манзарасини ҳам белгилаб берган қудратли шахс эди.

Нафсга жиҳод – олий саодат. “Қаноат тариқига кир, эй кўнгул”, дея қаноатни тариқат даражасига кўтарган Алишер Навоий инсонийликка пайваста ижоди билан чин мухлисга мудом ҳамроҳ. Ҳақрост, ҳазрат мероси бир ҳовуч мутахассислар мулки эмас, ундан халқнинг барча табақаси истифода этмоғи лозим. Аммо, шунча аср ўтса ҳам, набираларнинг то хануз бобосини танимай келаётгани не ҳол?!

Бугунги авлод учун Маҳмуд Музаҳҳиб чизган ҳассасага таянган донишманд суврати қанчалар қадрли бўлса, Хондамирнинг “Мақорим ул-ахлоқ” рисоласи ҳам шунчалар азиз. Бири ҳазратнинг шамоили – сувратини гавдалантирса, иккинчиси у зотнинг сийратидан сўйлайди. Дарвоқе, “Бобурнома”, “Бадое ул-вақое” каби асарлар Навоий шахсига кучли қизиқиш шоир тириклигидаёқ илдиз отганидан далолат беради.



Хондамир она томондан бобоси, ўз даврининг етук муаррихи Мирхонд каби Алишер Навоий ҳомийлигида камол топади. Шоир ўша даврда энг бой маънавий хазина дея эътироф этилган шахсий кутубхонаси калитини ёш олимга ишониб топширган. Хондамир бу имкониятдан унумли фойдаланиб, машҳур тарихчи бўлиб етишади. Унинг ўн мақсад – бобдан иборат "Мақорим ул-ахлоқ" асарида саодатли амирнинг фазилатлари, олижаноб хулқи, ажойиб сийрати, бошқаларда кам учрайдиган ҳолат ва кайфияти, қизиқ ва ғаройиб ишларидан ҳикоя қилинган.

Ҳусайн Бойқаро Ҳиротни эгаллаб олган Мирзо Ёдгор Муҳаммадга қарши ҳужум хусусида Навоийга маслаҳат солади. Ҳазрат ҳукмдор дўстига "Бу гап менга ҳам айтилмаганида яхшироқ бўлган бўлур эди" дейди ва буни шундай изоҳлайди: "Бу гапни сир сақлаш ўта зарур. Чунки ҳар кун бизнинг одамларимиздан бир гуруҳи Ёдгор Муҳаммад Мирзонинг олдига қочиб ўтмоқда. Бундай кишилар ушбу хабарни етказишдан кўра қимматлироқ совға тополмайдилар. Шу сабабли унинг (Мирзо Ёдгор Муҳаммаднинг) ақл ёғдуси ушбу юриш тўғрисидаги яширин режага тушиб қолса, бундан кейин эҳтиёткорлик ила иш тутиши, ҳатто бу томонга лашкар жўнатиб қолиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас". Навоий султонни нафақат хушёрликка чорлайди, балки чуқур ўйланган ҳарбий режа ҳам беради. Пировардида, ҳужум Ҳусайн Бойқаро ғалабаси билан якунланади.

"Фард киши даврда топмас наво" деб билган Навоий олиму фозиллар мавқеини оширишга қўлидан келганича саъй қилади. Аҳли толибнинг хотиржам илм олиши учун шахсий маблағи ҳисобидан нафақа – стипендиялар тайинлайди. "Халосия", "Ихлосия", "Шифоия", "Низомия", "Хусравия" каби хонақа ва мадрасалар барпо этади. Уларда дунёнинг турли бурчакларидан келган талабалар таҳсил олган. Хондамирнинг таъкидлашича, "Ул зотнинг чексиз яхшиликлари бу борлик оламда шуҳрат топиш ёки абадий оламда катта савобга эришиш учун қилинган эмас эди. Чунки бу дунё ва ундаги нарсалар ул зотнинг ҳиммат назарида бир сомон ҳасичалик қимматга эга эмас эди. Аммо чексиз очиққўллик ва саҳийлик хислатига эга бўлишига қарамасдан, ҳеч қачон ҳеч кимга бир арпа доничалик ҳам миннат қилмас эди".

Эрон ва Туроннинг турли гўшаларидан келган ғарибу мусофир, қашшоқ ва муҳтожлар ул ҳазратнинг хайр-саховат дастурхонидан улуш олиб, ризқ-рўз топар эди. Дину давлат ва уммат қайғуси билан яшаган Навоий Сабзавордаги жами ғалласини мамлакат эҳтиёжи учун захирага топшириб юборади. Эътиборли бир хожазоданинг ҳажга бориб, нокас савдогардан қарздорлиги туфайли Шом ўлкасида ушланиб қолганини эшитиб, уни қутқариш учун ишончли одамга ўн беш минг динор кепакйи бериб, Ҳалабга жўнатади.

Яна бир мисол: қасиданавис Мавлоно Фасихиддин Соҳибдоро (кейинчалик подшоҳ кутубхонаси доруғаси ҳам бўлган) билан шоҳмот ўйнаб ўтирганида мударрис Амир Бурҳониддин Атоуллоҳ кириб келади ва шаҳарга узоқдан қатнашга қийналаётгани, "Ихлосия" мадрасаси яқинидан бир ҳовли топгани, аммо соҳиб-амаллардан бири ўша ҳовлига харидор эканини айтиб, амалдорга "бу ниятингдан қайт" деган мазмунда мактуб ёзиб беришни илтимос қилади. Навоий, гўё бепарво, шоҳмот суришда давом этади. Ниҳоят, ўйинни якунлаб бундай дейди: "Фақирлардан бири майдонининг кенглиги ва хоналарининг кўплиги, ҳавосининг мусафр-



фолиги ва сувининг ширинлиги ила ажралиб турадиган, бунинг устига, мадрасага яқин бўлган бир ҳовлини сизга тортиқ қилгани яхшими ёки ўша ҳовлини олиб бергани маъқулми?" Хуллас, шоир аруз илми ҳамда турли шеърини санъатларни пухта эгаллаган Атоуллоҳ Нишопурийга кўз остига олганидан бир неча баравар ортиқ ҳовлини ҳаёти этади. Шунингдек, боғу хиёбонларни саййидлар, олимлар ва фозилларга; серунум экинзор ва қулай коризларни Ҳусайн Бойқаро ва унинг фарзандларига тортиқ қилади. Таржимон Комилжон Раҳимовнинг маълумотига кўра, Афғонистондаги Обисафед дарёси устига шоир қурдирган кўприк ҳозиргача хизмат қилмоқда экан.

Адолат – давлат дояси, миллат сармояси; адолат барқарорлиги Ҳақни англаш натижасидир – шу ҳақиқатни чуқур идрок этган Навоий халққа қайишмайдиган, жоҳил ва золим амалдорларга нисбатан муросасиз бўлган.

Виртуал маконда улғаяётган ёшлар онгига тош ҳайкаллардан кўра тарғиботнинг замонавий усуллари кучлироқ таъсир этади. "Мақорим ул-ахлоқ"даги ҳаётий ҳикояларни ҳам замонавий медиатеологиялар ёрдамида жамоатга синдириш керак.

Раҳматли Анвар қори Турсун тўй-маъракаларда, нукул пўписа қилувчи мавъизачилардан фарқли ўлароқ, Навоийнинг оят ва ҳадис маънолари синдирилган ғазалларини шарҳлаб берарди. Ўшанда баъзи оғзига кучи етмаганлар истеҳзо билан "Навоий муллавачча эмас..." деган гапни тарқатган эди. Ваҳоланки, Анвар қори ўша суҳбатларда биз ошхўр халқни ҳам ислом ҳақиқатларига, ҳам улуг бобкалонимиз адабий меросига ошно қилган экан.

Яна бир гап. Тадбиркорлик йўналишидаги олий ўқув юртларида нукул ажнабий сарватдорлар эмас, ўнлаб масжиду кўприк, рабату шифохона қуриб элга мадақкор бўлган улуг бобомизнинг ибратли ҳаёти ҳақида ҳам маърузалар ўқиши шарт. *"Нафс ила дунёга дил берган фосиқлар"*га эса ҳазратнинг, улкан ганжина эгаси бўлишига қарамай, бор бойлигини бева-бечоралар, аҳли илм ва муҳтожларга садақа қилгани, у зотнинг эҳсон эшиги туну кун очиқ бўлганини доимо эслаиб туриш керак. Токи бундай бадбин каслар онгидаги "миллат шоирлари қўли калта, муҳтож ва ожиз бўлган" деган тушунча барҳам топсин.

"Мақорим ул-ахлоқ"ни мутолаа қилган адабиёт мухлиси ич-ичидан шундай ният қилишига аминмиз: "Қани эди, Хондамир тасвирлаган Навоий сиймоси бир бутун образ бўлиб бадииятга кўчса! Шу баҳона, Ойбек бошлаган анъана янги бир поғонага чиқармиди?! Ҳазрат сари бир қадам ташлаган бўлармидик?!"

МЕН ХУДОНИ ИЗЛАДИМ...

Т.Л.Сухотина-Толстая. Воспоминания. Москва, "Художественная литература", 1980.

Татьяна Львовнанинг отаси – жаҳоний адиб Лев Толстой ҳақидаги хотираларини ҳавас ва ҳайрат ила ўқийтуриб, нега бизнинг адибларимиз пуштикамаридан бино бўлган фарзандлар шундай ёдномалар яратмайди, дея мутаассир бўласиз. Шунда дафъатан хаёлингизга Ҳабибулла Қодирийнинг "Отам ҳақида"си келадию бир оз хотиржам тортасиз. Лекин у битта-да!

Ўн тўрт яшарлигидан кундалик қоралай бошлаган Татьяна бу хайрли ишни қирқ йил канда қилмайди. Отаси, ҳаёт ва ижод ҳақидаги фикр-қарашлари ҳам йилдан-йилга ўсиб боради. "Хотиранома"ни ўқир экансиз, ерга меҳр қўйган, кув-



ноқ, нафақат ўзига, ўзгаларга ҳам ниҳоятда талабчан бўлган шахс сиймоси кўз олдингизда гавдаланади.

Толстойнинг туғилиб ўсган макони Ясная Полянадаги ҳаёти жуда оддий бўлиб, муттасил адабий меҳнатдан толиққан чоғлари боғ ва ўрмонзорлар яратиш билан шуғулланар, асалари, от ва бошқа турли хонаки ҳайвонлар боқишни хуш кўради. Ўғил-қизларини ёнига олиб, тонг саҳардан – елкада чалги – пичан ўримига чиққан граф-адиб эртадан кечгача деҳқонлар билан гангир-гунгур суҳбатлашар, мужиклар билан тенгма-тенг ишлаётганидан ўзгача завқ туяди.

1870 – 1871 йилнинг қишида Толстой юнон тилини ўрганишга муккасидан кетади. Декабрда шоир дўсти Афанасий Фетга "Бир сатр ҳам ёзганим йўқ, фақат ўқиётирман" дея мактуб йўллади. Тинимсиз тил ўрганиш, эртаю кеч бир хил машғулот – сўз ёдлаш ёзувчини ҳолдан тойдиради. 1871 йил июнида у шоирга яна хат ёзиб, "Соғлиқдан путур кетди. Қандай дард эканини билмайман. Қувватим йўқ. Ҳеч нарса ёқмаяпти, тинчлик бўлса бас", дейди. Афанасий Афанасьевич Иван Тургеневни адибнинг ҳолидан бетўхтов хабардор қилиб туради. Адабий ҳаммаслақлари айни етилган ёзувчининг саломатлигидан хавотирга тушадилар. И.Тургенев 1871 йили ёзда А.Фетга бундай ёзади: "Мен унинг соғлигидан чуқур хавотирдаман... Лев Толстой – етим бўлиб қолган адабиётимизнинг ягона умиди. У салафлари Пушкин, Лермонтов ва Гоголь каби бу дунёдан барвақт ўтиб кетиши мумкин эмас".

Ўша даврнинг Захарин деган машҳур шифокори Толстойга бир неча ҳафтага Самара даштларига чиқиб, қимиз ичиб дам олишни маслаҳат беради. Адиб салкам икки ой бошқирдларнинг Қоралиқ қишлоғида яшаб, қимизхўрлик қилади. Дашт ҳавоси, мусулмонча турмуш тарзи, энг муҳими, бия сути – мешда пишган қимиз графга қувват бағишлайди. Толстой кейинчалик Қоралиққа оиласини ҳам олиб боради ва хотини, болаларига бошқирд мусулмонлари ҳаётини кўрсатади. Маҳаллий мулланинг меҳмонлар шарафига қўй сўйгани, айниқса, ҳилвираб пишган эт Татьянага жуда манзур бўлади. Бахшилар бўғзидан чиққан нолалар адиб ва унинг яқинларини мафтун қилади. Татьяна бу сирли-сеҳрли оқшомларни қандайдир бир соғинч ва ҳайрат билан кундаликка муҳрлаган.

Самарадан соғайиб қайтган Толстой тўрт қисмдан иборат "Алифбе" ва "Ўқиш китоби"ни ёзиб, уйланмасдан олдинги севимли машғулоти – мударрисликни бошлаб юборади. Азалдан болажон Толстой бўйдоқ пайтида ўқитувчилар ёллаб, мактаб учун икки қаватли бино қурган, муаллимларга мўлжалланган "Ясная Поляна" номли журнал ҳам нашр этган эди. Шу тажриба қўл келиб, болалари кўмагида қишлоқ деҳқонларининг ўттиздан зиёд фарзандини саводли қилишга бел боғлайди. 1872 йил февралда шоир Фетга қуйидагича хат битади: "Биз қиш бошлангандан буён янги бинодан фойдаланяпмиз. Яна бир янгилик. Тагин мактаб ташкил этдим. Хотиним, болаларим – ҳаммамиз ўқитувчи ва бундан хурсандимиз".

XIX асрнинг 70-йиллари охирига келиб Толстой руҳиятида илгари сира кузатилмаган кескин ўзгаришлар содир бўлади. Катта ер эгасининг ҳаёлини "Ҳаётнинг маъноси нимада? Парвардигор буюрганидек яшаяпманми? Қилаётган ишим оилам ва ўзгалар бахт-саодати учун ярайдими?" деган шубҳа-гумонлар банд этади. Аъмолини тафтиш қилган, умр сарҳисобидан кўнгли тўлмаган Толстойнинг маънавий-руҳий азоб-изтироблари, хулосалари "Иқрорнома", "Эътиқодим маъноси нимада?", "Телбанинг ёзганлари" асарларида тўлиқ акс этган.

"Хотиранома" XIX аср иккинчи ярми ва XX бошидаги Русиянинг ижтимоий-сиёсий, маърифий ҳаётига ўзига хос бир далил ҳамдир. 1882 йилда "Русская мысль"

журналида Толстойнинг машҳур "Иқрорнома" асари эълон қилинади. Адибнинг насронийлик ҳақидаги, Яратганни англаш борасидаги "шаккок" қарашлари ва фавқуллода иқрори цензурани чўчитиб юборади. "Голос" газетасининг ўша йилги июнь сониди асарни йўқ қилиш ҳақида қарор босилади. Бундан хабар топган Иван Тургенев Толстойга мактуб юборади ва "Иқрорнома"ни ўқишга роса иштиёқманд эканини билдириб, қўлёзмани Парижга юборишни сўрайди. Адиб қўлёзмани яқин бир таниши орқали Тургеневга етказилади.

1886 йил баҳори Русия учун жуда оғир келади ва бу қийинчилик бир неча йилга чўзилади. Муштумзўр тўралар томонидан тинимсиз таланган халқ қашшоқликда кун кечирар, нон анқонинг уруғи, ҳатто экишга дон йўқ... Графдан ёрдам сўраб келувчиларнинг кети узилмайди. Толстой асарлари учун оладиган қалам ҳақини губерниялардаги муҳтожларга тарқатишга қарор қилади. Ўшанда вазиятнинг нечоғли оғир бўлганини Толстой ва Т.Фишер-Унуин ўртасидаги ёзишмадан ҳам билиш мумкин. Инглиз ношири оғир аҳволга тушиб қолган рус халқи учун бутун Англия хайр-эҳсон йиққанини маълум қилади.

Толстой, Тургенев каби зиёлилар наздида ҳаётни яхшилаш йўлидаги энг катта тўсиқ – крепостнойлик тутуми эди; у гарчи Александр II фармони билан расман бекор қилинган эса-да, миллион-миллион деҳқон ҳаёти шу билангина ўнганмайди. Ҳақ-ҳуқуқсиз, эзилган, ҳаёти издан чиққан мужикнинг арз-додини эшитадиган мард топилмас эди. Толстой мамлакатнинг кўзбўямачилик, мунофиқона бошқарув натижасида инқироз ёқасига келиб қолганидан бонг уради. "Жим туролмайман!" асари ана шу дард-изтиробнинг ҳосиласи сифатида дунёга келган. Адиб зулмнинг юмшашига умид қилиб, императорга хатлар битди, аммо акси бўлиб чиқади. Пойлоқчилик, хуфияларнинг ҳар бир хутор ва овулларда изғиб юриши унинг бир армонига ўн армон қўшади. Даҳшатли очарчилик сифатида тарихда қолган 1892 йил баҳорида Толстой икки катта қизини ёнига олиб, Рязан губерниясидаги Беги́чевка қишлоғида очликдан силласи қуриган деҳқонлар учун емакхоналар очади.

Оғир иқтисодий ҳаёт 90-йилларга келиб "ўзгача фикрловчилар" – толстойчиларни таъқиб қилиш билан давом этади. Ёзувчига ҳамфикр бир қанча одам чор маъмурлари томонидан ҳибс этилгач, у адлия ва ички ишлар вазирга хат ёзиб, ҳукумат қўллаётган чоралар "соғлом ақлга зид, бефойда, шафқатсиз, энг ачинарлиси, адолатсиздир" дея таъкидлайди. Толстой сўнг нафасигача ёвузликка қарши курашишини уқтирар экан, "ҳукумат ёмон деб ҳисоблаётган ишни мен Худо олдидаги муқаддас бурчим деб биламан", дейди. Лекин ҳукумат янги аср бошида ҳам адиб тарафдорларига кун бермайди, "хавфли" шахсларни мамлакатдан чиқариб юборишни тўхтатмайди.

1903 йилнинг декабрида АҚШ президентлигига демократлардан номзод Уильям Брайан Ясная Полянага ташриф буюради. Хорижлик сиёсатчининг адиб хонадониди бўлиши шундоғам қуюқлашиб бораётган қора булутларни кучайтириб юборади. Уильям Брайан Америкада руснинг улуғ адиби ҳақида "Эзгулик тарғиботчиси" номли мақола эълон қилади. Кўп ўтмай, Русия – Япония уруши бошланиб кетади. Толстой Тулага йўл олади. Уруш кунлари битган "Ўйлаб кўринг!" мақоласи Англияда рус тилида чоп этилади. Мақолани бир вақтнинг ўзидида инглиз, фаранг, олмон матбуоти ҳам кўчириб босади. Ўша кезлари ичида етти юзга яқин ҳарбий бўлган йирик "Петропавловск" кемаси портлаб кетади. Ҳалокатга учраган кемада Туркистонни қонга ботирган жаллод, рассом Василий Верещагин ҳам бор эди...

Гоҳо ўйлаб қоламан: зулмкор сиёсатга, шайтоний нафсга аёвсиз бўлган Толстой ҳаётининг сўнги чорагини исломий ақидаларга мувофиқ кечирганмикан? У тўнғич қизи Татьянага "Тасаввур қил, ҳаётингдаги сўнги кунни яшаяпсан" деган гапни кўп уқтиради. Назаримда, улуғ адиб ўзи амал қилган "Бу дунёда ўзингни бамисоли мусофир ёки ўткинчи йўловчи каби ҳис эт!" деган муборак ўғитни бошқаларга ҳам сингдиришга уринган...

ИШОНЧ КЎПРИКЛАРИ БУЗИЛСА...

Никколо Макиавелли. Государь. Москва, "Планета", 1990; Хукмдор. Тошкент, "Davr press", 2018.

Бу асарга бўлган қизиқиш талабалигимда пайдо бўлган эди. Аспирантурада ўқиётганимда Абу Наср Форобийнинг "Фозил одамлар шаҳри" билан ўзаро муқояса қилиб ёзган "Шарқ ва Ғарб ақлидаги орзу" номли мақолам 1997 йилда "Ёшлик" журналида чоп этилган, унда "асар таржима қилиниб, кенг ўқувчилар оммасига тортиқ этилса фойдадан холи бўлмас эди" дея орзу қилгандим. Ниҳоят, бундан икки йил бурун "Хукмдор" Абу Муслим таржимасида ўзбек тилида босилиб чиқди.

Давлатчилик пайдо бўлгандан бери Шарқ ва Ғарб алломалари инсонни ўрганиш, у билан муомала қилиш, фуқаро сифатидаги талаб-эҳтиёжларини қондириш хусусида юзлаб асарлар битган. Салкам беш юз йилдан буён сиёсатдонлар кўлидан тушмай келаётган "Хукмдор"нинг оҳанрабои нимада? Назаримда, Макиавелли ниҳоятда кучли руҳшунос бўлган. Инсоннинг феъл-атворини, унинг нозик руҳий жиҳатларини шу қадар пухта билган ва бу билим-кузатишларини давлат, сиёсат, ҳарб ва босқинчилик йўлида ҳеч бир истиҳоласиз харж қилган. Унинг босқинчилигу тажовузкорликни ёқлагани; ёлғончилик, мунофиқлик ва шафқатсизликни шаън-шавкат, ғалаба гарови деб билгани; не йўл билан бўлса ҳам давлатни қўлга киритиш, ҳокимиятни эгаллаш лозимлигини қайта-қайта уқтиргани; қирғинбароту қотилликларга "фатво" бергани мустабидларга мойдай ёққан. Кўҳна китъадаги колонизаторлар мана шу жиҳатларига кўра ҳам "Хукмдор"ни бағрига босиб, ундаги вайронкор ғоялардан беҳад илҳомланган. "Колониялар катта сарф-харажат талаб қилмайди, уларни ташкил қилиш ва таъминлаб туриш подшоҳга деярли сув текинга тушади, улар ерлари ва уй-жойлари янги кўчиб келганлар учун тортиб олинадиган фуқароларнигина хонавайрон қилади" деган ғоя нечоғли қулоч ёйгани Туркистон тарихидан маълум. Қолаверса, бир дин, мазҳаб ва тилга мансуб халқни узоқ йиллар бошқарган мустабидлар ҳам "Хукмдор" сабоғини олмагаида эл кўзига жонсарак, субутли, самимий, олижаноб бўлиб кўринмаган, иззат нафси йўлида шарру гуноҳлардан ҳазар қилган бўларди.

Макиавелли ўтмиш воқеалари, динлар ва пайғамбарлар тарихини гоҳо ёвуз мақсадлар йўлида талқин этади. "Халқда ишонч йўқолса, уни ишонишга куч билан мажбур қилишга тайёр туриш керак" деган мафкурачи ҳеч иккиланмасдан "Хукмдор раиятни ўзига бўйсундириб турмоқчи бўлса, раҳмсизликда айблашларига парво қилмаслиги керак", дея хулоса чиқаради.

Кайковуснинг "Қобуснома"си ва "Хукмдор" баъзи ўринларда бир-бирига жуда яқин келади. Давлатнинг барқарорлигию тараққиёти тил, урф-одат ва тартиб-қоидалар билан чамбарчас боғлиқ эканини теран англаган Макиавелли тор-мор



қилинган, таланган, кули кўкка созурилган, хонавайрон Италия истиқболидан қайғуриб, Медичига "йўл харитаси" тақдим этади. Тарихий лаҳзалар, ҳафта ва ойларни ўтказиб, кейин пушаймон ботқоғида қолган халқ борки, албатта, сиёсатдоннинг оҳ-зорига бефарқ қараёлмайди. Ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан етарлича ҳимояланмаган давлат, халқ ва жамиятнинг ўннга ёки сўлга бурилиш палласи бутун бир авлоднинг тақдирига акс таъсир этишини тарих кўп кўрган. Халққа душманлик кайфияти билан қараган, кўшин сақлашга укувсиз, тинчлик пайтида бўрон ҳақида ўйламайдиган ҳукмдорлар, пировардида, салтанатидан айрилган.

Мамлакат соҳибини айнитадиган яна бир ширин оғу – хушомадгўйликдир. Раҳбар худбин ва иззатталаб бўлса, урди Худо. Хушомадгўйнинг дини ҳам, миллати ҳам йўқ. "Хушомаддан халос бўлишнинг ягона йўли шуки, одамларга "Агар мен ҳақимда бор ҳақиқатни юзимга айтсангиз, сизлардан хафа бўлмайман", дейишдир. Бироқ истаган одам бор ҳақиқатни юзинга айта олса, энди улар сендан аввалгидек ҳайиқмай қўйишади", деб уқтиради Макиавелли.

Ҳукмдорлар очкўзлик, фуқаронинг мол-мулки ва аёлларига тажовуз қилгани туфайли ҳам халқнинг нафратига учрайди. Туркистон тарихида ўтган аксарият хон, хоқон, амирларнинг бадном бўлгани – шу хил адолатсизликларга йўл қўйганлари туфайли эмасмиди? Ҳолбуки, Ислом дини салтанат тожини кийган банда зиммасига ниҳоятда улуғ вазифалар юклаган. "Подшоҳ – Оллоҳнинг ердаги сояси" деган ақидада собит жамоат учун Макиавеллининг қуйидаги мулоҳазалари ўринли туюлса керак:

"Одамларнинг табиати шундайки, улар ўзига яхшилик қилган одамга қандай боғланиб қолса, ўзи яхшилик қилган одамга ҳам шундай боғланиб қолади".

"Ҳукмдор ҳамма нарсадан кўра фуқароларнинг нафрати ва жирканишидан кўрқиши керак".

"Янги ҳукмдор дуч келган гапга ишонавериши, гумонсирайвериши, салга жазолайвериши керак эмас, у ҳар бир ишда ўзини вазмин тутиши, эҳтиёткор ва мурувватли бўлиши лозим, токи ортиқча ишонувчанлик ғафлатга олиб бормасин, ортиқча гумонсираш эса аҳли фуқаронинг ғазабини келтирмасин".

"Одамзод шундай: ёмонлик қутилаётган томондан яхшилик келиб қолса, яхшилик қилганга жон-дили билан боғланиб қолади".


"Ҳукмдор беқарор, енгилтак, инжиқ, кўрқоқ ва сусткаш бўлса, фуқаро ундан жирканади. Бу каби иллатлардан оловдан кўрққандек кўрқиш ва, аксинча, ҳар бир ишда олижаноблик, жасорат, қатъият ва сабот намоён этиш керак".

"Ҳукмдорнинг донолиги ўз атрофига қандай одамларни тўплаб олганига кўра баҳоланади".

НОСОЗ АЪМОЛ – АБГОР ТУРМУШ

Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. Тошкент, "Маънавият", 2010.

Давлатлар ва халқлар инқирозининг асл сабаблари ҳақида гап очилганда, узоққа улоқиб кетишимизга ҳожат йўқ. Ҳақлигини Худодан бошқага айтолмаган фуқаронинг зулми кучайтирган, адолатни оёқости қилган ҳукуматга ишончи қолмайди. Ёвуз ҳоким нафақат диннинг, давлатнинг ҳам офатидир. Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг (с.а.в) "Қачонки ишлар ўз аҳлидан бошқа кишилар кўлига ўтказилса, қиёматни кутаверинг" деган гапи таназулга юз тутган халқларга қўйилган энг тўғри ташхисдир.




Туркистон тараққийсини истаган Фитрат мамлакат ва дин номини бир замонлар жаҳон саҳнасига олиб чиққан "форобийлар, бухорийлар, ибн синолар, улуғбеклар қани?" дея ўзига савол беради. Бугунги авлод ҳам ҳали-ҳануз ана шундай саволларга жавоб изламоқда. Ислоҳ бор-у, муслмонлик заифлашган юрт аҳволдан фарёд қилган аллома "Миллатининг эътибор ва шарафи бўлмаган кишининг – у қанчалик шарифу бой бўлса ҳам – эътибори бўлмайди", дейди. Ҳа, миллатнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, зиёлилар армиясини шакллантириш биз учун ҳозир ҳам ҳаёт-мамонт масаласидир. Оллоҳ бандаларининг савоб ва азобини ақл сабабли беришини ирода қилган; ақлни пешлаш орқали ибодатларимизни-да гўзал қилган бўламиз. Оламнинг низоми ва интизоми ақлдир, деган даъватга ким мункир келади?

Дунёга чиққан халқ юз йил бурунги ташвиш ва муаммолари кун тартибидан тушганми-йўқми – аниқлаб олгани дуруст. Негаки, кийим-бош билан мутараққий халқлар орасида бегона эмасдирмиз, аммо нуфузимиз, ҳайбат ва мавқеимиз-чи? Беш-ўн йилдан сўнг нуфуси қирқ миллионга етадиган халқнинг замонавий тараққиётдаги ўрни қандай? Бизнинг овозимиз ёки сўзимиз минтақаю жаҳон сиёсатига, тижорату иқтисодига таъсир ўтказа оладими? Пешонамизга то рўзи маҳшар кимларгадир қабоқбардор бўлиб ўтиш битилмагандир?! Дарвоқе, бугун ижтимоий тармоқда сизни мот қилишга тушиб кетадиган даҳрий ёшлар демократия тантана қилаётганини англамайди. Бу, назаримда, довул олдидан эсадиган совуқ шамол, холос. Хўжақўрсин амаллар, ҳаётнинг асл маъно-моҳиятидан йироқ турмуш нафақат оддий одамни сондан чиқаради, балки уммат номига ҳам доғ туширади. Бир тасаввур қилайлик: хотиннинг эрга, отанинг фарзандга, дўстларнинг бир-бирига, шогирднинг устозга, харидорнинг сотувчига, фуқаронинг ҳокимга ишончи йўқолса нима бўлади? Туйғулари топталган ошиқ, панд-насихати ҳавога учган падар, аждодлар васиятини инкор этган авлоднинг домонгирлиги нимада? Меҳр-муҳаббатми? Эътибордир балки? Бой берилган орзу-умид, йўқотилган ишонч, хўрланган ор-номусни тиклашдир эҳтимол?!

Фитрат кўз очган даврдан буён неча ҳокиму мутлоқ зотлар ўтдики, номини эшитган одам бир қалқиб тушади. Лекин уларнинг аксари бу дунё саодатига ҳам эришолмай майда манфаатлар қурбони бўлиб кетди. Қон томирларимизда юғраётган лаънати иблис доим қуткуга, исёнга бошлайди. Бугунги вазият шундайки, ҳар бир кун, ҳар бир ҳафта ва ой келажагимиз учун муҳим. Биз, нафсиламрини айтганда, давлат ва халқ сифатида, улкан чорраҳада турган йўловчимиз гўё! У ёки бу давлатнинг чойчақаси муқаддас динимиз ва миллий урф-одатларимиз, кадрият ва тарбиямиз томирларига заха етказадиган бўлса, бундай "меҳрибонлик"дан воз кечганимиз маъқул. Оилавий тутумларимиз Европа ёхуд Америка ўлчовларига тўғри келиши шарт эмас ва бу "қолоқлик"ка розимиз!

Маъюс ва маҳзун бўлиш муслмонга ярашмайди. Ғайрату шижоатли умматни хуш кўрган Муҳаммад (с.а.в.) шаръий амрларини билиб-билмай, ҳатто қасддан хато қўллаш Фитрат замонида қолиб кетган бўлса кошки эди. Жаҳолат, оломончилик, неъмат шукрини қилмасликка асримиз ҳам "меросхўр" чиқди.

Фитрат домланинг "Нажот йўли" асари ҳозир ҳам огоҳлик кўнги-роғи каби жаранглаб турибди. Ҳақ йўлидан тойган элнинг абгор турмуш манзараси у... Ҳақ йўли биздан йироқда эмас, ўзимизда: "Албатта, то бир қавм ўзларини ўзгартирмагунларича, Оллоҳ уларнинг ҳолини ўзгартирмас" ("Раъд" сураси, 11-оят).





Buyuk insonshunos

Азизиддин Насафий улкан назариётчи олим сифатида ном қозонган ва ўздан кейин бебаҳо маънавий мерос қолдирган.

Насафий тасаввуф, калом ва ҳикмат билан шуғулланиб, бу борада аниқ қарашларга эга эди. Атоқли олим ва мохир таржимон Нажмиддин Комилов таъкидлаганидек, у биринчи бўлиб Шарқ фалсафий оқимларини уч қисмга ажратиб ўрганган. Чунончи, унинг фикрига кўра, Шарқда бир-бирига вобаста ва бир-бири билан муҳолифатда тараққий этиб келган куйидаги илмлар бор: 1) илми калом; 2) илми ҳикмат; 3) илми ваҳдат, яъни тасаввуф. Олим, гарчи тасаввуфга мойил бўлса-да, қолган оқимларни ҳам ҳолисона ўрганиб, уларни бир-бирига қарама-қарши қўймай, балки муқояса усулида умумий жиҳатларини очиб беради.

Олимнинг доимий диққат марказида инсон ва унинг камолоти бўлиб, тасаввуфнинг комил инсон концепциясини атрофлича ўрганиб чиққан. У ўзининг “Кашф ул-ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар кашфи”), “Мақсади ақсо” (“Сўнги мақсад”), “Зубдат ул-ҳақойиқ” (“Ҳақиқатлар қаймоғи”), “Усул ва фуруъ” (“Усуллар ва шохлар”), “Баён ат-танзил” (“Нузул баёни”), “Манозил ас-соирин” (“Сайр этувчилар манзили”), “Мабдаъ ва маод” (“Манбаъ ва қайтиш жойи”) асарларида ушбу мавзу устида тўхташдан ташқари, “Инсонни комил” номли махсус рисола ҳам ёзган.

Мутафаккирнинг фикрича, одам – илм мазҳари ва нур ўчоғи ва барча илм комил инсонда намоён бўлган.

Насафийга кўра, комил инсон ҳар жиҳатдан камолга эришган, донишманд, фозил, олам сирларидан бохабар, инсониятни ҳидоятга, Ҳақ ва ҳақиқатга, бахту саодатга етакловчи, бошловчи, назаркарда, дунёвий-илмий, илоҳий-руҳий имконият ва қувватга эга, жамият тараққиёти қонунларини англовчи, унинг сирларини билувчи, аслий ва наслий фазилатли зотдир.

Аллома таъкидлайдики, бу тушунча инсоннинг камолотга эришув жараёнидаги машаққатларини ҳам ифодалайди. Мазкур мақомага эса илоҳ ато этган табиий, ирсий истеъдод ва албатта тинимсиз

меҳнат орқали эришилади. Бошқача айтганда, комил инсонга илми азалий – илоҳий инъом берилган бўлиб, у илми жадалий, ақли муқтасиб билан уйғунлашади.

“Билгилки, – деб ёзади Насафий, – комил инсон шундай инсонки, у шарият, тариқат ва ҳақиқат борасида етукдир ва агар буни тушунмасанг, бошқа ибора билан айтмай: билгилки, комил инсон деб шундай инсонни айтаминки, унда тўрт нарса камолга етган бўлади, яъни яхши сўз, яхши амал, яхши хулқ ва маърифат. Унинг тили поку дили пок, иши ва ниятлари покдир. Эй дарвеш, илоҳ йўлини қабул этган жами солиқлар шуни эгаллаш билан машғулдирлар, ва одамларнинг вазифаси ана шу тўрт нарсани камолга етказишдан иборат. Кимки бу тўрт нарсани камолга етказса, ўзи ҳам камолга етади. Дарегким, кўп одамлар бу йўлга кирдилар, аммо гирдобларга фарқ бўлдилар ва мақсадга етолмадилар, муродлари ҳосил бўлмади”.

Азизиддин Насафий томонидан комил инсон истилоҳига XIII асрда берилган мумтоз таъриф мана саккизинчи асрдирки жаҳон мутафаккирлари, ақли донишлари диққатини ўзига тортиб келмоқда.

Насафийнинг фикрича, “Комил инсоннинг исми-сифатлари (белгилари) кўпдир, турли исмларни эътибор юзасидан унга нисбатан берадилар ва бунинг барчаси тўғридир... Комил инсонни шайх ва раҳбар, ҳодию маҳди, дейдилар. Ва доно ва болиғ (балоғат чўққиси) ва комил ва мукамал ва имом ва халифа ва қўб ва замон эгаси деб улуғлайдилар. Ва жаҳонни кўрсатувчи жом ва оламни кўрсатувчи кўзгу ва улуг тарёк ва иксири аъзам дейдилар. Ва уни ўлиқни тиргизувчи Исо ва ҳаёт сувини ичган Хизр ҳам дейдилар. Ва Сулаймон дейдилар, чунки кушлар тилини билади ва деву парига шоҳдир. Ва бу комил инсон ҳамisha оламда бордир”.

Бундан хулоса шуки, баркамол инсон ҳаётдан ташқари бўлган аллақандай мавҳум зот эмас, балки реал одамдир. Яхши фазилатларни эгаллаб борган инсон ана шундай улуг мартабага кўтарилма олади. Бунинг учун эса риёзат чекиб тарикат мақомларини босиб ўтишга тўғри келади.

Буюк инсоншунос аллома А.Насафий комил инсонга хос фазилат ва ҳисларни гоят теран ифодадалай олган. Унга кўра, мулк, малакут ва жабарут оламларида ҳеч нарса комил инсон кўзидан яширин қолмайди. Барча ашёнинг моҳиятини ва ашёлар ҳикмати моҳиятини туб-тубигача билади. Одамлар коинотнинг қаймоғи ҳамда мавжудот дарахтининг меваси бўлса, комил инсон одамнинг қаймоғидир. Комил инсон илоҳиётни таниб Худои таоло дийдорига етгандан кейин халққа роҳат етказишдан улуғроқ тоатни билмагай ва ҳеч бир ишни бундан ортиқ кўрмагай ва одамларга эҳсон қилиш, фойдали сўз айтиш ёки фойдали иш қилишдан ўзга роҳатни билмагай. Токи одамлар у айтган йўлдан юриб, буюрган ишни қилиб, дунёда осонроқ яшасин ва дунёнинг балою фитналаридан эмин бўлсин ва охиратда азоблардан қутулсин. Кимки шундай қилса, у набийларнинг ворисидир.

Насафий таълимотича, "Комил инсон халқ орасида ростликни барқарор этиш ва ёмон одат-русумларни халқ орасидан кўтариш ва одамлар ичида эзгу қонун-қоидаларни жорий этиш, одамларни худо йўлига қорлаб, охиратни таърифлаш ва дунёни маънамат қилиш, дарвешлигу хокисорликнинг фойдасини кишилар онига етказишни энг яхши ибодат деб билади. Токи кишилар қалбида дарвешликка

муҳаббат уйғонсин ва шаҳват, бойликка нафрат пайдо бўлсин. Буюради, токим одамзод тили ва қўли билан бир-бирининг тинчи ва омонлигини таъминласин ва шунга аҳду паймон қилсин ва бу аҳдни бузмасин, агар бузса имонсиз бўлади".

Қайд этилишича, жумла мавжудот айнан комил инсонлар борлиги учун одамзодга сажда қилади. Бас, жумла одамзод комил инсон туфайли шарафлидир. Оллох яратган мавжудот ичра комил инсондан кўра улуғроқ ва донороғи йўқ.

Унутмаслик керакки, инсон камолотида жисмоний ва маънавий гўзаллик бирдек муҳим аҳамият касб этади. Насафийнинг фикрича, комил инсон оламнинг сирини ва қутбидир. Шу сабабданки, у илмининг муҳити ва манбаидир, олимдир, яъни ҳар бир нарсани ўз жойида кўради ва ўз мавқеида баҳолаб, адолат қила олади. Ва одамлар ҳаммаси унинг теғрасида, у туфайли яшайди. Афлов ва анжумнинг икки қутби бор ва улар шу қутблар атрофида айланади. Одамлар ҳам икки қутбга эгадирлар: бири доно инсон, иккинчиси тавоно, яъни кучли инсон. Агар бир киши ҳам доно ва ҳам кучли бўлса, унинг иши осон кечади. Албатта, фақат комил инсон шундай фазилатга моликдир.

ШомаТ САМАДОВ,

фалсафа фанлари доктори, профессор

Nosiruddin Samarqandiy xatarni oldindan sezganmi?..

Глобаллашув даврида "оммавий маданият" умминсоний қадриятларга жиддий хатар туғдирумқда. "Оммавий маданият" (аслида, уни оломон маданияти деб атаган маъқулроқ), дейлик, киши ташқи қиёфасининг турфа шакл-шамойилга солиниши, тана аъзоларининг ўзгартирилиши, кийиниш этикасининг буткул инкор этилиши каби ҳолатларда намоён бўлмоқда.

Носируддин Самарқандийнинг (ваф. 556/1161 й.) "Ал-Фикҳ ан-нофеъ" ("Фойдали фикҳ") асари қарийб тўққиз аср олдин – 1160 йилда битилган бўлса-да, унда баён этилган ижтимоий масалалар ҳануз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Хусусан, асарнинг 23-бўлимида кийиниш маданияти, эркаклар ва аёлларга хос кийим ва тақинчоқлар масаласи батафсил баён этилган. Жумладан, эркакларнинг ипак либос кийиши ҳалол эмаслиги, аксинча, ипак мато аёллар учун зийнат экани таъкидланган (*Иброҳим Аббӯд. Абулқосим Носируддин Муҳаммад ибн Юсуф Самарқандийнинг "Ал-Фикҳ ан-нофеъ" асари тадқиқи. Ж. 2. Ар-Риёд, "Мактабат ал-абикон", 2000. 887-бет*). Самарқандий бу борада Расулulloҳ(с.а.в.)нинг "Ипак матодан либос кийиш ва тилла (тақинчоқлар

тақиш) умматининг эркакларига ҳаромдир. Уларнинг аёлларига эса ҳалолдир" деган сўзларини далил қилиб келтирган.

Рисолада эркакларнинг ипак ёстиқдан фойдаланиши борасидаги ҳукмлар ҳам баён этилган. Мазҳаббоши Абу Ҳанифа ипак ёстиқдан фойдаланишга рухсат берган бўлса, унинг шогирдлари Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад макруҳ дея қайтарган.

Самарқандий ипакдан тўқилган қаттиқ кийим – кимхоб ҳақида ҳам мазҳаб улуғлари қарашларини келтирган. Хусусан, Абу Юсуф ва Имом Муҳаммад уруш вақтида кимхобни совут ичидан кийса бўлади, деб рухсат берган, Абу Ҳанифа эса уни макруҳ санаган.

"Оммавий маданият"нинг яна бир кўриниши тана аъзоларини тешиш ва турли хил тақинчоқ тақишдир. Бу ҳолатнинг эркаклар орасида тарқалиши эса миллий ва диний қадриятларимизга зид саналади.

"Ал-Фикҳ ан-нофеъ" муаллифи эркакларга тилла ва қумушдан ясалган тақинчоқларни тақиш ман этилгани, аёлларга эса рухсат берилганини қайд этади (*ўша асар, 889-бет*). Эркакларга қумуш узук ва камар(белбоғ)га рухсат берилади.

Самарқандий ўғил болаларга, ҳатто чақалоқ бўлса ҳам, ипак либос кийдириш ва тилло тақинчоқлар тақишдан қайтарган. Бу билан олим бола туғилган вақтдан унинг тарбиясига алоҳида аҳамият қаратиш лозимлигига ишора этади.

Носируддин Самарқандий бу ҳақда “Эркакларга ҳам, аёлларга ҳам ейдиган, ичадиган, хушбўйланадиган ва кундалик ҳаётда фойдаланадиган буюмлари кумуш ва тиллодан ясалган бўлиши жоиз эмас”, деб ёзади. Олим бунга “Ким кумуш ёки тилло идишдан таом тановул қилса, қорнига дўзах оловидан ебди” деган мазмундаги ҳадиси шарифни далил қилиб келтиради.

Олим шиша, биллур, ялтироқ тошлардан ясалган буюмлардан фойдаланиш жоиз дея хулоса беради. Эгар ва шу каби доимий истифода этиладиган буюмларга кумуш тус берилган бўлса, улардан фойдаланиш мумкинлиги, лекин Қуръон мусхафига олтин ва кумуш сув юргизиш, тилло ёки кумуш ғилоф қоплаш макруҳ эканини таъкидлайди. Бунга далил сифатида улуғ саҳоба Абдуллоҳ ибн Масъуднинг “Қуръонни (ҳар хил тилло ва кумуш безас ва ғилофлардан) тозаланглар. Уни (ўзингиз) киядиган либослар билан кийинтирманглар!” деган сўзини келтирган.

Демак, нафақат инсонлар фойдаланадиган буюмлар, ҳаттоки Қуръони карим мусхафи тилло ва

кумуш бўлиши номақбул саналган. Чунки бу ҳол, биринчидан, исроф ҳисобланса, иккинчидан, инсонларни кибрга етаклайди.

“Ал-Фиҳр ан-нофъъ” асарида масжидларни безаш ва деворларига турли нақшлар чиқишда олтин сувидан фойдаланиш жоизлиги, ammo бунини тарк этган афзал экани алоҳида таъкидланади (*ўша асар, 891-892 бетлар*).

Афсуски, бугунги кунда масжидларни кимўзарга баланд қилиб қуриш, уларни ортиқча безаш ҳам авж олмоқда. Аслида ибодат амалларини тўғри бажариш, масжид одобиға риоя қилиш, мўминларнинг таълим-тарбиясига эътибор қаратиш муҳимроқдир. Шу боис масжидлар покиза, озода, ёруғ ҳамда ҳашамдан холи бўлгани афзал. Айни чоқда, таълим ҳамда соғлиқни сақлаш муассасаларини обод қилиш савобли амаллар сирасига киради.

Носируддин Самарқандий каби олимлар ҳаёти ва илмий меросини чуқур тадқиқ этиб, жамиятдаги турли ижтимоий масалаларга ечим топиш мумкин. Бундай мўътабар асарлар ёшларни тарбиялаш ҳамда ёт ғояларга қарши курашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Бекзодбек МУХТОРОВ,

*Ўзбекистон халқаро Ислам академияси
таълим докторанти*

Shatranj – ma’naviy ganj

Шатранж, яъни шахмат ўн беш аср муқаддам кашф этилган. Абу Райҳон Бериунининг “Таҳқиқ мало ул-ҳинд” (“Ҳинд халқи тарихи таҳқиқи”) асарида мансуба (ўйинда ҳийла ва тadbир) аталмиш шахмат услуби тўғрисидаги ривоят келтирилади. Эмиш-ки, бир вазирнинг Дилором исмли завжаси шатранжга кўп иштиёқманд, аёллар даврасида моҳир шатранжчи бўлган экан. Дона суриш баҳсларининг бирида вазир мол-мулкни рақибига бой бериб қўяди ва эҳтиросларини жиловлай олмай, аёлини тикади. Ҳайвон холи ерда кузатиб турган Дилором бу сафар ҳам мағлубият муқаррарлигини англаб, жон ҳолатда “Хожам, икки рухнингизни қурбон қилингу Дилоромингизни поқдамонлигидан асран”, дея илтижо қилади. Вазир мансуба, яъни оқилона бир ҳийла-тadbир қўллаб, ғолиб келади. Шу тариқа наинки ўз шаъни, балки аёлининг ор-номусини ҳам сақлаб қолади.

Шарқ шоирлари шахматдан мажоз-истиора сифатида кўп фойдаланишган. Алишер Навоий ижодида ҳам шахмат билан боғлиқ тимсоллар, сўз ўйинлари, эпизодлар жуда кўп. У шахматни ақлга сайқал берувчи гавҳаршунос, киши ҳаётига завқ бағишловчи омил деб билади. “Ҳайрат ул-аброр”да назм ҳақида ёзатуриб, тахтага икки қатор қилиб терилган доналарни икки мисра шеърға ўхшатади.

Шоирнинг айтишича, назм – сўз айтишининг шундай нозик усулидирки, ижодкор ҳар қанча тафаккурли бўлмасин, назмда озгина паришонликка йўл қўйса, отнинг битта юриши билан мот бўлиб қолган ўйинчи ҳолига тушади: “*Фикри саҳиҳ элга бисотида от, / Қилса паришонлиғ ўлуб анда мот*”.

“Садди Искандарий”да эса “*Анингдекки, тифл устабон инбисот, / Чу шатранж ўйнарга ёйса бисот*” деб ёзади шоир. “Хазойин ул-шаоний”даги шеърларда ҳам шатранж билан алоқадор тасвирлар кўп учрайди. Куйидаги шеърини парчада бу ўйин шаксиз ҳаётини нашъага қиёсланади:

*Ики шатранж отидек бириси
Кўтара олмай ўз еридин аёқ,
Чопса шатранж хонаси хатидин
Секримаклик аларға беҳад шоқ,
Хўбларни рух била қил мотким,
Шоҳ кўрмайдур сенигадек бу бисот.*

Навоий яна бир ўринда шоҳмот доналари воситасида мажоз йўли билан ўзи яшаган ижтимоий ҳаёт воқелигини қаттиқ танқид остига олади. Унингча, фарзин каби эгри юрадиганлар шоҳ ёнидан, рух каби тўғри юрадиганлар эса чеккадан жой олган: “*Шаҳ ёнин фарзин киби кажлар мақом этмиш, не тонг, / Ростравлар арсадин гар тут-*

салар рухдек қироқ". Шоир "Лисонут-тайр"да ҳам айна шу истиорадан фойдаланади: фарзиннинг "кажхиром"лигини айтиб, ҳар бир шоҳнинг ёнида албатта мана шундай вазир бўлади, дея таасуф билдиради. Шахмат билан боғлиқ тимсоллар "Фарҳод ва Ширин"да ҳам, "Сабъаи сайёр"да ҳам учрайди.

Шатранжга ихлосманд кишилар ҳамisha Навоийнинг ҳурмат-иззатида бўлган. У "Мажолис ун-нафоис"да моҳир ўйинчилар исмини тарихга муҳрлаган. Ўзи ҳам фикрини чархлаш учун гоҳ-гоҳ шахмат ўйнаб турган.

Шатранж Навоий наздида анча эътиборли ҳодиса бўлгандирки, шоир бирор шахс ҳақида ёзганда, у шахмат ўйнашни билган бўлса, албатта қайд этиб кетган. Мавлоно Васлий ҳақида ўқиймиз: "Мавлоно

Хожа Калон қозининг ўғлидур. Отасини Ҳирий аҳли иттифоқ била ақл ва раъйга мусаллам тутарлар эрди. Ўзи хийли салоҳиятлик йигитдур. Кабир ва сағир шатранжни хўб ўйнар". Мавлоно Фазлulloҳ тўғрисида ҳам шундай ёзади: "Салоҳиятлик йигитдур. Толиби илмлиги ҳам бор. Шеър ва муаммо ва нард ва шатранжи ҳозирона ва ғойибона, балки сағир ва кабирни билур". Демак, Навоий наздида шахмат – салоҳият, ақл-идрок белгиси бўлган. Шоир ўзи ҳам шатранжни билгани, бу ўйиндан бохабар кишиларни алоҳида ҳурмат қилгани, асарларида доналар тимсолларидан маҳорат билан фойдалангани тарихда бу ақл мусобақасининг қадри баланд бўлганини кўрсатади.

Музаффар МИРЗО,
тадқиқотчи

Nafsi – tuproq, himmati – osmon

Ўрта асрларда риндлар тариқати тасаввуф билан боғланиб, "ринд сўфийлар" тоифаси ва "риндон тасаввуф" (Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. Тошкент, "Ёзувчи", 1996. 12-17-бетлар) оқими пайдо бўлган; бу тоифани "харобот риндлари" ёки "хароботийлар" (Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. Тошкент, 1983. 42-бет) деб аташган. Бу атама XII асрда Ганжа шаҳридаги ҳаётдан завқ, лаззат истаган хонанда, шоир ва зиёлилар тўпланиб, мажлис қуриб, мушоира уюштирадиган Харобот маҳалласи номидан келиб чиққан. Кейинчалик хурсандчилик қилувчи риндлар "хароботийлар" дейилган.

Алишер Навоий "Маҳбуб ул-қулуб" асарида харобот риндларини "Худонинг ошиқлари", "Ҳақнинг севган бандалари" деб таърифлаган: "Ўз вужудини ўзи ерга қоради; мажлисларда энг қуйидан жой олади. Агар нафслари тупроқ билан тенг бўлса-да, лекин ҳимматлари олдида баланд осмон гўё пастдек... На ҳаётдан, на ўлимдан кўрқади; ҳиммати олдида бор-йўқ – бирдай. ...Майпараст (риндлар) даврон зўравонлари зулмидан шундай кун кечиришга ҳақлидир; агар шундай бўлса, у Ҳақ афв ва марҳаматига лойиқ. Вужуди майхона тупроғида фоний; умиди Ҳақнинг қарамидан абадий ҳаёт. Риндлар ва гадолар етишган давлат ва саодатга шоҳлар ҳам орзу ва ҳасрат билан қарайдилар" (Ўша манба, 42-43-бетлар).

Хўш, Навоий тилга олган риндлар кимлар? Академик Иззат Султон риндликни тасаввуфнинг бир кўриниши деб ҳисоблайди ва "...шахс эркинлиги, ҳурфикрликка, ҳаётни севишга интилиш борлиги ва риндларнинг шариат қоидаларини очиқ ва онгли равишда тан олмаслиги шубҳасиздир. Риндликнинг бу хусусиятлари ўрта аср шароитида уни насбий про-

грессив фикр ва ахлоқ ифодачисига айланттирган" (Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. Тошкент, "Бадий адабиёт", 1969. 53-54-бетлар), дейди.

"Ғиёс ул-луғот"да "ринд" сўзига қуйидагича изоҳ берилган: "Ринд – шундай инкор этувчиларки, улар шариат буюрган ишларни жоҳиллик билан (тушунмай) эмас, балки яхши тушуниб туриб инкор этади". Атоқли шарқшунос Нажмиддин Комилов риндларни сўфийлар билан боғлайди: "Сўфий жамоалари орасида "ринд"лар зоҳиран ўзларини беҳуд, бепарво қилиб кўрсатувчи, ботинан эса мутафаккир ва закий бўлганлар, дунёнинг нобаробарлигидан, адолатсизликлардан зада кишилар алоҳида ажралиб турарди, улар бир-бирига рози дил айтиш, ҳасратлашиш учун йиғинлар уюштираддилар. Бундай йиғинларда илму адаб аҳли ҳам иштирок этарди, риндлар одатига мувофиқ меъёрида шароб ичиб, сархушлик қилиш, эркин-озод ҳолда туйғулар тизгинини қўйиб юбориб, куй-қўшиқ, шеърхонлик "базм-жамшид"ини тузиш расм бўлган. Риндлар даврасининг ўз шоирлари, созандаю мутриблари бўлган" (Комилов Н. Эслатилган асар. 159-бет). "Ринд" – нозиктабиат, олифта, бепарво, салт – сувои, "лоуболи" эса бепарво, беғам, бепарҳез деган маъноларни ифодалаган бўлиб, Ҳофиз ва Навоий қабилар тасвирлаган бу образда ушбу сифатларнинг ҳаммаси мавжуддир", деб ёзади профессор Абдуқодир Ҳайитметов.

Навоий шеърларида Ҳофиз "Ринди Шероз" деб тилга олинган. Чунки, биринчидан, Ҳофиз Шерозий ғазалларининг асосий тимсоли – ринд. А.Ҳайитметовнинг қайд этишича, "Навоий лирикасида алоҳида ринд образи йўқ. Риндлик – ошиқнинг бир хусусиятидир". Навоий даврида майхўрлар ҳам ўзлари-

ни "риндлар" деб атаган. Аммо буюк ўзбек шоири "ринд" деганда уларни назарда тутмаган. Муҳаммадjon Маҳмуд шоир асарларида тилга олинган риндлар мажлисидаги майни "илохий муҳаббат" деб талқин этади: "Май – Оллоҳнинг ишқи, майхона – тариқат аҳли тўпланиб, муршиддан таълим-тарбия олувчи маскан, ринд – Тангри ишқи билан маст дил аҳли (ошиқ сўфийлар), қадаҳ – унинг қалби, йўл – Оллоҳга элтувчи хилма-хил тўсиқларга эга тариқат йўли маъносида кепаци" (*Маҳмуд М. Навоий ижоди-га янги қараш. Тошкент, "Меркури", 2015. 53-бет*).

Навоий "Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер"да устозининг риндлиги ва барча риндларни азиз тутгани, ўз уйдан бундай тоифага жой бергани ҳақида ҳам ёзган. Унинг хонадониди Ҳирот риндлари тўпланган ва мажлислар ўтказган. Бу ҳақда Фаҳрий Ҳиравий ўзининг "Тазкират ус-салотин" асарида шундай ёзган: "Амир Саййид Ҳасан Ардашер Калоний ...риндлик айёмида дўстлари – харобот риндлари орасида

эди ва бу ишни ундан қони қайноқроқ киши қилган эмас эди" (*Фаҳрий Ҳиравий. Раъзат ус-салотин. Тошкент, "Мумтоз сўз", 2014. 108-бет*).

Навоийнинг замондоши шоир Мавлоно Муҳаммад Бадахший Самарқандда ўқиб, Ҳиротга қайтгач, "тахсил ишин тақмил қилур вақтда ғоят хуштаб-лиғидин ва мусоҳиблар хоотири жиҳатидан лавандлиғларга тушти (ичкиликка берилди) ва риндлик тарийқин ул мартабага еткурдиким, маст ё махмур бош ва оёқ яланг куй ва кўча ва бозорда юрур эрди. Ҳодии тавфиқ тавба насиб қилиб, ани туз (тўғри) йўлга кетурди". Шоир Муҳаммад Бадахший ҳам риндлар базмида шеърлари билан иштирок этган.

Хароботий риндларнинг адабий мажлислари, бадиий асарлардаги тимсоллар моҳиятини тадқиқ этиш адабиётимиз тарихини янги маълумотлар билан бойитишга хизмат қилади.

Шерхон ҚОРАЕВ,
мустақил тадқиқотчи

"Sinchalak"ning Olmoniyaga safari

Забардаст адиб Абдулла Қаҳҳор ўз замонасида юз берган янгиликларга, ижобий ўзгаришларга, ўша давр таъбири билан айтганда, халқнинг озодлиги ва меҳнаткашларнинг фаровонлигига муҳолиф бўлган тоифани очик-ойдин қоралади. Дарҳақиқат, у ёзувчи сифатида маънавий қашшоқлик, онгсизлик, жаҳолатга буткул қарши эди. Бундай қусурлар жамиятни фожиага етаклашини яхши биларди. Шунинг учун у ўз асарлари орқали, аввало, маърифатсизликка қарши курашди. "Сароб", "Қўшчинор чироклари", "Синчалак", "Шоҳи сўзана", "Оғриқ тишлар", "Тобутдан товуш" ва бошқа кўп асарларида ҳалол инсонларни улуглаб, фақат ўз манфаатини ўйлайдиган мансабпараст, худбин кишиларни, бойлик учун ҳеч қандай гуноҳдан қайтмайдиган шахсларни қоралади, шафқатсиз танқид остига олди. Шу тариқа у ҳам моҳир сўз устаси, ҳам ҳаёт ҳақиқатини теран англайдиган донишманд ҳамда ҳалол курашчи сифатида халқимиз меҳрини қозонди.

Унинг асарлари хориж тиллариغا таржима қилинди. Э.Брюммер унинг "Синчалак" қиссасини олмон тилига ўгириб, 1961 йили чоп эттирди. Китоб 1962 йили қайта босилди.

Таржимон бежиз "Синчалак"ни танламаган, албатта. Қисса қаҳрамони бўлмиш Саида содда, самимий, нозик, лекин биллими, ўз ҳақ-хуқуқини яхши биладиган, атрофда рўй бераётган воқеаларга мустақил фикр-муносабатга эга, ўзаро қарама-қаршиликларни энгиб ўтишга қодир, мард қиз сифатида

олмон ўқувчиларига ҳам маъқул тушган. Асарда "Бўстон" колхозининг тажрибакор раиси, кўп меҳнат қилган, аммо манманликка берилган, эскича дунёқарашли Қаландаровга катта ҳаётга эндигина кириб келаётган, ёш ходима Саида рўпара қилинади. Уларнинг тенгсиз тўқнашуви орқали ёзувчи бутун жамиятдаги долзарб воқеаларни, камчилик ва хатоларни кўрсатади, уларнинг сабабини ҳам ёритади.

Қисса олмончага атоқли адиб Константин Симонов амалга оширган русча таржимадан ўгирилди. Э.Брюммернинг ютуғи шунда эдики, у ишга киришидан олдин ўзбек халқининг ижтимоий ҳаёти, туриш-турмушини синчиклаб кузатди, муаллиф билан кўп бора учрашиб, маслаҳатлашди, адибнинг бошқа асарларини ҳам чуқур ўрганди. Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, гарчи Э.Брюммер ўзбек тилини билмаса ҳам, таржима жараёнида ўзбекча асл матнни ҳам ёнма-ён кўйиб иш кўрган.

Абдулла Қаҳҳор ўзбек адабиётида ёрқин из қолдиргани, ўз асарларида халқ дардини акс эттиргани сир эмас. Олмон таржимони ўша давр муаммоларини аниқ-тиниқ сеза билди, ўзбек адибининг нималар учун курашаётгани, асосий мақсади нимадан иборат эканини обдон тушунди.

Абдулла Қаҳҳор асарларини олмончага таржима қилиш давом этяпти. Қувонарлиси, энди ўзбек ижодкори Ойбек Остонов адиб ҳикояларини маҳорат билан ўгирмоқда. У илгарироқ Фафур Фуломнинг "Шум бола", Ўткир Ҳошимовнинг "Дунёнинг ишлари" қис-

саларини таржима қилган эди. Яқинда эса Абдулла Қаҳҳорнинг талай ҳикояларини олмончага ўгириб, китоб ҳолида чоп эттирди.

Бадиий таржима ҳамisha халқларни халқларга яқинлаштиради, дўстликни кучайтиришга муносиб

ҳисса қўшади. А.Қаҳҳор асарлари таржимаси ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилиши шубҳасиз.

Содиржон ЁҚУБОВ,
ЎзМУ доцент, филология
фанлари номзоди

Baxt sari talpingan odam

Ёзувчи Улуғбек Ҳамдам замонавий насрнинг барча шаклларида, айниқса, ҳикоя жанрида гоёвий-бадиий пишиқ асарлар битиб келмоқда. Адиб инсон руҳий ҳолатини чуқур ўрганади, қаҳрамон ички кечинмаларини ўзи аниқ ҳис қилган каби қоғозга туширади.

Улуғбек Ҳамдам инсон ва ҳаёт воқелигини бори-ча тасвирлайди: қораламайди ҳам, оқламайди ҳам. Лекин баҳс-мунозарага сабаб бўладиган масалани ўртага ташлайди, китобхонни чуқур ўйлашга ундайди. Муаллифнинг позицияси маълум бўлган тақдирда ҳам муштарий мулоҳаза юритишда давом этади. Ёзувчи ҳикояларида воқеалар ривожланиб борар экан, муаммоларнинг ўткирлиги, жиддийлиги, уни осонликча ечиш мумкин эмаслиги, яъни оддий бўлиб кўринган воқеа ортида ҳам жиддий масалалар яширингани маълум бўлади. Муаллиф бу услубни қизиқарли ҳикоя қилиш учун эмас, балки инсон руҳияти, маънавий олами ва дунёқарошида ўзгариш яшаш мақсадида қўллабди.

Адиб қаҳрамонлари кўпинча замонавий кишилар, зиёлилар; ҳозирги кунда жамиятда ўз ўрнини қидираётган, тополмаса ғам чекаётган; топса, адашмадиммикан деб иккиланаётган; тўғри яшашга интиладиган; курашга, қийинчиликларни енгишга қодир, лекин баъзан одамзоднинг фақат ўз манфаати учун ҳаракат қилаётганидан, уларга эргашиб ўзи ҳам худбинлик қобилига кириб қолаётганидан изтироб чекаётган замондошларимиздир. Ёзувчи чуқур мушоҳада юритишга қодир кишиларнинг умумлашган образларини яратди.

Улуғбек Ҳамдам ҳикояларида қаҳрамонларнинг қалби гапирди, гўзалликни ҳис қилади, ички изтироб чекади, ўйлайди ва ниҳоят ўзига хос фалсафий хулоса чиқаради. “Кўнгил дарёси” ҳикоясида муаллиф кундалик юмушларга кўмилиб кетган одамнинг ич-ичида яширинган гўзалликка бўлган иштиёқни моҳирона очиб беради. Ҳикоя қаҳрамони – ҳар кунги вазифаларини бекаму кўст адо этаётган оддий, ҳалол, замонавий инсон. Кимлар учун ахлат ташланган ариқ, кимдир учун эса кўнгил дарёси ҳисобланган анҳор ва унда оқаётган сув – ташвишларга тўла, лекин гўзал ҳаёт тимсолидир. Қаҳрамон буни кеч бўлса

ҳам англайди, уни бори-ча севади. Ҳикоя қаҳрамони: “...замонавий инсоннинг кундалик ҳаёти ҳақида тимсиз бош қотираман. У ўз атрофида қандай дунёни барпо этдики, энди ўзи унинг бандисига айланиб ўтирибди!.. Туриб-туриб, “Сизиф ҳар биримизнинг кўксимизда жойлашган, у бизнинг ўзимиз, Сизиф – бизнинг ҳар биримиз!..” дея оламга жар солгим келади”, дейди. Унинг ташвишлари, қиладиган ишлари рўйхати ёзилган бир парча қоғоз, телефондаги эслатмалар... бари-бари бизга жуда таниш. Ҳикояни ўқир эканмиз, дарров бахт ортидан югуриб кетаётган одам ҳаёлимизга келади. Бундай ҳолат тўғри эмаслигини қаҳрамоннинг ўзи ҳам яхши тушунади. У тасодифан анҳорга кўзи тушгандагина гўзалликдан завқланади ёки ширин тушларидагина ташвишлардан холи, хотиржам яшайди; орзу-умидларига эришгандек туюлади. Ҳикояда реал ҳаёт ташвишлари теграсида фикр ва ҳиссиёт каби руҳий ҳодисалар зиддияти бадиий талқин этилган; ҳаёл ва ширин тушлар воситасида қарама-қаршиликлар кучайтирилган. Муаллиф турли-туман бадиий воситалар, тимсолий деталлардан фойдаланади: “...ботаётган қуёшнинг арғувоний ранглари сув зарралари билан қўшилиб, анҳор юзасида бир лаҳзалик камалак пайдо қилганида эса бахтиёрлик ва мастликдан бошларим айланиб кетди. Мен бир зумда ёш бола бўлиб қолгандим. Болаликнинг рангини завқин оламига шўнгидим гўё. Юзада сокин, тубида эса тўлғониб оқиб турган сув юрагимдаги оғриқларни ювиб кетаётганини ҳис қилганимда телбалардек қичқиргим келди”.

Бор-йўғи беш саҳифадан иборат “Бир пиёла сув” ҳикояси ҳаёлий-эртакнамо услубда ёзилган. Биргина хато учун инсон бир умр товон тўлаши керак – ҳикояда ҳаётнинг ана шундай драмаси қаламга олинган. Ҳа, биз дунёга елкамизга юкланган бир вазифани бажариш учун келганмиз; “йўлда чалғимасдан, юкни манзилга ўз вақтида эсон-омон элтиш шарт”лигини ҳаммамиз яхши биламиз. Лекин “Йўлда нима чалғитиши мумкин?” деб бепарво бўламиз, нафсни қондиришга ҳаракат қиламиз.

Қаҳрамон бор-йўғи бир пиёла сув ичгани учун бир умр навбатда туриши, умрини хазон қилиши керак – ҳикоянинг асосий мазмуни шу. Асар сўнгида

қўлланган рамз – синган кўзадан сув оқиши орқали муаллиф одам мазмунли ҳаёт кечириши учун керакли нарсаларга эътибор бермаслигини, аниқроғи қадрига етмаслигини ифодалаган. Ҳикоядан бир қарашда бажариш осон туюлган, бор-йўғи йўлдан тўғри юриш вазифаси – инсон умрининг аслида энг мураккаб вазифаси экани ойдинлашади.

“Лола” ва “Тош” ҳикоялари ҳам замонамиз одамининг ички дунёси, онги-шуури, тафаккури ҳамда дунёқарашининг мураккаблиги ҳақида. Муаллиф қалб тубида яширинган изтироб – тош ва олдинга бошловчи куч – лола бора-бора одамнинг пок руҳияти ва қалбини адо қилиши мумкинлигини таъкидламоқчи бўлади. “Лола” ҳикоясида ҳар бир инсон қалбининг туб-тубида кўпроқ ўз манфаатини ўйлаш,

шухратга, амалга, устунликка интилиш муддаоси яширинганига оид ҳаёт ҳақиқати бадий талқин қилинган. Ёзувчи одам мақсадга эришиш йўлида кўпинча гуноҳ ишдан қайтмаслигидан огоҳ этади. Аслида билиш, олға интилиш, курашиш замирида ҳам кўпинча инсоннинг фақат ўз мақсади сари интилиши ётганидек, ҳикоя қаҳрамони ҳам “...ахир лола мени... фақат мени имлаётир! Қолганлардан юз ўгирганга ўхшайди, ахир, менгагина эътибор бераётир, менгигина ҳузурига чорлаётир!” дейди.

Улуғбек Ҳамдамнинг фалсафий тимсолларга бой ҳикоялари ўзбек адабиётида ўзига хос ҳодисадир.

Саодат КОМИЛОВА,
филология фанлари доктори,
профессор

Folklor nima uchun kerak?

Саволни бу тарзда қўйишнинг ўзи ноўрин, аслида. Аммо қарийб бир аср ўз тарихий илдизларидан узилиб яшашга мажбур этилган халқимиз орасида ана шундай қараш шаклланиб қолгани ҳам бор гап. Инсоният тарихи давомида ўз илдизларидан узилган халқларнинг аянчли тақдирини бугун яққол кўриб турибмиз. Улар кучли давлатларга мустақиллигини аллақачон бой бераётир. Аксинча, тили ва маданиятини дунёга ёйишга ҳаракат қилган давлатлар эса гегемонга айланмоқда. Улар сирасида АҚШ ва Буюк Британияни санаб ўтишимиз мумкин. Инглиз тилининг дунё бўйлаб кенг қамровда ёйилиши ушбу давлатларга мислсиз куч-қудрат олиб келди.

Фольклорнинг халқ ва миллатга нечоғли кераклиги мана шундай ўринларда яққол кўринади. Демак, фольклор халқ ва миллатга ўзининг ким эканини билдиради, уни дунёга танитади, унга чинакам ҳуррият туйғусини бағишлайди.

Фольклорнинг яқша шахс – ижодкор фаолиятидаги ўрни ҳам бекиёс. Ижодкор яқша шахс бўлса-да, у барибир муайян миллатнинг бир бўлаги. Халқ ва миллат шахслардан ташкил топганидек, яқша шахс ҳам ўзи мансуб этносга хос хусусиятларни ўзида акс эттирмоғи керак. Бунда шахсларга хос қусур ва фазилатлар халқ ва жамият ҳаётига дахл қилмоғи муқаррар. Шахслар қанчалик кучли бўлса, миллат шунчалик қудратли бўлади. Қудратли мамлакат эса ўз шахсларини қадрлагани туфайлигина юксак мавқега эриша олади.

Ижодкор бу жабҳада воситачи, яъни халқ ва унинг ижоди ўртасида кўприк вазифасини ўтайди. Демак, унинг елкасига халққа ўзлигини танитишдек буюк ва шарафли миссия юкланган. Хўш, у бу вази-

фани фольклорни билмай туриб бажара оладими? Йўқ, албатта.

Адабиётнинг юксак мезонларидан яна бири – унинг миллий бўлмоғидир. Фақат миллий адабиётгина умуминсоний бўла олади. Фақат миллий адабиётгина дунёга чиқа олади.

Бизнинг адабиётимиз ана шу жиҳатдан анчагина оқсаётгандек, назаримда. Аксар ёзувчи, шоир ва адабиётшуносларимиз ҳалигача фольклорни теран идрок этмайди. Ҳолбуки, мустақилликка эришганимизга чорак асрдан ошди. Бинобарин, миллат ойдинлари тарихий илдизларни ўз халқидан кўра яхшироқ билиши керак. Бусиз юксак санъат асарлари яратиш ҳам душвор.

Негадир ижодкорлар ўртасида фольклорга нисбатан “тўпори” сифатини ишлатиш урфга кириб қолган. Бўлса бордир. Аммо ана шу тўпориликни бадий асарда акс эттириш юксак маҳорат талаб этади. Сирасини айтганда, ҳамма ҳам оддий, содда усулда ёза олмайди.

Халқ поэтикасида ёзма адабиётдан фарқли ўлароқ буюк бир адабиёт яшайди. Ижодкорнинг яна бир улуг вазифаси ана шу маънавий хазинани халқдан олиб, истеъдоди ва қалб кўри ила сайқаллаб яна унинг ўзига тақдим этишдан иборат.

Таъкидлаш жоизки, миллий фольклорга панжа орасидан қарайдиган ижодкорнинг ёзганлари асло ўзбекча бўлолмайди. Бундайлар адабиётимизда, афсуски, кўпчиликни ташкил этмоқда. Ўзбек адабиётининг ҳали-хамон жаҳонга чиқа олмаётганига ҳам ана шу омилни сабаб ўлароқ кўрсатиш мумкин. Буюк адиб Чингиз Айтматов рус тилида ижод қилса-да, асарларининг руҳи қирғизча бўлгани учун

хам оламшумул шуҳрат қозонди. Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Тоғай Мурод сингари адибларимиз соф ўзбекча ёза олгани туфайли ҳам бугун уларнинг асарлари аста-секин дунё тилларига таржима қилинмоқда.

Аммо бунинг ўзи ҳали етарли эмас, халқимизда кўмилиб ётган улкан бадийий захира бор. Уни олиб дунёга тақдим этиш бизнинг муқаддас бурчимиздир. Токи бу муқаддас бурч тўлиқ адо этилмас экан, у бўйнимизда узилмаган қарз бўлиб қолавереди.

Демак, ижод оламига илк қадамлар қўйиб кириб келаётган ижодкор дастлабки таълимини фольклорни ўрганишдан бошлаши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, фольклор таълимини мактабдан бошлаб ўқитиши ҳам йўлга қўймоқ зарур. Ана шунда фарзандларимизда ўз халқи ва унинг фольклорига нисбатан улкан меҳр пайдо бўлади. Бу меҳр келгусида ўз меваларини бермоғи шубҳасиздир.

Насрулло ЭРГАШ,
тадқиқотчи

Bastakorlik nadir

Қарийб ўн беш асрлик тарих, услубий тамойиллар, шаклан ва мазмунан беқиёс аъёналарга эга, миллий мусиқий тафаккуримизнинг асосини ташкил этувчи ўзбек бастакорлик ижодиёти собиқ шўро даврида бир четга суриб қўйилган эди. Истиқлол шарофати билан узок ва яқин ўтмиш бастакорлари томонидан яратилган ҳайратомуз садолар яна халқимиз мусиқий тафаккурига қайтиб келмоқда. Хусусан, сўнгги ўн йилликда Ориф Қосимов, Муҳаммаджон Мирзаев, Мухторжон Муртазоев каби тўнгич авлод бастакорларимиз қатори Орифхон Ҳотамов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Неъматжон Қулабдуллаев, Салоҳиддин Тўхтасинов, Ғуломжон Ҳожиқулов, Бахтиёр Алиев, Турсунбой ва Ҳалимжон Жўраевлардек иккинчи бўғин вакиллари ва айни мустақиллик даврида ижодининг сермахсуллиги билан танилаётган кенжа авлодга мансуб – Абдуҳошим Исмоилов, Ўлмас Расулов, Аҳмаджон Дадаев, Рифатилла Қосимовларнинг бадийий етук асарлари нафақат Ўзбекистон, балки Осиё, Европа ва Америка Қўшма Штатларида ҳам ўз мухлисларини топмоқда.

Энди ушбу авлодларнинг айрим вакиллари ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак.

Тўнгич авлоднинг иккинчи бўғинига мансуб Фаттоҳхон Мамадалиев (1923 – 1999) катта ҳофиз, Тошкент давлат Консерваторияси профессори сифатида тилга тушган. У, айни чоқда, асл ўзбек бастакорлик ижодиётининг аъёналаридан бири, мусиқа меросимизнинг оммавийлашиб кетган намуналари асосида кўп қисмли туркумлар яратиш аъёнасини тиклади. Бастакор томонидан 8 қисмли “Мискин” (Муқимий, Саккокий, Фурқат, Мискин, Улфат ва Туроб Тўла шеърларига), 8 қисмли “Ушшоқ” (Увайсий, Фурқат, Навоий, Огаҳий, Гавҳарий ғазалларига), 4 қисмли “Насрулло” (Навоий, ўзининг ва Улфат шеърларига) муаллифлик туркумлари тузилган бўлиб, бунда Шашмақом шўбаларига хос ва, айниқса, Фарғона – Тошкент мақомларига мос туркумлашув тамойилларига таянилган. Мазкур асарларда бирламчи асосий кўришнишлар ортидан зарурий равишда қашқарча, соқийнома ва уфар тизимидаги микроцикллар киритилган.

Ф.Мамадалиевнинг “Муножот” ва “Савти Фаттоҳхон” деб номланган туркумлари эса нисбатан ихчамроқ шаклларда бўлиб, иккаласида ҳам фақат Алишер Навоий меросидангина фойдаланилган ва пировардида ижодкор яхлит, теран ва серқирра бадийий умумлашма яратишга муваффақ бўлган.

Ўлмас Расулов – нозиктаъб созанда-ғижжакчи, бастакор ва сўнгги йилларда хонанда сифатида ҳам танилган. Унинг асарларини, жумладан, куйидагича таснифлаш мумкин:

1. Мумтоз шоирларнинг ғазал, рубоий ва бошқа шакллардаги шеърий матнлари асосида яратилган аъёнавий ашула йўлларидаги асарлар – Ҳофиз Шерозий “Бишукуют боз”; Алишер Навоий “Васлидин дармони йўқ”, “Яхши қол”, “Керак эрди”...

2. XIX – XX аср шеърляти намуналарига яратилган эркин шаклдаги асарлар – “Парвона” (Маҳзуна), “Таронаи шўх” ва “Ширу шакар” (М.Ғаффорова), “Куйла, булбул” (Зулфия)...

Шунингдек, лирик оммабоп чолғу куйлар – “Тахайюл”, “Хаёл”, “Карашма”, “Ноз”, “Сени эслаб”, “Кўнгил навоси”, “Бисол”, “Дийдор” ва бошқалар.

Мазкур авлодга мансуб бастакорлар орасида Абдуҳошим Исмоилов юксак ижро маҳорати, сермахсуллиги ва серуслублиги билан ажралиб туради. Турли йилларда у Тошкент давлат Консерваториясининг Аъёнавий ижрочилик кафедрасида таълим берган, миллий телерадиокмпания қошидаги “Мақом” ансамблининг бадийий раҳбари, шу билан бирга, Абдурахмон Холтожиёв, Абдулаҳад Абдурашидов каби моҳир созандалар иштирокидаги “Ўзбек виртуозлари” ансамбли ташкилотчисидир.

Ижодий изланишларини асосан “Бўлмас”, “Тоғли қиз” каби оммабоп қўшиқлардан бошлаб, кейинчалик куйидаги йўналишларда шаклан хилма-хил ва жанр жиҳатидан кенг қамровли асарлар яратмоқда:

1. Ўзбек мумтоз шоирлари шеърларига яратилган шаклан йирик ашулалар – Ҳофиз Шерозий, “Ёрсан”, “Осмонда ҳам йўқ”, “Мунаввар қил”; Навоий, “Айрилиқ”, “Ёр эмас”, “Сарвиноз”, “Тараххум этмадинг”...

2. Соф чолғу монодикасарлар – “Наргиз” (уд сози учун), “Манзур” (манзур ёки дутор учун).

Шунингдек, соф чолғу полимонодик асарлар: аксари ғижжак ва созандалар ансамбли учун; ўзбек чолғуларининг камер (най, қонун, ғижжак ва доирадан иборат) таркибига мўлжалланган ва ҳар бир соз имкониятларини тўлиқ очиб берувчи асарлар; қўшиқсимон, бироқ соз (ғижжак) ва ансамбль ижросида бадий таъсирчанлиги ортиб борувчи; муайян хонандага мўлжалланиб, унинг ижро имкониятларини кашф этувчи асарлар...

Ўлмас Расулов ва Абдуҳошим Исмоиловларнинг ижодий баркамоллиги, ўзигагина хос баста-

корлик услуги, бадий-мантиқий ечимларни пухта эгаллаб улгурганликларининг асосий сабаблари қаторида ижрочилик фаолиятини мақом талқини билан изчил боғлаётганлари, ижодкор салафлари асарларини кенг тарғиб этаётганларини қайд этиш лозим. Зеро, бундай ибратомуз тамойиллар истиқлол йилларида танилиб, касбдошлар ва кенг тингловчилар доирасида тан олинаётган бир қатор навқирон бастакорларимиз учун ҳам одат тусига кираётгани қувонарлидир.

Машрабжон ЭРМАТОВ,

Ўзбекистон халқ ҳофизи,

Санъат ва маданият институти доценти

Turkiston tong otguncha

1917 йилдан Туркистон муслмонлари ҳамда жадидлар партияси фаолиятида янги давр бошланган. Февраль инқилобидан сўнг ўзбек, татар ва қозоқлар бирлашишга аҳд қилиб, “Турон” уюшмаси заминада “Шўрои исломия” жамияти тузилади. Уни тузишда Мунаввар қори, Абдувоҳид қори Абдурауфқориев, Убайдулла Хўжаев (Асадуллахўжаев) муҳим роль ўйнаган. 1917 йил 14 мартда иш бошланган жамият қишлоқ ва шаҳарларга тарғиботчилар юбориб, ғоявий тушунтириш олиб бориш, сайлов тўғрисида маълумот бериш билан шуғулланади. Шундай қилиб, Туркистонга мухторият мақомини бериш ҳаракати ўлка мустақиллиги учун курашга айланади (*Жадидчилик // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жлд. Тошкент, “ЎЗМЭ” нашриёти, 2002. 521-бет*).

“Шўрои исломия”нинг ташаббуси билан 1917 йил 16 – 22 апрелда Бутун Туркистон муслмонларининг I курултойи қақрилади, унда ўлканинг давлат мақоми масаласи ҳам муҳокамага қўйилди. Туркистон муслмонлари Марказий шўроси – Миллий марказини ташкил этишга қарор қилинади; раис сифатида Мустафо Чўқай, унга ўринбосарлар қилиб Ислон Шоаҳмедов, Аҳмад Заки Валидий ва Убайдулла Хўжаев сайланади. Валидий кейинчалик ёзган хотираларида ўзи бош котиб бўлганини таъкидлайди (*Аҳмад Заки Валидий Тўгон. Бўлингани бери ер. Тошкент, “Адолат”, 1987. 48-бет*). Мазкур марказ ташкилотларни бирлаштириш билан бирга миллий озодлик ҳаракатини ҳам ягона изга солар эди.

Туркистон мухторияти масаласи миллий озодлик курашининг барча ҳаракатлантирувчи кучлари манфаатини туташтирган асосий нуқта бўлади. Туркистонлик тараққийпарварлар 1917 йил ёзида Бутунроссия таъсис мажлисига сайлов арафасида сиёсий партия тузиш заруриятини англаб етишган. “Турон” маърифий жамиятини демократик тамойил-

ларга асосланган партияга айлантириш ғояси илгари сурилган.

Бутунроссия муслмонларининг 1917 йил 1 – 11 майда Москвада бўлиб ўтган I курултойи (*у Бутунроссия муслмонларининг бешинчи анжумани бўлишига қарамай, 1917 йил санок яна қайтадан бошланади.*) берган туртки натижасида мухторият масаласи янада жиддийлашган. Курултойда кўқонлик Мулла Камолиддин қози домулла Раҳмонберди ўғли қатнашиб, Русия муслмонлари шўроси аъзолигига сайланади. 1917 йил 12 – 14 июлда Скобелев (ҳозирги Фарғона) шаҳрида бўлиб ўтган Муслмон ташкилотларининг курултойида дастурий масалалар кўриб чиқилиб, унда Турк Адами марказият (Федералистлар) фирқасининг дастури (маромномаси) ва 22 моддадан иборат низоми қабул қилинган. Шу тариқа, туркистонлик ва озарбайжонлик ислохотчиларнинг биргаликдаги фаолияти натижасида ўлка муслмонлари сиёсий партиясининг дастури қабул қилинган.

Туркистондаги усули идоранинг хусусияти ҳақида Турк Адами марказият (Федералист) фирқасининг наشري бўлган “Турк эли” газетаси бундай ёзган: “Ўзига хайрихоҳ миллатлар ила бирлашкан ҳолда турклик бешиги бўлгон Туркистонга миллий-маданӣ ва ҳам ерлик мухторият (Федерация) олмоқдур” (“Турк эли”, 1917 йил 4 октябрь; *Дўсқороев Б. Туркистоннинг усули идораси қандай бўлмоғи керак эди? Жадидларнинг давлат тузуми тўғрисидаги қарашлари // Жамият ва бошқарув, 1997. №2. 13-16-бетлар; 1998. №1. 64-67-бетлар*).

Федералистлар дин масаласида ҳам талабларини аниқ кўрсатган; бу ҳақда 3-қисмда сўз боради (*Турк Адами марказият (Федералист) фирқасининг маромномаси. 7-бет*). Бу борадаги барча масалаларни ҳал этиш учун Марказда махсус “Маҳкамаи шаръия” (“Шариат маҳкамаси”) ташкилотини тузиш, унинг вилоятлардаги бошқармаларини таш-

кил қилиш, ҳар бир шаҳар, қишлоқ ва элларда унга қарашли бўлган қозихоналар очиш кўзда тутилган. Россия мусулмонларига тааллуқли бўлган муаммоларни ҳал этиш учун шайхулислом томонидан бошқариладиган ҳайъати диния сайлаш мўлжалланган (*Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустақиллиги даврида. Тошкент, "Шарқ", 2000. 35-бет*).

Хуллас, фирқа ўз маромномасида илгари сурган жамият тузуми демократик тамойилларга асосланиши кўзда тутилган. Бу ҳолат, айниқса, маромноманинг "Мухториятли қитъаларда аҳлият (фуқаролик) ҳуқуқи" деб номланган 4-қисмида ёрқин кўзга ташланади. Унда аҳоли қайси дин ва қайси мазҳабда бўлишидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги; фуқароларга виждон эркинлиги берилиши, биронта дин ёки мазҳаб ҳукумат томонидан бошқаларига нисбатан устун қўйилмаслиги; ҳар бир фуқаро ўз фикрини айтиш, матбуот ёки бошқа нашр воситалари орқали баён этиш ҳуқуқига эгаллиги; фуқаролар ўз муаммоларини ҳал қилиш учун йиғинлар ўтказиш, жамиятлар тузишга ҳуқуқли бўлиш, бунинг учун ҳеч кимдан "руҳсат сўрамоққа эҳтиёж йўқлиги"; шахс эркинлиги, оила муҳофазаси дахлсиз бўлиши, тегишли маҳкамаларнинг қарорисиз биронта ҳам фуқаронинг уйига бостириб кириб тинтув ўтказиш, хат ва китобларини текшириш мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Жадидларнинг дастурий ҳужжатларида асосий эътибор давлат барпо этиш, қонунлар чиқариш учун қақирилган мустақил ваколатли ўлка ҳокимиятининг олий органлари, бошқарув ва суд механизмларини ишлаб чиқишга қаратилади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар берилган ва конституцион жиҳатдан

кафолатланиши лозим бўлган демократик жамиятнинг шакллантириш – устувор мақсад қилиб белгиланади.

1917 йил ёзида Тошкентда "Шўрои исломия", "Турон", "Шўрои уламо", "Иттифоқи муслимин"; Кўқонда "Ғайрат"; Бухорода "Ёш бухороликлар", Хивада "Ёш хиваликлар"; Самарқандда "Иттифоқ", "Мирваж ул-ислом", "Мифтах ул-маориф" каби ташкилотлар фаолият кўрсата бошлайди. 1917 йил 17–20 сентябрда Тошкентда бўлиб ўтган Туркистон, Қозоғистон мусулмонларининг қурултойида "Шўрои исломия" ва "Шўрои уламо", "Турон" ва бошқа сиёсий ташкилотларни бирлаштириш йўли билан "Иттифоқи муслимин" сиёсий партиясини тузишга киришилади.

Туркистонни бошқариш шакли тўғрисидаги масала 1917 йил 26 – 28 ноябрда Кўқонда бўлган ўлка мусулмонларининг фавқулдда IV қурултойининг диққат марказида туради. Мухторият ва мустақиллик эълон қилиш фикрини ҳамма қўллаб-қувватлайди. Туркистон мухторияти ҳукумати ташкил қилинади. Бироқ бу ҳукумат 1918 йил 19 – 22 февралда большевиклар томонидан қонга ботирилади ва Фарғона водийсида ҳам зўравонлик билан совет ҳокимияти ўрнатилади.

Ҳа, жадидларнинг миллий давлатчиликни тиклашга оид гоъялари ҳам, амалий фаолияти ҳам Ўзбекистоннинг янги тарихида муҳим аҳамият касб этади: улар ўлкада усули идора қандай бўлмоғи керак, деган саволга, ўша давр шароитидан келиб чиққан ҳолда, маданий-миллий мухторият шаклидир, дея жавоб берганлар.

Муродилла ҲАЙДАРОВ,
тарих фанлари номзоди, доцент

Misrda hukm surgan xorazmlik sulton

Ўрта Осиёдан чиққан туркий қабилалар вакиллари турли даврларда Мисрда ҳукмдорлик қилган. Баҳрий мамлук султонлари шулар жумласидан. Улар 1250 – 1382 йиллар мобайнида Мисрни бошқарган. Жумладан, Ойбек Туркманий (1250 – 1257), Музаффар Сайфиддин Қутуз (1259 – 1260), Зоҳир Бейбарс (1260 – 1277), Мансур Сайфиддин Қалоун (1280 – 1290) каби лашкарбошилар бу мамлакатни идора этган. Улар араб қавмига эмас, балки туркий элатларга, хусусан, Дашти Қипчоқда кўчиб юрган қипчоқ, ўғуз ва бошқа қабилаларга ёки мўғул истилосидан қочган хоразмликларга тааллуқли шахслар бўлганини ўрта аср машҳур тарихчиларидан Мақризий ва Ибн Йиёслар қайд этганлар.

Султон Музаффар Сайфиддин Қутуз – Мисрда ҳукмронлик қилган (1259 – 1260) мамлук султонларидан бири.

Миср маликаси Шажарат ад-Дурр 1250 йили марҳум султон Солиҳ Нажмиддин Айюбнинг туркий лашкарбошилари ва амирлари бўлган Бейбарс, Оқтой, Ойбек ҳамда Қутуз ёрдамида насроний салбчиларга қарши шиддатли жанг уюштириб, ғалаба қозонади. Ўшанда Қутуз ўзининг истеъдодли лашкарбоши эканини намоён этган. Кейинчалик у тахт учун курашади. 1259 йил 15 ноябрда Ойбек Туркманийнинг ўғли Алидан тахтни тортиб олиб, ўзини Миср султони деб эълон қилади (*Маҳосин Муҳаммад Ваққод. Ат-табақот аш-шаъбийя фи-л-Қоҳи*).

ра ал-мамлукийя. Қоҳира, “Ал-хайъа ал-мисрийя”, 1999. 417-бет). Бундан норози бўлган амирларга у шундай мурожаат қилади: “Биз мўғуллар билан курашиш учун бирлашишимиз керак. Бу ишда ягона бошқарувсиз ҳеч нарса қила олмаймиз. Агар душманга бўлинган ҳолда қаршилик кўрсатсак, бу яхшиликка олиб келмайди. Салтанат ичидаги майда ихтилофлар ҳам шуни тақозо этади” (*Абу ал-Фидоъ Исмоъил. Ал-мухтасар фи ахбор ал-башар. Ж.З. Қоҳира, 1907. 199-200-бетлар*).

Айни шу кезлар мўғуллар Бағдод ва Шомни босиб олиб, Миср чегараларига яқинлашиб қолган эди. Мўғул ҳукмдори Ҳулагухон Мисрга Султон Қутузга таҳдидларга тўла, шаънига тегадиган хат йўллади. Мақтубда Қутузни “бизнинг қиличимиздан қочиб, бу диёрга келиб қолган ва унинг неъматларидан фойдаланаётган мамлук” деб атайди. Бу хат матни тарихчи Макризий рисоласида тўлиқ келтирилган (*Тақийиддин ал-Мақризий. Ас-Сулуқ фи маърифа дувал ал-мулук. Ж.З. Байрут, “Дор ал-кутуб ал-илмия”, 1997. 327-329-бетлар*). Демак, мўғуллар Қутузнинг кимлигини яхши билган, бўлмаса “у бизнинг қиличдан қочган мамлуклардан” деб ёзмас эди. Хат араб адабий тилида битилган бўлса-да, мазмунан одатдаги давлат раҳбарлари ёзишмаларига ўхшамайди, чунки унда Султон Қутуз ўта камситилган ва таҳқирланган. Хатнинг ниҳоясида икки байт ҳам илова қилинган: “*Ўша мисрликларга шундай деб айтмайсанми: “Улар келдилар, / Қинидан чиқариб ўтқир қиличларини. / Ўтказади қиличдан қавм азизларини таҳқирлаб, / Болалари ҳам кечади катталар қисматини”*.”

Ҳулагухоннинг элчиси келганида Султон Қутуз хоразмлик амирларни чақириб, улар билан маслаҳатлашади. Хоразмликларнинг амири Носириддин Муҳаммад Каймурий “Ҳулагухоннинг шартларини қабул қилиш шармандалик эмас. Лекин, албатта, коса ичида заҳар борлигини билатуриб, уни ичиш – ўлим-ла учрашиш билан баробар. Шунинг учун ақл билан иш қилиш керак. Ҳулагу мажбуриятлари ва ваъдаларини бажармайпти. Чунки келишув ва ваъдадан кейин у исмоилийлар раҳбари Ҳуршоҳни, халифа Мустаъсим ва бошқаларни ўлдирган. Агар биз унинг олдига таслим бўлиб борсак, эҳтимол, у бизга ҳам шундай қилади”, дейди. Султон Қутуз бунга жавобан “Агар биз мўғуллар режасидан олдинроқ бохабар бўлмасак, уларнинг ҳужумини қайтариш учун турмасак, унда тез орада бошқа давлатлар каби Миср ҳам вайрон бўлади”, дейди (*Буниятов З. Государство хорезмшахов-ангуштегинов. Изб. соч. в 3 томах. Т.З. Баку, “Элм”, 1999. Стр. 228*).

Султон Қутуз оғир вазиятда мўғуллар олдида бош эгмади, саросимага тушмади, вазмин ва қатъий қарор қилди – таслим бўлмасдан, мўғулларга қарши

чиқди. Топталган она диёри; Хоразм истилосидан кейин ғурбатда на халифа, на бошқа ҳукмдорлардан наҳот ва ёрдам топмагани; бир сиқим қўшин билан мўғулларга қарши ўн йилдан ортиқ яқка ўзи жасуруна курашган мағрур тоғаси Жалолиддин Мангуберди, дарбадарликда қолиб кетган минглаб хоразмликлар – булар ҳаммаси унинг юрагида қасос ўтини ёқди.

1260 йили Фаластиндаги Айн Жалут шаҳри яқинида жанг бўлади. Хоразмликлар, бадавийлар, курдлар, туркманлардан ташкил топган мамлук қўшинини – Султон Қутуз, улардан икки баравар катта мўғул қўшинини эса тажрибали саркарда Китбуга бошқаради. Султон Қутуз мўғул қўшинини тор-мор қилиб, лашкарбошисини асирга олади, бутун Шом ерларини мўғуллардан озод қилади. Қутузнинг номи мусулмон халқлари тарихида мўғуллар устидан ғалаба қозонган султон сифатида эътироф этилади. З.Бунёдов тарихчи Юнийига асосланиб, Султон Қутузнинг жангдан сўнг айтган қуйидаги сўзларини келтиради: “Мен ким, Маҳмуд ибн Мамдудман. Мен ким, мўғулларни тор-мор қилиб, тоғам Хоразмшоҳ учун қасос олган (одамман)” (*Буниятов З. Эслатилган асар. 228-бет*).

Султон Қутуз ҳақида турли ривоятлар бор. Шамсиддин Жазарийнинг “Сират Сайфиддин Қутуз” китобида келтирилишича, у ҳарбий мактабда ўқиб юрган йиллари тенгдошларидан бирининг тушига Муҳаммад (с.а.в.) кириб, Қутузнинг Мисрда шоҳлик қилиши ва мўғуллар устидан ғалаба қозонишини айтган экан.

Ливанлик тарихчи Яҳё Шомия солномаларга таяниб, Қутузнинг хоразмшоҳлар оиласига мансублиги тўғрисида маълумот беради: “Аслида у амир эди, исми Маҳмуд ал-Мамдуд, Жалолиддин Хоразмшоҳ опасининг ўғли бўлган. Асирга тушиб, кул сифатида сотилган эди. Охири Муизиддин Ойбек уни сотиб олган. Замон зайли билан мамлуклар давлатини барпо этган биринчи султонлардан эди” (*Яҳё Шомия. Шажара ад-Дурр Малика ал-муслимийн ва исомо ад-дуня ва ад-дин. Байрут, “Дар ал-фикр”, 2004. 83-бет*).

Хоразмшоҳлар сулоласи вакили Султон Қутуз доно кўмондон, ўз юртини севувчи мард ўғлон эканини исботлади. Мўғуллар ҳақидаги “енгилмас куч” деган афсонага биринчи бўлиб Жалолиддин Мангуберди зарба берган бўлса, Айн Жалут жангида Султон Қутуз бошлиқ қўшин ҳам улар устидан ғалаба қозониб, бу афсона яна ўз кучини йўқотади.

Афсуски, Султон Қутузнинг Миср тахтидаги ҳукмдорлиги узоққа бормади – у 1260 йил кузида душманлари уюштирган фитнада ўлдирилади.

Зухра ОРИПОВА,

*Ўзбекистон халқаро Ислам академияси доценти,
тарих фанлари номзоди*



SUMMARY

Mukimjon Kirgizboev. Uzbekistan on a large chess-board. pp. 16-21.

Over the years of independence, the attitude of Uzbekistan towards developed countries has changed in accordance with the national interests and political will of the country's leadership. After the change of political power in the country in 2016, certain changes have been observed in foreign policy. In particular, the leadership of Uzbekistan has begun to view the Central Asian region as a key foreign policy priority. At the same time, relations with Russia, China, the United States and the European Union are being resumed. In general, the article analyzes the impact of changes in foreign policy on national interests.

Jumanazar Beknazar. Where are you going, human being? pp. 22-29.

Currently, humanity has enough weapons at its disposal to destroy life on the Earth five times; more than \$ 1 million a minute is spent on arms race. This situation is very worrisome for the intelligent scientists of the world. The article provides an in-depth analysis of the philosophy of war and peace. Professor J.Beknazar em-

phasizes that the various crises observed in the life of society show how important it is for humanity to follow the rules of divine morality.








Zuhriddin Isomiddinov. The ideal of Navoiy. pp. 30-35.

Uzbek people consider the great poet Alisher Navoiy an example in many issues. Whom did Navoiy himself know as an ideal person? There are two different interpretations on this score. First, Navoiy, like all Muslims, considered the Prophet Muhammad an ideal. Secondly, some literary scholars write that “the ideal of Navoiy is Farhod in the epic “Farhod and Shirin” – the poet has embodied his dreams in this image.” The author notes which of these two approaches is more correct.

Khayriddin Sulton. Whose words do not die, does not die himself. pp. 36-47.

This year marks the 100th anniversary of the birth of the famous litterateur, People’s Writer of Uzbekistan Askad Mukhtor. Askad Mukhtor is one of the writers who created a unique school of Uzbek literature. With a distinctive talent and intellect, he is a prolific writer of both poetry and prose, writing immortal works. The article presents a creative portrait of the late writer. “What should be an enlightened person?” I would answer the question in one word: “A person should be like Askad Mukhtor”. Khayriddin Sulton, the author of the article concludes, “in a sense, he was a real educator – the last Jadid of the 20th century”.

Ўқинг, кам бўлмайсиз!




13528
Тоғр.

Нашр кўрсаткичи: 869/870
Баҳоси келишилган нарҳда

TAFAKKUR

ТАФАККУР 4/2020



ISSN 2010-6491

